

R 481
1970/2

Ўзбек тили ва адабиёти

636
2/3

№ 6

2

1970

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

R 481


ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Ўн учинчи йил чиқиши

МАРТ — АПРЕЛЬ

2

1970



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ



Бош муҳаррир —
ЎзССР ФА академиги Қ. Н. ЯШИН

Таҳрир ҳайъати: ЎзССР ФА академиклари: В. А. АБДУЛЛАЕВ, В. П. ЗОҲИДОВ, ЎзССР ФА мухбир аъзолари: И. О. СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ю. С. СУЛТОНОВ, Ш. Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ, фалсафа фанлари доктори Қ. Х. ХОНАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), филология фанлари докторлари: Ф. А. АБДУЛЛАЕВ, Ҳ. И. ЕҚУБОВ, Ҳ. Т. ЗАРИФОВ, С. И. ИБРОҲИМОВ, Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ А. Ҳ. ҲАЙИТМЕТОВ, филология фанлари кандидатлари Н. Ф. ҚАРИМОВ (масъул секретарь), А. Ҳ. ҲОЖИЕВ.

На узбекском языке

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА


Вып. 2.

Наширёт муҳаррирлари Д. Муминова, Н. Раҳимова
Техмуҳаррир Б. Мумино
Корректор Ҳ. Қурбонова

Р06423. Теришга берилди 17/III-70 й. Босишга рухсат этилди 10/IV-70 й. Формати 70×108^{1/4}—2.5 қоғоз л. 7,0 босма л. Ҳисоб-наширёт л. 6,5. Наширёт № 458. Тиражи 14128. Баҳоси 30 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Чердэнцев кўчаси, 21. Заказ. 69.
Наширёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

Адресимиз: Тошкент—ГСП, Гоголь кўчаси, 70 „Ўзбек тили ва адабиёти“ редакцияси.
Телефон В3-34-09, Коммутатор В 9-99-71-75 орқали қўшимча 0—81.



АДАБИЁТШУНОСЛИК

С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, С. МИРЗАЕВ

В. И. ЛЕНИН БАДИИЙ АДАБИЁТ ҲАҚИДА

Адабиёт ва санъат инсон табиатининг нозик томонларига чуқур кириб бориб, миллион-миллион кишиларнинг маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам марксизм-ленинизм классиклари коммунизм қуришда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалар билан бир қаторда адабиёт ва санъат масалаларига ҳам катта эътибор берганлар.

Адабиёт ва санъатни халққа, ишчилар синфи манфаатларига хизмат қилдириш тўғрисидаги материалистик илмий таълимотга биринчи бўлиб К. Маркс ва Ф. Энгельс асос солдилар. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести», «Немис идеологияси», К. Маркснинг «1844 йилги фалсафий иқтисодий қўлёзмалар», «Капитал», «Эпикур философияси», Ф. Энгельснинг «Немис социализми шеърят ва прозада» асарларида, шунингдек, уларнинг О. Бальзак, Ф. Шиллер, В. Гёте сингари ёзувчилар ижоди ҳақидаги мақола ва хатларида адабиёт ва санъатнинг социал моҳияти, вазифаси ва ижтимоий роли ҳақида доҳиёна фикрлар баён этилган. Адабиёт ва санъатни формализмдан, санъатбозликдан, ғоясизлик ва маслакисизликдан чиқариш йўллари кўрсатиб берилган.

Масалан, Ф. Энгельснинг ёзувчи М. Каутскаяга юборган хатида куйидагилар ёзилган: «Мен тенденциоз поэзияга сира қарши эмасман. Трагедиянинг отаси Эсхил ва комедиянинг отаси Аристофан ҳам худди Данте билан Сервантес сингари ёрқин кўринган тенденциоз шоирлар эди. Шиллер «Макр ва муҳаббат»ининг асосий қадр-қиммати эса унинг биринчи сиёсий немис тенденциоз драмаси бўлишидадир. Ажойиб романлар ёзаётган ҳозирги рус ва Норвегия ёзувчиларининг ҳаммаси тўла тенденциоз ёзувчилардир. Лекин, менинг ўйлашимча, тенденциозлик алоҳида таъкидланмай, ўз ҳолича вазият ва воқеаларнинг ўзидан келиб чиқиши лозим, ёзувчи ўзи ифодалаган ижтимоий конфликтларнинг келажакдаги тарихий ечилишини китобхонга тайёр ҳолда етказиб бериши шарт эмас»¹.

Кўринадики, Ф. Энгельс бадий ижоддаги ғоявийлик ва тенденциозликни (маълум бир синф ёки ижтимоий гуруҳнинг тарафини олиш тенденциясини) маъқуллайди. Шу билан бирга ғоя асарнинг умумий руҳидан келтириб чиқарилиши, тенденциозлик асардаги юксак бадийликка сингдириб юборилиши лозимлигини қайд қилади.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг адабиёт ва санъат ҳақидаги доҳиёна фикрларини янги давр ва янги шароитда В. И. Ленин ривожлантирди, мукамал ва тугал илмий таълимот даражасига кўтарди.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс, Избранные письма, Госполитиздат, М., 1947, стр. 395.

В. И. Лениннинг бадий ижоднинг партиявийлиги ҳақидаги ва умуман адабиёт ва санъат тўғрисидаги таълимоти унинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти», «Материализм ва эмпириокритицизм», «Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси», «Л. Н. Толстой ва ҳозирги замон ҳаракати», «Толстой ва пролетар кураши», «Л. Н. Толстой ва унинг даври», «Пролетар маданияти ҳақида», «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар», «Герцен хотираси» сингари асарларида, улуғ дохий-мизнинг III съездда сўзлаган нутқида ҳамда А. М. Горький, Қлара Цеткин, А. В. Луначарский сингари йирик маданият арбобларига ёзган мактубларида ва улар билан қилган суҳбатларида баён қилингандир.

В. И. Ленин ўзининг 1905 йилда ёзилган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли классик асарида эстетика тарихида биринчи бўлиб адабиётнинг партиявийлиги тўғрисида мукамал илмий материалистик таълимот яратди. Бу асарда ўша даврларда «ҳеч қандай партияни тан олмаймиз», «адабиёт ва санъатни сиёсатдан ташқари йўлдан олиб борамиз», «соф санъат учун курашамиз» деб жар солиб юрган айрим санъаткорларнинг амалда риёкорлик билан буржуа мафкураси учун хизмат қилиб юрганликлари очиб ташланди. «Буржуа ёзувчиси, расоми, артистининг озодлиги пулдорга, пулга, хўжасига қарамликдан (ёки мунофиқона ниқобланидиган қарамликдан) бошқа нарса эмас»лиги² аёвсиз суратда фош этилди.

В. И. Лениннинг бу таълимоти асосида ҳозирги замон реакция буржуа адабиёти ва санъатига назар ташланса, реакция буржуа ёзувчилари ва санъаткорларининг империалистларни мақтовчи, каллақесарларни, эгоизмни, ирқчиликни, шахсиятпарастликни, уришқоқликни тарғиб қилувчи асарлар ёзиб, дўкон тоқчаларини тўлдириб юрганликларининг сабаби очиқ-ойдин англашилади. Дарҳақиқат, бу ҳол реакция буржуа ёзувчиларининг империализмга турли жирканч ва тубан йўллар билан очикдан-очиқ хизмат қилаётганликларининг рад этиб бўлмас исботидир. Чиндан ҳам совет адабиёти инсоният учун фойдали ғояларни, меҳнатсеварлик, софдиллик, халқпарварлик, дўстлик ва тинчликсеварлик каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб қилаётган бир пайтда, реакция буржуа адабиёти империализмга малайлик қилиб, ҳаёсизлик ва жирканч ғаразўйликни, уруш ва уришқоқликни тарғиб қилмоқда. Шовинизмни, миллатчиликни, совуқ урушлар муносабатини давом эттириш ва халқлар орасига низо солишни, ирқчиликни тарғиб қилмоқда. Бу табиий бир ҳолдир. Чунки ўз ижодини капиталистлар хизматиغا қўйган қаламкашнинг бундай қилишдан бошқа иложи йўқ ҳам, чунки капиталистик дунё ёзувчининг ҳар қандай асарига эмас, балки буржуазия синфи манфаатларини кўзлайдиган асаригагина ҳақ тўлайди. Эксплуататор синфи манфаатига зид ҳаракат қилган ҳар қандай ижодкор буржуа ҳокимияти томонидан сиқув остига олинади, жазоланади, ҳатто қатл ҳам қилинади.

«Британия парламентининг аъзоси Дональд Доннели вильсонча ҳукуматнинг келажагини тасвирловчи ҳикоя ёзганлиги учун лейбористлар партияси сафидан чиқарилди. У ўз ҳикоясида бутун мамлакат бўйлаб ўтказилаётган намоёнлар, фунт-стерленнинг янги танглиги ва бошқа қийинчиликлар тўғрисида ёзган. Ҳикоя «Бўрон яқинлашмоқда», деб аталади («Литературная газета», 1968 йил 31 май).

Машҳур чех ёзувчиси Юлиус Фучик ҳақиқат ва адолат йўлидаги эркин фикрлари учун фашистлар томонидан не-не азобларга дучор қилинди ва у охирида қатл этилди. Капиталистик жамиятга доир ҳақиқатларни рўй-рост ёзганликлари учун грек халқининг миллий қаҳрамони Ма-

² В. И. Ленин, Асарлар, 10-том, 36-бет.

нолис Глезос, Покистоннинг прогрессив ёзувчиси Файз Аҳмад турмага ташланди, қийноққа солинди. Чет элларда ҳозирги кунда ҳам кўпгина халқпарвар, ростгўй ёзувчилар демократия ва тинчлик, адолат ва тараққиёт ҳақидаги эркин фикрлари учун буржуа жамияти томонидан қаттиқ сиқувга олинмоқда, таъқиб этилмоқда.

Еки, аксинча капитализмнинг «озод дунёси»ни, буржуа «демократияси»ни сурбетча ва демагоглик билан кўкларга кўтариб мақтаётган, империалистларга малайлик қилиб, социалистик мамлакатлар ҳақида ёлгон-яшиқ уйдирмалар тўқиётган қаламкашларга буржуа ҳокимияти яхшигина қалам ҳақи тўламоқда.

Реакцион буржуа ёзувчиларининг халққа қарши капиталистлар хизматини бажо келтираётганликларини кўрсатувчи фактлар кўп ва уларнинг ҳаммаси адабиётнинг ленинча партиявийлиги ҳақидаги таълимотнинг қанчалик тўғри ва ҳаётий эканлигидан далолат беради.

В. И. Ленин ана шундай ҳақиқатни — буржуа адабиётининг халққа эмас, капиталистларга хизмат қилаётганликларини очиб ташлаш билан бирга, пролетар адабиёти умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши лозимлигини, «бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона, катта социал демократик механизмнинг «паррак ва винтчаси» бўлмоғи керак»лигини³ асослаб берди.

Шундай қилиб, улуғ Ленин ижтимоий ҳодисалар тараққиётини чуқур таҳлил қилиш ҳамда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг адабиёт ҳақидаги, адабиётнинг тенденциозлиги тўғрисидаги қарашларини ижодий равишда ривожлантириш натижасида адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги тўғрисидаги марксистик таълимотни яратди. Партия халқ оmmasига хизмат қилганлигидек адабиётнинг ҳам (ёзувчининг ҳам) халққа, партияга хизмат қилиши зарурлигини, адабиётнинг партиявийлиги ҳаёт тақозосидан келиб чиқишини исботлаб кўрсатди.

В. И. Ленин буржуа идеолoгларининг адабиётнинг «эркинлиги» ҳақидаги «назария»ларига қарши курашиб, «адабиёт партиявий бўлиши керак», социалистик пролетариат, буржуа ахлоқига қарши, буржуазиянинг фойда таъма, сотқин матбуотига қарши, адабиётда буржуа шухрат-парастлигига ва шахсиятпарастлигига, «тўраларча анархизмга» ва манфаатпарастликка қарши **адабиёт партиявийдир**, деган принципини олға суриши, бу принципини кенгайтириш ва уни мумкин қадар тўла ҳамда бутун формада амалга ошириш керак»⁴,— деб таъкидлади.

В. И. Лениннинг адабиётнинг партиявийлиги ҳақидаги бу кўрсатмалари буржуа реакция адабиёти вакилларини фoш этиш билан бирга, қатор истеъодли ёзувчиларни ва санъаткорларни авайлаб тарбиялади ҳамда тўғри йўлга бошлади. Санъатнинг ҳақиқий йўли халққа, жамият тараққиётига, революция ишига хизмат қилишдан иборат эканлигини англаб олишга ёрдам қилди.

Ҳар бир миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият элементлари бор, чунки ҳар бир миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни тугдиради...

Биз... ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларини оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз.

В. И. Ленин

³ В. И. Ленин, Асарлар, 10-том, 33-бет.

⁴ Уша асар, 29-бет.

В. И. Ленин ўзининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли классик асарида буржуа идеологларининг адабиёт ва санъатнинг синфларга ёки партияларга мансуб эмаслигини тарғиб қилувчи гайри илмий «тадқиқотларига» қақшатғич зарба берди. В. И. Ленин «Биз ҳеч қандай синф ёки партияга мансуб эмасмиз» деб юрувчи айрим қаламкашларга қарши ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб *бир жамиятда яшасан ҳолда, шу жамиятдан четда туриш мумкин эмас*⁵ (курсив бизники — авторлар) деган машҳур тезисни олға сурди. Модомики, капиталистик жамият бири-бирига қарама-қарши бўлган антагонистик синфлардан иборат экан ва бу синфлар ўртасида ҳаёт-мамоғ кураши давом этар экан, ўз-ўзидан маълумки, шундай бир шароитда жамиятнинг ҳар бир аъзоси бу ижтимоий курашдан четда қололмайди, албатта, деб таъкидлайди В. И. Ленин.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашилса, ўша вақтда (1905 йилда) партияга мансуб эмасмиз, деб юрганлар орасида ҳақиқий буржуа идеологларни билан бир қаторда, бу сиёсатнинг туб моҳиятига тушунмаган айрим софдил ижодкорлар ҳам амалда буржуа идеологияси учун хизмат қилган бўлиб чиқар эди. Демак, буларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш зарур эди.

В. И. Ленин ўз асарида «**Битсин партиясиз адабиётчилар! Битсин ўзини кишилардан юқори тутган адабиётчилар!**»⁶ деган шиорни ўртага ташлайди. Бу билан у, биринчидан, ўзини халқдан устун қўйиб, халққа хизмат қилишни истамаган санъаткорларни аёвсиз қоралайди. Иккинчидан, халққа хизмат қилишни истаса ҳам «партиясиз адабиёт» учун кураш байроғи остида амалда буржуазияга хизмат қилиб юрган софдил санъаткорларнинг хатоларини кўрсатиб, уларни тўғри йўлга бошлади.

В. И. Лениннинг ўша даврдаги жуда катта ва мураккаб ижтимоий воқеаларни таҳлил қилиш ва бу воқеаларнинг ривожини олдиндан кўриш натижасида юзага келган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли асари, аввало бўлажак революцияда адабиёт ва санъатни ишчи ва деҳқонлар манфаати учун хизмат қилдириш мақсадини кўзлаб ёзилган эди. Лекин бу асар фақат ўз даври учун хизмат қилиб ва ўша давр учун аҳамиятли бўлиб қолмади, балки у совет адабиётининг социалистик реализм методи асосида шаклланиши ва ривожланишида, унинг дунёда энг илғор, энг ғоявий, энг революцион адабиёт бўлиб етишувида ҳам жуда катта роль ўйнади. Чунки бу асарда социалистик жамиятда яратилажак янги типдаги адабиёт ва санъатнинг характерли хусусиятлари, унинг қандай адабиёт ва санъат бўлиши кераклиги ҳам олдиндан кўрсатиб берилган.

В. И. Ленин социалистик жамият адабиётининг характерли хусусиятларини кўрсатар экан, у шу жамиятнинг асосий моҳиятини биринчи планга қўяди ва: «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади. Чунки унинг қаторига тобора янги кучларни тортувчи нарас манфаатпарастлик ва амалпарастлик бўлмай, балки социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳлик бўлади. Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади. Чунки бу адабиёт айш-ишрат кўнглига урган хонимларга, тўқликка шўхлик қилиб, семизликни кўтара олмай қолган «ўн мингтача зодагонларга» хизмат қилмайди, балки мамлакатнинг гули бўлган, мамлакат куч-қуввати ва истиқболнинг эгаси бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади»⁷, деб доҳиёна башорат қилади.

В. И. Лениннинг социалистик жамият адабиёти ҳақидаги бу кўрсатмаларининг қанчалик тўғри ва ҳаётий эканини турмуш, совет воқе-

⁵ В. И. Ленин, Асарлар, 10-том, 36-бет.

⁶ Ўша асар, 33-бет.

⁷ Ўша асар, 36-бет.

лиги ва совет адабиёти тўлиқ тасдиқлади. Дарҳақиқат, социалистик ҳаётимизнинг бадиий йилномаси бўлган совет адабиёти ҳаётни реал, объектив тасвирловчи, коммунистик ғояларни олга сурувчи ва халқнинг туб манфаатларини ифодаловчи янги типдаги адабиётдир. Бу адабиёт озчиликни ташкил этувчи бекорчилар учун эмас, балки коммунистик жамият қураётган меҳнаткаш халқ учун, социалистик базис манфаатлари учун актив хизмат қилади.

Ўтмишдаги адабиётларнинг барча прогрессив анъаналаридан фойдаланаётган совет адабиёти ҳозирги буржуа адабиётидан ҳар жиҳатдан юқори туради. Бу устунлик совет адабиётининг доимо янгиликни, социалистик мазмунни ифодалашда, ленинча партиявийлик принципига қатъий риоя қилишида, халқ ва давлат манфаатларини изчиллик билан ҳимоя этишда, миллион-миллион меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига бевосита қатнашишида, марксизм-ленинизм методологиясига асосланиб, социалистик реализм методи билан иш юритишида очиқ кўринади.

Совет адабиёти ўзининг ғоявий мундарижаси билангина эмас, балки тематик доираси билан ҳам ўтмиш давр адабиётларидан ва ҳозирги замон буржуа адабиётидан тубдан фарқ қилади. Совет адабиётининг тематикаси ўтмиш адабиётининг мавзуларидан аввало шу билан фарқ қиладикки, унинг асосий тематикаси — янги дунё кишисининг ҳаёти, ўтмишда бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган коммунистик қурилиш, социалистик меҳнат, СССР халқлари ўртасидаги буюк ҳамкорлик, дўстлик, колхоз ва совхоз ҳаёти, социалистик саноат, янги типдаги кишининг шаклланиши, шахснинг ҳар тарафлама камол топиши каби янги жамият воқелигидан келиб чиқувчи янги мавзулардан иборатдир.

Совет адабиёти ҳозирги замоннинг барча муҳим темаларини акс эттиради ва айниқса совет кишиларининг фаол ҳаракатини, ижодий меҳнатини юксак пафос билан улуғлайди. Чунки жамиятимизда меҳнаткашларнинг ўзи тўла хўжайиндилар. Шу туйфайли совет кишиларининг овоз, серзавқ, эркин меҳнати совет адабиётининг табиий равишда асосий темаларидан бири бўлиб қолди. Ўтмиш адабиётларида меҳнат темаси (меҳнаткаш халқ образи) кўпинча биринчи планга қўйиб тасвирланмас эди. Совет адабиётида эса бу масала принципно аҳамият касб этди. Буюк советлар мамлакатида меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик иши бўлиб, у ҳар бир совет кишисининг маънавий қиёфасини белгиловчи асосий омилга айланди.

Совет адабиёти ўз тематик доирасининг кенглиги ва турмушга жуда яқинлиги билан характерланади. Дарҳақиқат, совет адабиёти улуғ Октябр социалистик революцияси туйфайли мамлакатимизда ва халқимиз ҳаётида содир бўлган барча буюк ўзгаришларни, гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик индустриалаш, тарихий беш йилликлар, колхоз, совхоз қурилиши ва социалистик саноат тараққиёти, Улуғ Ватан уруши ва урушдан сўнгги давр воқеа-ҳодисаларини, коммунистик қурилиш жараёнини ўзида ифодалаб, социалистик жамият ри-

...Илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи родини бажара олади. Бунинг маъноси нима эканлигини бир қадар бўлса-да яққол тасаввур этиш учун китобхон рус социал-демократиясидан олдин ўтган Герцен, Белинский, Чернишевский каби намоёндаларни ва 70-йиллардаги ажойиб революционерларни эсга олсин; рус адабиётининг ҳозир бутун дунё миқёсида қозониб бораётган аҳамияти тўғрисида ўйлаб кўрсин...

В. И. Ленин

вожининг йилномасига айланди. У билан бирга ўсди, камол топди. Шунинг учун ҳам совет адабиётининг тақдирини совет тузумининг тақдирини билан, унинг қўлга киритган муваффақиятлари ва совет халқининг социалистик қурилиш соҳасида эришган ютуқлари билан ҳамма вақт чамбарчас боғлиқ бўлиб келди.

Совет адабиётининг ғоявий мазмуни ва тематик доираси янги бўлгани сингари унинг асосий қаҳрамони ҳам бутунлай янгидир. Кўп миллатли совет адабиётининг бош қаҳрамонлари янги турмуш бунёд этувчилар — ишчилар, колхозчилар, партия аъзолари, хўжалик ходимлари, инженерлар, зиёлилар, космосни забт этувчилар, бинокорлар, чорвадорлар, комсомоллардир... Совет адабиётининг асосий типлари ва асосий қаҳрамонлари худди ана шундай ғайратли ва жасоратли кишилардир.

Демак, совет адабиётини янги мазмундаги энг илғор, энг ғоявий, энг революцион адабиёт, унинг асосий тасвир объекти, асосий темаси ҳам, асосий қаҳрамони ҳам тамоман янгидир. Совет адабиётининг асосий вазифаси эса ҳаётни бузмасдан, хиралаштирмасдан ҳаққоний тасвирлаш, воқелигимизни революцион тараққиёт жараёнида кўрсатиш орқали бутун меҳнаткашларнинг кундалик ҳаётини манфаатларига мос келадиган ғояларни тарғиб этиш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, унга эстетик завқ беришдир. Совет адабиёти бундай буюк тарихий вазифаларни шараф билан бажармоқда. Социалистик тузумни янада мустаҳкамлашда, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда, мамлакатда коммунистик жамият қуришда партияга, Совет ҳукумати ва совет халқига катта ёрдам бермоқда.

Совет адабиётининг бундай янги типдаги адабиёт бўлиб шаклланиши ва оламшумул ютуқларга эришишида унинг Ленин таълимотига асосланиб иш кўриши, ленинча партиявийлик принципига қатъий риоя қилиши ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлди.

В. И. Лениннинг янги адабиёт ҳақидаги, адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги таълимоти унинг бадий ижоднинг халқчиллигига доир кўрсатмалари билан узвий боғлиқдир. Дарҳақиқат, бадий адабиётда халқчиллик масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун марксизм-ленинизм классиклари бу масалага ҳам алоҳида эътибор берганлар ва уни диалектик ва тарихий материализм нуқтаи назаридан ёритганлар. Масалан, улуг доҳий В. И. Ленин Қлара Цеткин билан қилган суҳбатда адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги ҳақида гапириб: «Санъат халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси орасида чуқур илдиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу томонидан севилиши лозим. У шу омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши лозим»⁸, деб уқтирган эди.

В. И. Лениннинг шу сўзларида асарнинг халқчил бўлиши учун унинг олдига қандай асосий талаблар қўйилиши — халқчилликнинг критерияси очиқ-ойдин баён этилган. Бинобарин, жаҳон адабиёти тарихи (жумладан совет адабиёти тарихи ҳам) халқнинг орзу-умидларини реалифодалаган, халқни тарбиялаб, унга тараққиёт йўлини кўрсатган ва омманинг ўсишига, кўтарилишига ёрдамлашган асарларнинггина ҳақиқий халқчил асарлар бўлиб келганлигини, давр синовларига фақат ана шундай халқчил асарларгина чинакам бардош бера олишини тўлиқ исбот қилади.

Совет адабиётидаги халқчилликнинг ижодкор олдига қўядиган талаблари янги давр ва янги жамият (социалистик жамият) характеридан келиб чикувчи талаблардир. Совет адабиётидаги партиявийлик син-

⁸ В. И. Ленин, Маданият ва санъат тўғрисида, Ўздавнашр, Тошкент, 1962., 577-бет.

гари халқчиллик ҳам санъаткорнинг коммунизм ғояларининг тантанаси учун изчиллик ва қатъиятлик билан хизмат қилишини, ғоявий жиҳатдан марксча-ленинча позицияда мустаҳкам туришини, ҳаётни социалистик реализм методи асосида революцион тараққиёт процессида акс эттиришини, халқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлашни, халқнинг ҳис-туйғулари ва орзу-умидларини куйлашни, халққа манзур бўладиган ғоявий-бадий етук асарлар яратишни тақозо этади.

Бошқача қилиб айтганда, совет адабиётида халқчиллик тушунчаси партиявийлик тушунчасига бутунлай мос келади. Чунки шовли партия-мизнинг халқ манфаатидан бошқа ҳеч қандай манфаати бўлмаганидек, у тутган сиёсат ҳам том маънодаги халқчил сиёсатдир. Шунинг учун ҳам бу сиёсат халқнинг орзу-умидларига, халқ манфаати ва мақсадларига **тўлиқ жавоб беради**. Зотан, партияга хизмат қилиш — халққа хизмат қилиш демакдир. Халққа хизмат қилиш эса Коммунистик партияга хизмат қилиш демакдир.

В. И. Лениннинг бадий ижоднинг партиявийлиги ва халқчиллиги-га доир фикрлари улғу доҳиймиз томонидан адабиёт ва санъат ҳақида яратилган материалистик таълимотнинг асосини ташкил этади. Бинобарин, В. И. Лениннинг «пролеткульт» чиларга қарши айтилган фикрлари ҳам, ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият мавжудлиги ҳақидаги кўрсатмалари ва Лев Толстой тўғрисидаги мулоҳазалари ҳам, ўтмиш маданият меросини танқидий ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш ҳақидаги назарияси ҳам адабиётнинг партиявийлиги, халқчиллиги принципини тўлдиради ва уни тўғри тушунишга кўмаклашади.

А. ҲАЙИТМЕТОВ

АДАБИЙ МЕРОСНИ ЎРГАНИШДА ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИ

Илмий коммунизмнинг асосчилари Маркс ва Энгельс маданият ва санъатнинг, шу жумладан бадий адабиётнинг жамиятнинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ равишда тараққий этиб, доим синфий характерга эга бўлганини кўрсатган эдилар. В. И. Ленин бу таълимотни янги тарихий шароитда янада ривожлантирди. Утмиш миллий маданиятидан қандай фойдаланишимиз, нимани олишимиз керак деган саволга пролетар синфи, ҳар бир халқнинг эзилган қисми манфаатидан келиб чиқиб, у ўзининг «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» деган асарида: «Биз... ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларини оламиз, биз уларни фақат ва *мутлақо ҳар бир* миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз»,— деб жавоб берди¹. Шу асарида у яна шундай деб таъкидлаган эди: «*Ҳар бир* миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият *элементлари* бор, чунки *ҳар бир* миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинвчи омма бор, бу омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни туғдиради»².

Ўзбек адабиёти тараққиётининг кўп асрлик тарихи ҳам бу гениал фикрнинг ғоят тўғрилигини кўрсатади. Энг қадимги даврлардан бошлабоқ унда икки асосий тенденция кўзга ташланади. Бир хил санъаткорлар ҳукмдорларга, ҳукмрон тузумга мадҳу сано ўқишни ўзларининг асосий вазифаси деб билганлар, бу билан улар феодал давлатни, феодал тузумни мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун уларни ҳозирги адабиётшунослигимизда ҳақли равишда феодал сарой адабиётининг вакиллари деб номлайдилар. Бунга қарама-қарши ўлароқ феодал тузум шароитида прогрессив, халқчил адабиёт ҳам мавжуд бўлиб, унинг вакиллари зулмга, адолатсизликка, талончиликка, жаҳолатга асосланган феодал ҳаётни фош қилдилар, меҳнаткаш халқ томонида туриб, унинг манфаати йўлида қалам тебратиб, яхши ҳаётни орзу қилдилар. В. И. Ленин кўзда тутган «Демократик ва социалистик маданият *элементлари*» ўзбек адабиёти тарихида асосан шу типдаги санъаткорлар ижодида мавжуд бўлиб, биз кўпроқ шуларнинг адабий меросларини ўрганишимиз, хас ва чўплар билан кўмилиб кетган бўлса, улардан тозалаб, халқ оммасига янгидан таниттиришимиз, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тенденция ўртасидаги доимий курашни ҳаққоний, реал тарихий шароитга конкрет боғлаб очиб беришимиз керак. Ўзбек ва барча халқлар адабиёти ўтмишидаги бу икки йўналишни инкор

¹ В. И. Ленин. Асарлар. 20-том, 9-бет.

² Уша асар, 8—9-бетлар.

этиш марксизм-ленинизмнинг энг муҳим принципини инкор этиш, буржуа қарашларига ён босиш деган гапдир.

Шу икки йўналиш асосида ўзбек адабиёти тарихида турли ғоявий оқимлар пайдо бўлгани ҳам табиийдир. Феодал сарой мафкураси билан суғорилган адабий оқим ва халқ оммаси манфаатларини кўзлаган прогрессив адабий оқимдан ташқари ўрта аср шароитида диний-мистик адабий оқимлар ҳам юзага келди. Диний дунёқараш ҳукмрон бир вазиятда ҳаётдаги ўткир зиддиятларни илоҳиятга чекиниш йўли билан ҳал қилмоқчи бўлган сўфий шоирлар ўз даврида адабиётда ва ҳаётда мураккаб йўлни тутдилар. Бир томондан, улар ҳаётдаги социал адолатсизликларни кескин қоралаб, уни фош қилсалар, иккинчи томондан, бу аҳволдан қутулиш учун илоҳиятни зўр жазави билан тарғиб қилдилар. Шу равишда бу типдаги санъаткорлар ижодида ўрта аср идеологияси билан суғорилган кишиларнинг феодал ҳаётга танқидий муносабати ўз аксини топди. Баъзи ҳолларда бу типдаги адабиёт феодал муҳитда яшаб ижод қилган илғор фикрли санъаткорларга ҳам маълум таъсир кўрсатди. Адабиёт тарихини ленинча ўрганиш бундай ғоявий оқимлар ва турли адабий мактабларнинг келиб чиқишини конкрет тарихий шароитга боғлаб ўрганишни тақозо этади. Биз улар ижодидаги феодализмга бўлган оппозицияни алоҳида таъкидлаган ҳолда ундаги мистикани, диний майлларни тегишли равишда танқид қилишимиз, зарарли эканини чуқур кўрсатишимиз керак.

В. И. Ленин ўзининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асариде кишининг жамиятда яшаб туриб, ундан узилган ҳолда эркин яшаши мумкин эмаслигини жуда чуқур очиб берган эди. «Материализм ва эмпириокритицизм»да эса бу фикр ўзининг янада чуқур фалсафий умумлашмасига эга бўлди. Доҳий бу асариде санъатнинг жамиятдан мустақиллиги ҳақидаги идеалистик назарияга узил-кесил зарба берди. Шу билан бирга В. И. Ленин «Фейербах китобининг концепти»да «Санъат унинг асарларини воқелик деб эътироф этишни талаб қилмайди», деган фикрни ҳам олға суради³. Бу билан В. И. Ленин бадий тасвирнинг ўзига хос шартли хусусиятларини қонуний бир ҳол деб билдики, бу хусусан ўтмиш адабиётни, шу жумладан ўзбек классик адабиётини ўрганиш ва тушуниш учун ғоят муҳим бир кўрсатмадир. Бадий тасвир, ўз табиғига кўра, ҳеч қайси адабиётда шартли маънодаги тасвир приёмлари ва воситаларисиз, ранг-баранг муболага ва уйдирмаларсиз яшай олмайди. Агар санъат асарларида романтик формалар, шартли тасвир, мажоз ва ҳоказолар борлиқни, ҳаётнинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга ёрдам берса, Ленин уларни маъқуллаган. Лениннинг инъикос назарияси бадий тасвир ва умумлашмаларда романтик форма ва усулларнинг ҳаётний аҳамиятини, реалистик метод билан бир қаторда санъат ва бадийиятда революцион романтиканинг муҳим ролини кўзда тутди. Ўтмиш адабиётимиз тадқиқотчилари ўрта аср бадий тафаккури учун характерли бўлган ҳар қандай шартлилик аломатлари ва хусусиятларини тўғри англаб, уларнинг остидаги социал ғояларни замондошларимизга очиб бера билишлари керак.

Навоийнинг «Наводируш-шабоб» девониде шундай бир байт бор:

Хасмқуш келди фалак золи, бил, эй шайху, манга
Раз қизи бориде ул колмани қилма никоҳ.

Мазмуни: Жодугар кампир бўлмиш фалак ўз душманларини ўлдирадиган чиқди; эй шайх, шуни билки, ҳеч вақт узумнинг қизи бориде менга у жодугар кампирни никоҳ қилма.

³ В. И. Ленин, Асарлар, 38-том, 63-бет.

Ўрта аср кишилари тушунчасига кўра, одамларнинг бошига ёғилиши мумкин бўлган ҳар қандай бало фалакдан (яъни тақдирдан) келади. Фалак эса доим айланиб, ўзгариб туради: кишилар дунёга келиб, ёшини яшаб, ўлиб кета беради; лекин фалак — осмон эса доим қолиб, одамлар бошида турли найранглар кўрсата беради; унинг асосий иши — кишиларга душманлик; шунинг учун одамлар ҳам уни ёмон кўради; буни билган фалак бадфеллик кўрсатиб, уларга қарши бадтар ўчакишади. Шунинг учун Навоий уни «Шум кампир — фалак менга ўхшаган душманларини ўлдирадиган чиқди», — деб таърифламоқда. «Раз қизи» деганда эса шоир майни кўзда тутмоқда. Шоир шайхга мурожаат қилиб, менинг тақдиримни биров билан қўшмоқчи бўлсанг, маккора кампир — қолма билан эмас, балки узумнинг қизи билан қўш, токи мен фалакнинг ярамас ишларини кўрмасдан, дунёни унутиб, роҳатда яшай, — дейди. Бу ўринда шоир ўзининг феодал ҳаёт туфайли юзага келган социал норозилигини ана шу равишда шартли ва ўз даврига хос образлар орқали тасвирламоқда. Бу билан у ўша вақтдаги эзилган табақаларнинг ҳам кайфиятини кинояли услубда ифодаламоқда ва бундай фикрлар, ҳеч шубҳасиз, ўтмиш адабиётимиздаги демократик элементларни ташкил этади. Бу ғоя Навоий ва бошқа классикларимиз лирикаси бўйлаб бош оҳанг сифатида жараңлайди.

Келтирилган мисолда Навоийнинг «раз қизи» муҳаббатини ҳам шартли маънода тушуниш керак. Чунки шоирнинг реал ҳаётда май ичишга берилгани ҳақида бизга ҳеч қандай маълумот йўқ. Аксинча, у ўз асарларида майхўрликни кескин қоралаган. Бу ўринда шоир ўз ғоясини ҳаммага тушунарли формада ифодалаш учун адабиётда кенг ўрин тутган май образидан фойдаланмоқда, холос. Бу каби мисоллар Лениннинг: «Санъат унинг асарларини воқелик деб эътироф этишни талаб қилмайди», деган фикрининг тўғрилигини яққол кўрсатиб туради. Демак, бундан Лениннинг адабиёт ҳақидаги фикрлари фақат реалистик асарларни эмас, балки бошқа метод асосида ёзилган асарларни ҳам тўғри баҳолашга ёрдам беради, деб хулоса чиқариш мумкин.

Шарқ классиклари асарларини, шу жумладан ўзбек шоирлари асарларини ленинча инъикос назарияси асосида ўрганганда, улар ижодидаги традицион образ ва сюжетларнинг асл мазмуни ва моҳияти ҳам тўғри очилиши мумкин. Гап шундаки, ҳар қандай традицион образ ва сюжетлар асл келиб чиқишида реал ҳаётий заминда пайдо бўлган. Бора-бора улар доимий ва традицион мазмун касб этиб, янги авлодларга ҳам хизмат қила бошлаган. Турли асрларда Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун ҳақида яратилган дostonлар бунинг далилидир. Лекин чинакам шоир ижодида бу сюжетлар ҳар сафар янгидан ҳаёт топган. Бу бадний адабиётнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ўзбек классиклари ижодида биз бир қанча ўринларда одил шоҳ ғоясини куйлашга, фантастик қаҳрамонлар ва воқеаларни тасвирлашга кенг ўрин берилганини кўраемиз. Бизнинг назаримизда бу ҳол шу асарлар муаллифларининг дунёқарашидagi тарихий чекланиш бўлиб кўрилади. Бундай қарашда маълум бир ҳақиқат бор. Аммо бу хилдаги ғоя ва сюжетларни, қаҳрамонларни тасвирлаш орқали улар кенг халқ оммасининг ўша даврдаги дунёқарашини, ўй ва фикрларини, орзу ва умидларини акс эттирганлар. Яъни бундай ғоя ва образларнинг бадний талқини фақат шу асарлар авторларининггина қараш ва хоҳишларидан тузилган бўлмай, балки улар шу даврдаги халқ оммаси, маълум социал гуруҳлар, илғор фикрли кишилар қарашларининг ҳам бадний инъикосидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир асарни синчиклаб текшириш маълум бир тарихий даврни, унинг характерини, ички зиддиятларини ўрганишга ёрдам беради.

Адабиёт тарихини ленинча принциплар асосида ўрганиш уни материалистик ва диалектик жиҳатдан илмий ёритишнинг гаровидир. Ленин таълимоти бадий ижоднинг ранг-баранг томонларини бутун мураккаблиги билан қамраб олишга ва уларни адабий-тарихий жиҳатдан тўғри тушунишга йўлланма беради. Бу ўлмас таълимот асосчиси маданий меросни қадрлашга ўргатар экан, бунга у синфийлик нуқтаи назаридан ёндошади. Адабий фактларнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, уларни идеаллаштириш, зўрма-зўраки мақташ бу таълимотнинг руҳига ётдир. В. И. Ленин адабий мероснинг ўтмишга хизмат қиладиган қисмидан келажакка хизмат қиладиган қисмини фарқ этиш зарурлигини таъкидлади. Бу жиҳатдан қараганда ўзбек адабиёти тарихида хон ва бекларни мақтаб, сарой маддоҳлари томонидан хушомадгўйлик билан тўқилган қасидаларнинг биз учун умри тугаган. Аммо прогрессив ва демократик шоирларимизнинг гуманизм ва халқчиллик ғоялари билан суғорилган, озодлик ва маърифатни улуғловчи бадий юксак асарлари биз учун доим қимматли бўлиб, доим эътиборга сазовордир.

В. И. Лениннинг қатор рус классиклари асарларига берган баҳоси методологик жиҳатдан ўзбек классиклари ижодини ўрганишга ҳам тўла хизмат қилади. Масалан, Ленин Герцен фаолиятига тўхталар экан, либераллар томонидан унинг образининг бузиб кўрсатилишини қоралади ва унинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан ёзилган «Герцен хотираси» деган мақоласида (1912) унинг революцион ҳаракат тарихидаги катта ролини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Ленин Герценнинг ижтимоий қарашларидаги иккиланишларни текшириб, унда либералликка нисбатан демократик, халқ ишига, мазлум синфлар манфаатига садоқат устун эканлигини айтди.

Айнан шундай бўлмаса ҳам, лекин шунга ўхшаш ҳодисалар ўзбек адабиёти тарихида ҳам йўқ эмас. Қатор ўзбек шоирлари фаолияти текширилганда, уларнинг баъзи сабаблар билан (кўпроқ моддий ёрдамга эга бўлиш мақсадида, баъзан эса шароитнинг таъйиқи билан!) айрим шоҳ ва амалдорларга қасида ва мадҳиялар ёзгани уларни феодал сарой шоири дейишга асос бермайди. Уларнинг ижодидаги бундай зиддиятли моментлар феодал монархия шароитида ҳаётдаги иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар асосида пайдо бўлгани табиийдир. Уларнинг поэзиясига баҳо беришда халққа, илғор фикрли кишиларга муносабатидан, улар ижодининг асосий характерида келиб чиқиш керак. Масалан, Турди ёки Машраб, Мунис ёки Огаҳий кабилар ўз ижодидаги ҳар қандай зиддиятга қарамай, ўзбек адабиёти тарихида катта роль ўйнаган сўз усталаридир. Уларнинг фаолиятини на мистикага қисман мойиллик, на хон саройи билан муносабат — ҳеч бари асло камсита олмайди.

В. И. Ленин ўзининг «Герцен хотираси», «Россиядаги ишчилар матбуотининг ўтмишидан» деган мақолаларида рус революционерларининг уч авлоди бўлгани, уларнинг бир-биридан принципиал фарқи, тарихий роли ҳақида қимматли фикрларни айтган эди.

Илгари бутун инсониятнинг ақл-идроки, унинг бутун генийси фақат бир нарса учун: ... маданиятнинг барча бойликларини баъзи кишиларга бериш, бошқаларни эса энг зарур бўлган маориф ва тараққиётдан маҳрум қилиш учун ижод қилар эди. Эндилқда эса ... маданият соҳасида эришилган барча ютуқлар умум-халқники бўлади ва бундан буён инсониятнинг ақл-идроки, генийси ҳеч қачон зўрлик воситасига, эксплуатация воситасига айланмайди.

В. И. Ленин

В. И. Ленин М. Горькийга ёзган хатларидан бирида (1908 йил) Г. В. Плехановнинг фаолиятига тўхталиб, унинг фаолиятини икки даврга бўлади ва: «...ҳозирги Плехановни ҳеч бир рус социал-демократи эски Плеханов билан аралаштирмаслиги керак»,— дейди⁴.

Доҳийнинг бу фикрлари ҳам адабиёт тарихини, ҳар бир санъаткор ижодининг эволюциясини даврларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Шу йўл билан адабиётнинг, ҳар бир ижодкорнинг маълум тарихий давр ва шароитдаги роли яхшироқ ва конкретроқ очилиши мумкин. Бу жиҳатдан ўзбек адабиёти тарихини ўрганувчилар олдида ҳали катта вазифа тургани ўз-ўзидан англашилари бўлиши керак. Чунки ўтмиш адабиётимизни даврлаштириш адабиётшунослигимизда энг кам ўрганилган масаладир. Бу билан қаноатланмай, ҳар бир ижодкорнинг ҳаёти ва ижодини ҳам конкрет даврларга бўлиб ўрганиш, уларнинг бир давр ижодларини иккинчи даврдан фарқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Фурқатнинг Тошкентга келгунга қадар яратган шеърлари билан Тошкентга келгандан кейин, рус фани, маданияти, санъати билан танишиб, унинг таъсири остида яратган асарлари ўртасида катта фарқ борлиги, кейингилари шоир ижодида янги этапни ташкил этиши ўз-ўзидан аёндыр. Худди шунингдек, унинг ўз ватанидан кетгандан сўнг гурбатда ёзган асарлари ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Заҳириддин Муҳаммад Бобир ижодини ҳам турли даврларга бўлиб текшириш ва баҳолаш шарт. Унинг ҳаёти воқеаларга бой. У ўн тўрт ёшида отаси ўрнига подшоҳ бўлган эса-да, лекин кейинги вақтларда подшоҳлик унинг қўлидан кетиб, унинг оддий киши аҳволига тушиб қолган кунлари кўп бўлган. Масалан, у Самарқандда Шайбонийхондан енгилиб, Тошкентдаги амакиси Юнусхоннинг олдига паноҳ тортиб келганда, унда ҳеч бир шоҳлик ҳашамати қолмаган эди. Бу вақтларда у оғир тушкунликка тушиб, қатор ғамгин шеърлар ёзган. Унинг бундай шеърларида иккирозга учраган феодал давлат бошлиғининггина эмас, феодал шароитда қийин ҳаёт кечирган оддий шахснинг ҳам кайфиятлари акс этган. Бу кайфиятни у традицион ишқий кечинмаларга боғлаб тасвирлаган.

Санъаткор ижодида ички ғоявий ғарзлар кучли бўлган тақдирда айниқса шу йўсинда иш олиб бориш яхши натижа беради. Чунки ёзувчи ҳаётида бирон тарихий воқеа унинг ижодига принципал таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Турди билан Субҳонқулихон ўртасида муносабатларнинг кескинлашуви Турди ҳажвиётини юқори чўққига кўтарди. Эки Офоқхўжа томонидан қаттиқ жазоланиб, унинг ҳузурдан кетиш Машраб ижодида ҳам алоҳида босқични бошлаб бергани эҳтимолдан узоқ эмас. Урта Осиёнинг Россия составига қўшиб олинishi шу давр ёзувчиларининг ижодида ўзига хос из қолдирган, тўғрироғи, уларнинг ҳар бирининг ижоди учун янги давр яратган. Ҳақиқий санъаткорлар ижодида бу тарихий воқеанинг, унинг оқибатининг муҳим томонлари ўзининг бадий аксини топди. Адабиёт тарихини ёритганда бунини ҳисобга олмасдан мумкин эмас. «Иқтисодий романтизм таърифи тўғрисида» асариде Ленин ёзади: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганларига қараб ҳукм чиқарилади»⁵. Доҳийнинг бу каби фикрлари адабиётимиз тарихидаги ҳар бир ижодкорнинг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссасини конкрет белгилашга ёрдам беради. Шу йўл билан биз адабиётимизнинг ҳар бир намояндаси адабиётга ўз

⁴ В. И. Ленин, Асарлар, 34-том, 405-бет.

⁵ В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 190-бет.

салафларига нисбатан нима янгилик олиб кирганини аниқлашга эриша оламиз. Ўтмиш адабиётимиз ривожига юзлаб қалам аҳллари ўз улушини қўшган. Буни биз адабиётимизнинг гоёвий тараққиётида ҳам, тематикасида ҳам, сюжет масаласида ҳам, жанрлар бобида ҳам, адабий тил, поэтика масалаларида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳар бир қаламкаш ўз қобилиятига ва шароитига яраша бу соҳаларда ютуққа эришган. Адабиётимизга чинакам ҳурмат ва муҳаббат Навоий билан бир қаторда минг йиллик адабиётимиз биносига битта ғишт қўйган ижодкорни ҳам астойдил ўрганишни тақозо этади.

Яна шу нарса характерлики, В. И. Ленин Л. Толстой каби улкан ёзувчи ижодига баҳо берганда, унинг дунёқарашидаги қолоқликни қаттиқ танқид қилган ҳолда айниқса унинг санъаткорлигини юқори баҳолаган. Унинг фикрича, бу «улуғ зот» аввало шу реалист санъаткорлиги, бадиий тасвирдаги ҳаққонийлиги туфайли революция кўзгуси даражасига кўтарилган. Бу эса бизни ўтмиш адабиётни ўрганганда, унинг бадиий тасвир хусусиятларига, текшираётган ёзувчимизнинг нима деяртаганига эмас, балки қандай тасвирлаётганига ҳам катта аҳамият бериш ва улардан ўша давр ҳаёти ва адабиёти учун тегишли хулосалар чиқара билиш керак, деган фикрга олиб келади. Масалан, «Лисонут-тайр» достонидаги ҳикоялардан бирида Навоий иккита ҳиндни тасвирлайди. Улардан бири ноғора чалган, иккинчиси эса бошига тожга ўхшаган нарса кийиб кўчада маҳорат билан турли ўйинлар кўрсатган, қизиқчиликлар қилган, ҳаммани ўзига маҳлиё этган. Шоир ёзади:

Ҳиндие зоҳир қилиб нақши нигор,
Айлади кўп булжабблиғ ошкор.
Тож қўйди бошига ул масҳара,
Даврида онинг саросар кунгира.
Тож ила кисватки тартиб айлабон,
Бори кимсон бирла тазҳиб айлабон.
Ёнида бир табл ҳинди чолғувчи,
Ҳиндуйи раққос аёлғу олғувчи.
Тебратиб бошини ҳамон, илкин ҳамон,
Ҳиндуосо лаъб бирла ҳар замон.
Зеб аро оройини бўстон киби,
Жилвада товуси Ҳиндустон киби.
Айлади майдон аро ҳангома тез,
Даврида авбош солиб рустхез...

Бунда Навоийнинг ўзи ҳам уларнинг ўйинларини маҳорат билан жонли тасвирлаган. Мазмунан шоир яшаган даврда Ҳирот кўчаларида бу хил ҳодисалар, яъни ҳиндистонлик санъаткорларнинг томоша кўрсатиши одат тусида бўлган. Лекин бу раққослар ўз ўйинида бошига ёлғондаки тож кийиб, зарҳал кийимларда тож қийганларни масҳара қилган бўлсалар керакки, муҳтасиблар уларнинг ўйини устидан чиқиб қолиб, уларнинг ноғора ва тожларини синдирадилар, ўзларини эса дарралайдилар:

Бу маҳалда муҳтасиблар етдилар,
Ул гулу ҳарён ҳазимат этдилар.
Тутдилар ҳиндуйи нофаржомни,
Ҳашвлиғ доновари айёмни.
Табли бирла тожини синдурдилар,
Дарра азвосин яланглаб урдилар.

Санъат халқникидир. Санъат ўзининг энг чуқур илдизлари билан кенг меҳнаткашлар оммасининг ич-ичига кириб бориши керак. Санъат оммага тушунарли ва сеvimли бўлмоғи лозим. Санъат омманинг ҳис, фикр ва иродасини бирлаштириши, оммани сафарбар қилиши керак.

Навойи бу ҳикояда ўз даври турмушининг характерли картиналаридан бирини бутун драматизми билан ҳаққоний равишда тасвирлаб бермоқда. Аммо буида Навойи ҳинд раққосларининг хатти-ҳаракатларини қисман бачканалик деб топади ва муҳтасиблар томонидан уларнинг жазоланишини тўла қораламайди. Ҳикоя охирида шоир уларнинг жазоланиши бошқаларга ибрат бўлади, деб хулоса чиқаради. Бизнинг назаримизда Навойи ҳинд санъаткорларининг ўйинини тўғри тасвирлаган ҳолда, уларга баҳо беришда бир оз чекланишга йўл қўйган. Шунга қарамай, биз буни Навойининг энг яхши ҳикояларидан деб ҳисобласак янглишмаймиз.

Ўзбек классик адабиёти тарихида «Бобирнома», «Шайбонийнома» каби асарларнинг катта ўрин тутишининг бош сабабларидан бири шуки, уларда авторларнинг тарихий воқеаларга шахсий муносабатидан қатъий назар, уларда узоқ ўтмишнинг бадий тасвири орқали биз баъзан халқимиз ҳаётининг ҳеч бир тарихий китобларда ёритилмаган томонларини билиб оламиз.

1905 йили кунларнинг бирида В. И. Ленин А. В. Луначарскийга: «Санъат тарихи нақадар мароқли соҳа-я. Бу соҳада марксист учун иш жуда кўп», — деган эди⁶. Доҳийнинг бу фикрини бутун тўлалиги билан ўзбек классик адабиёти тарихига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бунда қанча йўналишлар, қанча ранг-баранг талаантлар ва стиллар, жанрлар ва китоблар, назариялар ва фикрлар, ечилмаган, ечилиши зарур бўлган масалалар ва жумбоқлар бор. Ҳаёт қанча мураккаб ва поёнсиз бўлса, унинг адабиётдаги бадий тасвири ҳам шунча мураккаб ва бир андозага солиниши қийин. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам шундай. Бунда ҳеч бир масалани олдиндан маълум бўлган бир қолига солиб ҳал этиш мумкин эмас. Бу ишда сабр-тоқат билан фактларни ўрганиш, илмий дунёқараш асосида уларни таҳлил этиш ва мумкин қадар шошмасдан бу ҳақда хулосалар чиқариш керак. Шу жиҳатдан доҳиймизнинг вафоти олдида ёзган классик мақоласи бўлмиш «Оз бўлсин-у, соз бўлсин» даги қуйидаги фикри бизга донмо раҳнамо бўлмоғи, ҳар қандай тадқиқотчини ҳам огоҳ ва хушёр бўлишга ундамоғи зарур: «Маданият масалаларида шошма-шошарлик қилиш ва ҳаддан ошиб кетиш ҳамма нарсадан кўра зарарлидир. Бизнинг ёш адабиётчиларимиз ва коммунистларимизнинг кўплари буни яхшилаб ўқиб олишлари керак эди»⁷.

Ўзбек совет адабиётшунослигида ўтмиш адабиётни ленинча методология асосида ўрганиш бирдан тўғри изга тушгани йўқ. Ўтмишда бу соҳада бир қанча хатоларга йўл қўйилди ва бу умумий ишимизга катта зарар етказди. Адабиёт тарихимизга нигилистик қарашларнинг юз бериши, бадий адабиётнинг ўзига хос специфик хусусиятларини тўғри тушунмаслик, янги жамиятни барпо қилишда маданий мероснинг аҳамиятини жоҳиллик билан инкор этиш, шошмашошарлик, бирёқламалик — булар ҳаммаси ленинизм таълимотига ёт бўлиб, энди бу нуқсонларга барҳам берилди ва берилмоқда. Маданий мерос ҳақидаги ленинча таълимотни доим ўрганиш, уни янги тарихий шароитда янада ривожлантириш, унга энг тўғри илмий компас сифатида асосланиш ўзбек адабиёт тарихини ёритишда ҳам янгидан-янги ютуқларимизнинг гаровидир.

⁶ В. И. Ленин, Маданият ва санъат тўғрисида, 581-бет.

⁷ В. И. Ленин, Асарлар, 33-том, 509-бет.

Х. ЕҚУБОВ

ДОҲИИ МЕТОДОЛОГИЯСИ БАДИИЙ ИЖОДДА

Улуғ Лениннинг билиш ва инъикос назарияси санъат ва адабиёт методини ўрганишга энг яхши очқич беради. Башарият доҳийси, буюк мутафаккир ўзининг рус ва чет эл ижодкорлари асарлари ҳақида айтган фикрлари ва қарашларида, айниқса улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой ижодиётига бағишланган мақолаларида бу назарияни санъат ва адабиёт масалаларига доҳиёна равишда татбиқ этди ва бадий методнинг асосий хусусиятларини белгилаб берди. Ленинча инъикос назариясидан эстетика ва бадий методнинг асосини ташкил этадиган талай хулосалар келиб чиқади. Бу хулосалар санъат ва адабиётнинг объектив воқеликни, ҳаётни жонли образларда акс эттириши масаласига, дунёни бадий билиш (ўзлаштириш) нинг активлиги, яъни дунёни ўзгартиш воситаси ҳам эканлиги, амалиёт (практика) бадий тасвирнинг ҳаққонийлигига мезон эканлиги, бадий ижоднинг партиявийлиги масалаларига оиддир.

В. И. Ленин ҳаётни санъат ва адабиётда акс эттиришнинг нақадар мураккаб ва зиддиятлигини Лев Толстой асарларининг таҳлилида чуқур ва батафсил кўрсатиб берди. У «Лев Толстой рус революциясининг кўзгуси» деган машҳур мақоласида улуғ санъаткор ижодини 1905 йил революцияси билан атрофлича таққослаб, «... Бизнинг олдимизда турган киши ҳақиқатан ҳам буюк санъаткор экан, у революциянинг ақалли муҳим томонларидан баъзи бирларини ўз асарларида акс эттириши лозим эди»¹ деган хулосага келади. Ленин замонавий воқеликнинг муҳим томонларини образларда акс эттириш реалистик санъатнинг асосий хусусияти эканини, реализм санъаткорнинг ҳодисалар қонуниятини, уларнинг объектив сабабларини, ўзаро боғланишларини, моҳиятини санъатга хос специфик метод билан очишини исботлаб берди. У «Толстойнинг назарларидаги зиддиятлар — бизнинг революциямизда деҳқонларнинг тарихий фаолияти дучор бўлган қарама-қарши шароитнинг ҳақиқий кўзгусидир»² деган ажойиб хулосани чиқаради, аини замонда бадий ижодни таҳлил қилишнинг энг тўғри методологиясини ишлаб чиқади.

Пролетар маданияти аллақандай номаълум жойдан келиб чиққан нарса эмас... Пролетар маданияти инсониятнинг капиталистик жамият, помешчиклар жамияти, чиновниклар жамияти зулми остида яратган билим запасларининг қонуний тараққийсидан иборат бўлмағи лозим.

В. И. Ленин

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 15-том, 208 бет.

² Уша асар, 211—212-бетлар.

Аммо ёзувчи онгида воқеликни акс эттириш воқеликка бўлган актив муносабатни ҳам ўз ичига олади. Ленин инъикоснинг ҳаммиша активлигини қайта-қайта таъкидлаб, «Гоя инсоннинг билиши ва интилиши (хоҳиши) ҳам демакдир»,³ «Инсоннинг онги объектив дунёни фақат акс эттириб қолмайди, балки уни яратади»⁴ дейди. В. И. Лениннинг инъикос процессини гоят актив, ҳаётни ўзгартишга қобил куч сифатида талқин қилиши образли тафаккурга, воқеликни образли акс эттириш қуроли бўлган санъат ва адабиётга ҳам бевосита тааллуқлидир. Акс этувчи нарса билан унга муносабат, билиш билан истак (хоҳиш), тасвир буюми билан мақсаднинг бирлиги ҳаётини образли акс эттиришнинг хусусиятини аниқлашга мумкинлик беради. Санъатда инсон фақат тасвир объекти сифатидагина эмас, балки орзу ва эстетик мақсад тимсоли, муайян тарихий тасаввурлар негизида шаклланган инсон идеали, муайян ижтимоий-ахлоқий фазилатлар эгаси сифатида ҳам гавдаланади. Шу маънода адабий асарда инсон образи ҳам тасвир объекти сифатида, ҳам эстетик идеал тимсоли сифатида гавдаланади. Воқеликни бадий акс эттиришнинг бу ҳар икки жиҳати, ҳар икки тенденциянинг бирор қисми махсус қабартиб кўрсатилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда санъатда ё реалистик, ё романтик йўналиш келиб чиқади. Ленин юксак реалистик асарларни севиб ўқигани каби, революцион романтика пафоси билан суғорилган асарларга ҳам меҳр қўйган, ҳаёт билан боғланган, турмушдан четлантirmайдиган ҳаёлни қаттиқ ҳимоя қилган.

Воқеликнинг ҳаққонийлиги, ҳаёт ҳақиқати — санъат асарининг пайдо бўлишида энг муҳим шарт бўлиб, айни замонда бу шарт санъаткордан ҳаёт фактига мурожаат этганда, коммунистик мақсадлардан келиб чиқадиган ўз эстетик идеалини қизгин ҳимоя қилишини талаб этади. Демак, ҳар қандай санъат асарида ҳаётни акс эттиришнинг реалистик ёки романтик воситалари у ёки бу даражада намоён бўлади, лекин тарихий шароит тараққиётининг хилма-хиллигига кўра, гоҳ у, гоҳ бу йўналиш устун бўлиб туради.

Ижодий методга ёндашганда, санъат ёки адабиёт тараққиётининг бирор давридаги мана шу романтик ёки реалистик усулларнинг умумий белгиларини, ижодкорнинг гоявий-эстетик баҳосини, характерларни танлаш принципларини, тарихий жараёнда халқ оммасининг ролини тушуниш жиҳатларини ҳисобга олиш зарурдир.

Бадий метод тушунчаси — чуқур тарихий тушунча бўлиб, ҳар бир янги давр у етиштирган санъаткор ижодига зарурий ва ўчмас из солади, ижодкор олдида янги ҳаётини проблемаларни қўяди, воқеликнинг турли томонларига янги муносабатда бўлишни тақозо этади. Санъат ва адабиёт инсоннинг ижтимоий турмушдаги тақдирини диққат марказига қўйиб, инсон тақдирида эса уни қуршаган ҳаёт хилма-хилликларини акс эттириб, ҳар сафар воқеликнинг энг муҳим томонларига, халқ озодлиги кураши ва олға ҳаракатига бўлган янги муносабатни кўрсатади. Бадий метод — санъатнинг замонавийликка муносабати, замонанинг асосий масалаларига бадий жавоб қайтариш йўли, усулидир.

Санъат ва адабиёт хилма-хил формаларда шаклланиб, ҳар бир тарихий шароитда ўзининг махсус идеологик вазифасини амалга ошириб ҳаёт гўзаллиги тўғрисидаги эстетик тасаввурни ифодалайди. Бу тасаввур негизида санъаткорнинг сиёсий идеаллари ётади. Лекин бадий ижодда бу идеаллар конкрет-ҳаётини лавҳаларда мужассамланади, гўзаллик инсон характери ва хулқининг муайян тарихий типи сифатида очилади.

Ленин ўзининг талай асарларида бадий образлар, социал типларнинг характери, хулқ-атвори объектив ижтимоий муносабатлар билан

³ В. И. Ленин, Асарлар, 38-том, 186-бет.

⁴ Уша асар, 204-бет.

тайинланишини асослаш баробарида, ҳар бир чинакам санъат асарига типик ҳодисанинг ёрқин индивидуаллашган ҳолда намоён бўлишини ҳам алоҳида таъкидлади. У Инесса Армандага ёзган хатларидан бирида бадий адабиётда «...масаланинг бутун моҳияти индивидуал ҳолатда... айти типларнинг характерлари ва психикаларини анализ қилишда»⁵ деб уқтиради. Зотан санъаткорнинг у ёки бу шахс хусусиятларини индивидуаллаштириб тасвирлаши социал типни заифлаштирмайди, балки, аксинча, санъатда ҳаётни тасвирлашнинг ҳаққонийлигини, демакки, бадий ижоднинг қимматини, таъсирчанлигини оширади.

Санъатда, айниқса адабиётда социалистик идеал шу идеални турмушда, тажрибада, фаолиятда амалга оширувчи эгалари қиёфасида, яъни ижобий қаҳрамонлар образларида ўз ифодасини топади, жамиятга шу йўл билан ўз таъсирини кўрсатади. Лекин қаҳрамон ҳаёт процессида, социализм қурилиши воқеаларига иштирокида, бошқа кишилар билан муносабати ва тўқнашувларида, характерининг ривожига ташқи шароитга, замонга боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Ижтимоий тараққиётнинг тарихий процесси асосида эса халқ оммасининг озидлик учун узлуксиз кураши ётади. Адабиётда халқ тажрибаси ва талабларининг акс этиши, яъни халқчиллик масаласи шу ҳаёт процессини кўрсатиш билан узвий боғлиқдир.

Социалистик реализм адабиётида халқчиллик унинг олий формаси бўлган партиявийлик формасида майдонга келади.

Коммунистик партиявийлик совет адабиёти бадий методнинг негизини ташкил этади. В. И. Ленин ҳамиша чуқур методологик қўлланма бўлиб келган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» деган ажойиб мақоласида санъат ва адабиётнинг партиявийлиги, ёзувчининг онглилиги, бадий ижоднинг ғоявийлиги масаласини янги тарихий даврнинг юксак талабларига жавоб берадиган даражага кўтарди. У адабиётнинг янгича идеалини, санъаткор индивидуаллиги коммунизм учун кураш билан узвий ва онгли равишда қўшилиши лозимлигини асослаб берди. Улуғ Ленин санъат ва адабиётнинг ҳаётни бадий ўзлаштириш ва уни революцион асосда ўзгартишда мислсиз кучли тарбиявий восита эканини таъкидлаб, адабий тараққиётнинг янги давр талаби ва пролетариатнинг революцион кураши билан рўй-рост ва узвий боғланган, чинакам эркин, социалистик адабиёт яратиш вазифасини масалаларнинг масаласи қилиб қўяди. «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, — деб башорат қилган эди асримизнинг биринчи ўнинчи йилидаёқ Ленин, — чунки унинг қаторига тобора янги кучларни тортувчи нарса манфаатпарастлик билан шухратпарастлик бўлмай, балки социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳлик бўлади. Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, чунки бу адабиёт... мамлакатнинг гули бўлган, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади. Бу адабиёт бутун инсониятнинг революцион фикрининг энг сўнги ижодини социалистик пролетариатнинг тажрибаси ва жонли иши билан бойитиб, унга ҳаёт бахш этадиган, ўтмиш тажрибаси (ибтидоий хаёлий формадаги социализмни мукаммал ривожлантирган илмий социализм) билан ҳозирги замон тажрибаси (ишчи ўртоқларнинг ҳозирги курашлари) ни доим бир-бирига боғлайдиган адабиёт бўлади»⁶.

В. И. Ленин, шубҳасиз, бу ўринда тобора янги ва янги кучларни ўз ичига оладиган, кенг адабий оқимни, у кучларни бирлаштирадиган ижодий методнинг ривожланиш тенденцияларини назарда тутган. Бу ўринда сўз, кейинчалик, социалистик реализм деб аталган бадий метод

⁵ В. И. Ленин, Асарлар, 35-том, 168-бет.

⁶ В. И. Ленин, Асарлар, 10-том, 36—37-бетлар.

устида бормоқда. Ленин асосий ижодий тенденцияларни, ёзувчининг онглилиги, бадий ижоднинг ғоявийлиги ва партиявийлигини янги тарихий даврнинг асосий хусусиятлари билан боғлайди. У, бу тушунчаларнинг мазмунини аввало социалистик пролетариатнинг тажриба ва жонли ишларини ақс эттиришда кўради. Бу эса социал табиати жиҳатидан ҳам, бутун инсониятнинг революцион фикрига асосланган янги ғоявий интилишлари жиҳатидан ҳам янги бўлган ижобий қахрамоннинг адабиётга кириб келишини тақозо этар эди.

Ленин адабиётнинг бу янги хусусиятларини халқчиллик ғояси билан, миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилиш билан ва халқ манфаатларини энг мукаммал, тўла ва юксак формада ифодалаган большевик партиявийлик ғояси билан боғлаган эди. Лениннинг талқинича, янги, эркин адабиётнинг хусусиятлари тарихий шароитга боғлиқ, янги тарихий давр ижтимоий муносабатлари характерига боғлиқ эди. Бу ўринда сўз замонавий ҳаётнинг реал ҳодисаларининг адабиётда ақс этиши устида, ёзувчилар ижодиётининг умумий, муштарак йўналиши устида, методнинг бирлиги устида бораётир. Зотан санъат ва адабиётда бадий метод деб бир қанча санъаткорларнинг ижодида тарихан белгиланган ижодий принциплар бирлигига айтилади. Бу принциплар ҳар бир тарихий даврда санъат олдига қўйилган асосий проблемалар, чунончи эстетик идеал, қахрамон, ҳаёт процесси ва халқ проблемаларининг муштарак талқин қилинишида ифодаланади. Методда санъаткор воқеликни, биринчи навбатда, замонавий воқеликни маълум синф позициясидан эстетик баҳолаш учун суянчиқ топади, ўз ижоди учун асосий материални қаердан излашни билиб олади, сайлаб олган материални қандай қилиб ёритиш йўлини ўрганади. Методда санъаткорларни бир-бирига боғлайдиган, жипслаштирадиган умумий ижодий хусусиятлар намоён бўлади. Методнинг индивидуал, кўпқиррали кўринишлари ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос стили орқали, унинг таланти, маданий савияси, шахсий ҳаётини тажрибаси, революцион воқеликка қанчалик яқинлиги, ёзиш услуби орқали ифодаланади. Ленин санъат ва адабиётнинг пролетар революцион ҳаракати ва социалистик жамият қуриш иши билан боғланиши зарурлигини айтиш билан бирга, бадий ижодни партиянинг идеология соҳасидаги бошқа формаларига ўхшатиб, айни бир андозага солишдан огоҳлантирган эди. У: «Бу ишда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо лозим...» деб уқтирган эди.

XX аср бошларида адабиётда йил сайин яққол кўринган умумий тенденцияларни Ленин 1905 йилдаёқ пайқаб олди. Бу тенденциялар Максим Горький ижодиётида айниқса тўлақонли бўлиб ифодаланди. Горький биринчи марта адабиётга янги ижобий қахрамон типини киритди. У Нил («Мешчанлар» драмасидаги), Павел Власов («Она» романидаги), Синцов («Душманлар» пьесасидаги), Егор Досекин («Ёз» повестидаги) образларида давр ўзи етиштирган, тарбиялаган қахрамонларни тасвирлади. Худди шунинг учун Ленин Горькийни пролетар санъатининг энг йирик намояндаси деб атади.

Горький ёлғиз эмасди. Серафимович, Д. Бедний, В. Маяковскийлар унинг бадий метод жабҳасидаги сафдошлари, маслакдошлари эдилар.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий социалистик реализмнинг бунёдкори буюк Горький асарларидан илҳомланиши ва ижодий ўрганишидан қатъий назар, улуғ революцион давр ва замонавийликни ўзига хос йўсинда бадий ўзлаштириши, ижодий стил йўналишларини миллий, адабий традициялар ҳисобига бойитиши билан умумсовет социалистик реализм адабиётига улкан ҳисса қўшди.

Ҳамза Ҳакимзода Октябрь революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш йилларидаги ва 20-йилларнинг биринчи ярмидаги ижодиётида революцион романтизм йўналиши традицияларига кенг мурожаат этади. Чунки революцион ҳодисалар ва ўзгаришларни ростғўйлик билан тасвирлаш уларнинг муҳим хусусиятларини келажак нуқтаи назардан қабартиб кўрсатишни, ёзувчининг коммунистик идеал тўғрисидаги тасаввурга мувофиқ келадиган жиҳатларини воқеликдагига нисбатан янада йирикроқ ва ёрқинроқ қилиб акс эттиришни тақозо этади. Зотан, Ленин ҳам Октябрь революциясининг бошида янгилик куртакларига, ҳаётда эндигина куртак ёзаётган коммунистик аломатларга айниқса диққат қилишни махсус таъкидлаган эди. У бизнинг республикамиз социалистик республика деб аталса-да, ҳали унинг социалистик бўлиб етилгани эмас (чунки у вақтларда мамлакатимизда беш хил хўжалик уклад мавжуд эди), балки социализм қуришга интилиш борлигигина ифодаланганини уқтирган эди. «.. Биз социализмга ўтиш давринигина бошлаб юбордик, биз социализмга ҳали етганимиз йўқ..» Лекин биз Советлар республикамизни социалистик республика, деб айтишга бурчлимиз, чунки биз шу йўлга кирдик»⁷.

Ҳамза Ҳакимзода ижодиётида 20-йилларнинг иккинчи ярмида, унинг издан борган ўзбек ёш шоирлари ижодиётида 30-йиллар бошида романтик тенденция кучсизланиб, реалистик йўналиш бўртиб кўринади, романтика биринчилик ўрнини изчил реалистик тенденцияга бўшатиб беради. Лекин ҳар икки ижод типининг социалистик реализм адабиётида турлича нисбатда ўрин олиши табиийдир. Чунки ҳаётни унинг ўзида мавжуд ёки унга ўхшаш формаларда, картиналарда акс эттирадиган реалистик ижод типни коммунистик партиявийлик принциплари асосида умумлашмалар, тўқима образлар яратиш, фантазиядан кенг фойдаланишни инкор этмаганидек, шартлиликни, характер ва шароитнинг фавқулоддалигини махсус таъкидловчи, тасвирга қараганда эмоционал-ифода воситаларини устун қўювчи романтик йўналиш социалистик воқеликни эстетик баҳолашда реализмни қувватлайди.

Социалистик революция натижасида дунёга келган ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методи принциплари биринчи дафъа Ҳамза Ҳакимзода ижодиётида таркиб топди. Унинг ижодиёти социалистик реализмнинг дастлабки жонли манбаи сифатида шаклланиб, кейинги ўзбек ёзувчилари учун ўрнак ва традиция бўларли аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек ёзувчилари совет даври воқелигининг янги-янги босқичлари ва қирраларини бадий акс эттиришда у асос солган жўшқин ижодий принциплардан (адабиётнинг замон билан мустаҳкам алоқаси, коммунистик партиявийлик, турмуш ҳаққонийлиги, эстетик идеалнинг бадий тажассуми бўлган ижобий қаҳрамоннинг ҳужумкорлиги, шахс ва тарих муносабати, миллий-адабий ва халқ оғзаки-поэтик ижоди формаларини интернационал мазмун билан бойитиш, традиция, новаторлик ва ҳоказо проблемалардан) баҳраманд бўлдилар. Ойбек, Ғафур Ғулум,

Социалистик пролетариат, буржуа ахлоқига қарши, буржуазиянинг фойда тама, сотқин матбуотига қарши, адабиётдаги буржуа шухратпарастлигига ва шахсиятпарастлигига, «тўраларча анархизмга» ва манфаатпарастликка қарши, адабиёт партиявийдир, деган принципни олға суриши, бу принципни кенгайтириши ва уни мумкин қадар тўла ҳамда бутун формада амалга ошириши керак.

В. И. Ленин

⁷ В. И. Ленин, Асарлар, 26-том, 422-бет.

Ҳамид Олимжон, А. Қаҳҳор, Яшин, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шухрат, М. Бобоев ва бошқалар (уларнинг номларини санаш катта рўйхатни ташкил этади) социалистик реализм адабиётини янги, мислсиз тарихий материал билан бойитдилар, янги мазмунга мувофиқ формалар, воситалар кашф этдилар, бутун мураккаблиги билан ўтмиш даврларга (тарихий темадаги асарлар) ва социализм қурилишининг турлича тарихий босқичларига боғланган янги характерлар, сюжетлар ва конфликтлар яратдилар.

Янги, социалистик жамиятни барпо этиш ва коммунизм учун кураш социалистик реализм санъатини ҳаётга кенг олиб кирди. Ўтмишда тўп-ланган энг яхши бадий тажриба ҳам социалистик реализмнинг юксалишида иштирок этди, адабий традициялар замонавий воқеликнинг янги томонларини таъкидлашга бўйсундирилиб, қайта ишланди. Гуманизм, мардлик, мақсадни амалга оширишга астойдил интилиш, ҳаётбахш пафос, характер мустаҳкамлиги, қаҳрамонликка шай туриш — бутун бу хислатлар совет жамияти намоёндаларининг фазилатлари бўлиб, уларнинг коммунизм сари ҳаракатидаги конкрет-тарихий мақсадига хизмат этади. Худди мана шундай киши характерини яратишда ўзбек совет адабиётининг новаторлиги намоён бўлади.

Социалистик реализм методининг давр тараққиётининг янги-янги хислатлари билан бойиб бориши унинг тарихан пухта-пишиқлигини белгилайди: пролетариатнинг тажрибаси ва жонли халқ иши Коммунистик партия раҳбарлигида доимо олға қараб босади, коммунистик қурилиш жараёнида бадий тафаккур ривожланади, ижтимоий ҳаёт конфликтларининг моҳияти янгилашиб туради—бу ўзгаришларнинг ҳаммаси социалистик реализм бадий методада ўз аксини топади. У асосий умумий тенденция ва принципларини сақлагани ҳолда узлуксиз ўсишда давом этади. Бу ўсиш характерлар ва конфликтларнинг алмашилишидагина эмас, балки ҳаёт процессини тасвирлашда ҳам ифодасини топади.

Социалистик реализм методи—санъат ва адабиётда замонавийликни бадий англаш, унинг энг муҳим проблемаларини акс эттириш йўлидир. Бу метод бизнинг давр тараққиётига жуда уйғун бўлиб, у замонавий ҳодисаларнинг энг аҳамиятлиси ва муҳимини танлашга, уларни социализм нуқтаи назаридан тушунишга йўл очади. Социалистик реализм методи социализм учун кураш даври туфайли ҳаётга даъват этилган ва В. И. Лениннинг келгусида яратиладиган эркин адабиёт тўғрисидаги доҳиёна таърифида унинг асосий хусусиятлари чизиб берилган. Социалистик реализм методи адабий ривожланишнинг ленинча йўли, ҳаётни ҳаққоний ва революцион юксалишда тасвирлаш йўли, коммунизм қурилишида бадий эстетик қурол билан актив иштирок этиш йўлидир. Санъаткор замонавий ҳаётга қанча яқин бўлса, халқ ҳаёти билан алоқаси қанча мустаҳкам бўлса, у социалистик реализмни шунчалик чуқур эгаллайди.

Ҳ. ЗАРИФОВ, Т. МИРЗАЕВ

В. И. ЛЕНИН ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ

Узоқ кечмишда юзага келган сўз санъати кишилиқ жамиятининг барча босқичларида жамият тараққиёти билан маҳкам боғлиқ ҳолда инсоннинг яшаш учун, ўз атрофидаги дунёни ўзлаштириш ва ўрганиш учун кураш жараёнида ривожланиди, ўсди. Меҳнат кишининг ғоявий ва эстетик қиёфасининг шаклланишида, ўзининг куч ва имкониятларига қаноат ҳосил қилиб, ўзлигини танишида сўз санъатининг энг қадимий тури бўлган халқ оғзаки ижодининг роли ва аҳамияти каттадир.

Ўзбек халқи бой, адабий ва маданий меросга эга. Бундай улкан маънавий бойликни тўплаш ва ўрганишнинг мустаҳкам асоси ишлаб чиқилган ва унинг миллий йўналиши тўғри белгиланган экан, бунда «революцион фикрлаш ва революцион ҳаракат методологияси» бўлган В. И. Ленин таълимоти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зотан, «ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларга нисбатан илмий объективлик ва уларга ишчилар синфи позициясида туриб принципиал баҳо беришнинг узвий бирлиги Лениннинг ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларга муносабатидаги асосий хислатдир»¹. Ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши, тараққиёт босқичлари, фаннинг янги тармоғи сифатида босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, у эришган барча ютуқлар ва қийинчиликлар халқнинг минг йиллар давомида яратган маданий меросининг социализм ва коммунизм қурилиши даврида ўйнайжак роли ҳақидаги В. И. Ленин таълимотини ўрганиш, ўзлаштириш, турмушга татбиқ этиш даражаси билан изоҳланади.

Бадий адабиётнинг юксак намуналари бутун илмий, сиёсий ва инкилобий фаолиятдан мустаҳкам ўрин олган В. И. Ленин асарларида, нутқ ва докладларида, хат ва ёзишмаларида, замондошлари ва қариндошларининг дохий ҳақидаги хотираларида халқ оғзаки ижодиётига доир фикрлар, мулоҳазалар, қайдлар, кўрсатма ва таклифлар кўплаб учрайдики, булар совет даврида туғилган ва вояга етган ўзбек фольклоршунослиги учун принципиал аҳамиятга эга бўлди. Революциянинг биринчи йилларидаёқ кўпгина фольклор асарлари аниқланган, унинг энг яхши намуналари «рўёбга чиқарилган», етакчи ижодкорлари «кашф этилган» экан, булар ана шу ленинча таълимот ва кўрсатмалар самарасидир, мамлакатимизда фольклоршуносликнинг умумдавлат, умумхалқ ишига айлантирилиши натижасидир. Бироқ фольклористлар томонидан маркста-ленинча методологияни ўзлаштириш, уни у ёки бу халқ оғзаки бадий ижодининг конкрет материалларини ўрганишда татбиқ этиш, вульгар социологлар тасаввур қилганидек, оддий жараён эмас эди. Ерли халқ-

¹ Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тезислари, «Совет Ўзбекистони», 1969 йил 23 декабрь.

ларнинг сиёсий ва маданий ўсишига турли йўللар билан тўсқинлик қилувчи улуг давлатчилик шовинизми тарафдорлари, пантуркистик, панисломистик гояларни очиқ ва яширин ҳолда тарғиб қилувчи унсурлар мавжуд бўлган, айрим илғор олимлар ўртасида ҳам экзотикага мойиллик сезилган (масалан, баъзи музикашуносларнинг кўча қичқириқлари, мулла ва азончиларнинг чақириқлари, қаландарлар қўшиқларини ёзиб олишга қизиқишлари) 20-йиллардаги кескин идеологик кураш назарда тутилса, бу жараённинг нақадар мураккаблиги равшан бўлади. Шунинг учун ҳам 20-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек фольклоршунослиги ҳали фан сифатида шаклланмаган, ўзининг том маънодаги илмий йўналишига эга бўлмай, балки ўсиш, улғайиш, ўрганиш босқичида эди.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуроллана борган ўзбек фольклоршунослари халқ оғзаки ижодининг катта аҳамиятини ҳисобга олиб уни тўплаш ва ўрганишнинг илмий асосларини ишлаб чиқа бошладилар. Натижада 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, ўзбек фольклоршунослигининг методологик йўналиши кескин равишда ўзгарди. У буржуа фольклоршунослигидан фарқ қилароқ фольклорни халқнинг орау ва умидларини ифодаловчи, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган бадний ва мусиқий ижод сифатида ўрганади.

1925 йилнинг охиридан 1929 йилгача 10 халқ достончисидан 42 достоннинг — «Ўртоқ Ленин», «Ҳасан батрак», «Мардикор», «Очилдов», «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзғолони», «Амир қочди» каби янги замонавий достонларнинг тўлиқ текстлари, олти мингга яқин мақол ва маталлар, уч мингтагача топишмоқ, эликдан ортиқ эртақ ёзиб олинди. «Алла тўғрисида бир неча сўз», «Эл адабиёти ва инқилоб», «Оғиз адабиётида синфий туйғулар», «Халқ шоири Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан», «Ўзбек эл шоири Фозил Йўлдош ўғли» каби мақолалар дорбозлар ва қўғирчоқ театри ҳақидаги китоблар эълон қилинди. Йиғилган ва эълон қилинган материаллар шунинг кўрсатдики, фольклор, буржуа олимлари даъво қилганидек, ўтмишнинг фақат анъанадагина сақланиб қолган қолдиғи эмас, балки ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғланган, янги тарихий шароитда ўзининг ривожланиш қонуниятларига эга бўлган, тўхтовсиз ўсувчи ва ўзгарувчи жонли ҳодисадир. Фольклорни бундай тушуниш марксизм-ленинизм таълимотига мос бўлиб, фольклоршунослигимизнинг галдаги тараққиётига муҳим туртки бўлди.

Шунга қарамай, эски авлодга мансуб баъзи бир олимлар (Фитрат, Ғулом Зафарий, Бекжон Раҳмонов ва бошқалар) ҳали ҳам замонавий оғзаки бадний ижодга етарли баҳо бера олмадилар, бунинг ўрнига революциягача бўлган фольклор ва ёзма адабиётни идеаллаштириб, унинг яратилишини уруғчилик ва феодал давр аристократиясига боғладилар; баъзилар эса (Фитрат, М. Ф. Гаврилов ва бошқалар) ўзбек фольклорининг оригиналигини, ўзига хослигини инкор этишга уриндилар. Фольклор материалларидан ғаразли пантуркистик мақсадлар учун фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам бўлди. Марксизм-ленинизм методологияси билан тобора қуроллана борган ўзбек фольклоршунослари бундай қарашларга кескин зарба бердилар. Бунда ўша вақтларда иттифоқимизнинг марказий шаҳарларида ижтимоий фанлар, жумладан адабиётшунослик ва фольклористикада марксча-ленинча методология ҳақида бўлиб ўтган мунозаралар ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Олимларимизнинг ишлари Иттифоқ миқёсида тан олина бошланди. Бу ҳақда машҳур фольклоршунос Ю. М. Соколов шундай деган эди: «У ёки бу миллий республикаларда замонавий фольклор ҳаётида рўй бераётган баъзи ҳодисалар фавқулодда илмий ва ижтимоий қизиқич касб этади. Масалан, шу йил қишда Фольклор кабинетининг йиғилишида ўзбек фольклоршуноси ўртоқ Ҳоди Зарифовнинг ўзбек бахшиларидан

Ўзиб олинган, Ленин, Октябрь революцияси ва гражданлар урушига бағишланган жуда катта ҳажмдаги қаҳрамонлик дostonлари ҳақидаги доклады диққатга лойиқдир². Шундай қилиб, 30-йилларнинг бошларига келиб, ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустақкам илмий йўналишига эга бўлиб, энг революцион, энг илғор марксча-ленинча назарияни жадал ўзлаштиришга уринмоқда ва уни халқ бадий ижодини ўрганишга татиқ қилиш йўллариини ишлаб чиқмоқда эди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида»ги 1932 йил 23 апрель қарори ва СССР ёзувчиларининг I съезди ўзбек фольклоршунослигининг ҳам кейинги тараққиёти учун жуда катта ташкилотчилик ва йўналтирувчилик аҳамиятига эга бўлди. Фольклорнинг коллектив характери, халқчилиги, юксак бадийлиги, унинг халқ ҳаёти ва тарихи билан мустақкам боғлиқлиги, бадий адабиёт тараққиётидаги роли каби В. И. Ленин томонидан асослаб берилган ўзак масалаларнинг съездда янада юқори даражада қўйилиши фольклоршунослигимиз тараққиётида янги уфқлар очди. 1934/35 ўқув йилида дастлаб Тошкент педагогика институти, кейинчалик республикадаги барча олий ўқув юртлири филология факультетларининг ўқув планига ўзбек фольклори курси киритилди, янги-янги экспедициялар ташкил этилди, кўплаб илмий мақолалар ва фольклор намуналари чоп этилди.

Бундай ютуқлар билан бирга фольклоршунослигимиз олдида жиддий тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Шундай тўсиқлардан бири буржуа олимлари ўртасида кенг тарқалган фольклорни, жумладан, эпосни аристократия синфи яратади, деган сохта назария эди. Бу ғайри марксистик позицияда Фитрат, М. Б. Солиҳов ва бошқалар қатъий турдилар. Масалан, М. Солиҳов «Алпомиш» дostonини афсонавий ва диний қарашларни ўз ичига олган феодализм унсурларининг адабиёти, деб баҳолади³. Фитрат эса, халқ дostonчиларини оригинал поэзия яратиш қобилиятига эга бўлмаган, ҳоким синфдан ўрганган дostonларини форма ва мазмун жиҳатидан сусайтириб такрорловчи ва бадий қимматини камайтирган ҳолда авлоддан-авлодга олиб келувчи шахслар сифатида характерлади. Ҳозир халқимиз томонидан севилиб юрган дostonлар фольклор архивида мавжуд бир вақтда Фитрат 1936 йилда сўнги асари «Ўзбек адабиёти тарихи» (қўлёзма, 103 ва 106-бетлар) да шундай ёзган эди: «Бахшилар саводсиз, тор маълумотли, тор истеъдодли одамлар... Қўлимиздаги фактларга суяниб шунини айта оламиз: бахшилар оқсоқоллик ва феодалик даврларида ҳоким синфни ташкил этган аристократиянинг ташвиқотчилари эдилар. Шуларнинг қаҳрамонларини, мардикларини, «илохий» кучларини мянга сиймаган ёлгон хаёллар билан тасвир этиб, уларнинг бўйинтуруғи остида халқнинг абадий суратда қолишини таъмин этишга уринадилар». Бундай қараш В. И. Лениннинг моддий ва

Партиявий адабиётнинг бу принципи нимадан иборат? У шундан иборатки, адабиёт иши социалистик пролетариат қўлида айрим шахслар ва гуруппаларнинг бойиши учун қурол бўла олмаганлигидан ташқари, умуман умумпролетар ишига бўйсунмаган хусусий иш бўла олмайди. Битсин партиясиз адабиётчилар! Адабиёт иши — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак...

В. И. Ленин

² «Дискуссия о фольклоре и фольклористике в реконструктивный период», «Литература и марксизм», 1931 г., книга шестая, стр. 115.

³ Миёнбузрук Солиҳов, Октябрғача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклори), Тошкент, 1935, 82-бет.

маданий бойликларни яратувчи, тарихий процессни ҳаракатлантирувчи кучи меҳнаткаш омма эканлиги тўғрисидаги таълимотига зиддир. Қаҳрамонлик эпоси яратилишини ҳоким синфларга боғлашдан иборат ғайри марксистик назария тарафдорлари 30-йилларда барча республикаларда ҳам бор эди. Бу назариянинг реакцион моҳияти «Правда» газетаси саҳифаларида очиб ташлангач, мамлакатимиздаги барча халқлар эпосини ўрганишга кенг йўл очилди...

В. И. Лениннинг сафдоши В. Д. Бонч-Бруевич хотираларидан, доҳийнинг кўп қиррали фаолияти ва улкан меросидан маълумки, у фольклорни ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан ўрганишга катта эътибор берди. Бу нарса адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги масаласи билан боғланадики, уни бир томонлама тушуниш, конкрет ҳодиса, конкрет тарихий шароитдан узиб олиб талқин қилиш мумкин эмас. Чунки «Марксизмнинг бутун мазмуни, унинг бутун системаси ҳар бир қондани фақат а) тарихий нуқтаи назардан; б) фақат бошқа қондалар билан боғлаб; в) фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлаб текширишни талаб қилади»⁴. Ана шундай текширишни унутиб қўйган баъзи ўртоқлар традицион фольклорга конкрет тарихий муносабатда бўла билмаслик натижасида айрим дostonларнинг халқчиллигини инкор этдилар. Доҳий В. И. Лениннинг маданий мерос ҳақидаги таълимотининг элементар қондаларига риоя қилмаган А. Абдунабиев ва А. Степановларнинг чиқишлари эпосга нисбатан бундай нигилистик, ғайриилмий муносабатда бўлишнинг характерли мисолидир. Улар «Алпомиш» дostonига скептик муносабатда бўлиб, уни халққа қарши реакция асар, деб эълон қилдилар. 1956 йил сентябрда «Алпомиш» дostonи муҳокама-сига бағишлаб Тошкентда ўтказилган регионал кенгашда эпосга нисбатан нигилистик чиқишларга батамом зарба берилди, бу монументал асар чинакам халқчил эканлиги инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботланди⁵.

Ўзбек фольклористикасининг тарихий тараққиётига назар ташлар эканмиз, у фан сифатида совет даврида туғилди, шаклланди, вояга етди; халқимиз ижодини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш борасида илгари босилмаган йўللardan ўтиб, катта ҳажмдаги тўпловчилик ва текширувчилик методикасини ишлаб чиқди; марксча-ленинча назария асосидаги ўзининг мустаҳкам методологик заминига, чуқур илмий йўналишига эга бўлди. Ҳозир бу соҳа бўйича бир фан доктори, йигирмадан ортиқ фан кандидатлари хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда 40 жилдга мўлжалланган «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлиги нашр этила борилади, «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» серияси ташкил этилди. (Ҳозирги кунда сериянинг икки китоби босилиб чиққан).

Ҳозир ўзбек фольклоршунослиги олдида улкан вазифалар турибди. Эпик ижодиётда ўзбек бахшилари учун умумий бўлган стил элементларини аниқлаш, уларнинг областлараро ва индивидуал фарқини кўрсатиш-машҳур бахшилар маҳоратини ёритиш, эпик асарларнинг ижодий тарихини белгилаш, нисбатан кам ўрганилган жанрлар — эртақ, афсона, ривоят, латифа, оғзаки ҳикоялар, мақол ва маталлар, музика, рақс, драма, аския ва бошқалар бўйича илмий асарлар яратиш, уларнинг бир-бирига муносабатини ёритиш, дoston билан эртақ, дoston билан тарихий ривоятлар ва афсоналарнинг ўзаро алоқасини, бир-биридан ўзлаштиришни текшириш жуда муҳимдир.

Кейинги йилларда халқ орасидан нимаки йиғилган бўлса, ҳаммасини бирварақайига «дурдона» деб эълон қилиб юбориш, уларнинг гоёвий-

⁴ В. И. Л е н и н, Асарлар, 35-том, 239-бет.

⁵ Қаранг: «Об эпосе «Алпамыш», Ташкент, 1959.

бадний савияси ҳақида лом-мим демаслик, баъзан бадний жиҳатдан бўш, сохта асарларни халқ ижоди сифатида тақдим этиш, ҳар бир аниқланган бахшини, унинг санъаткорлиги ва профессионаллиги даражасидан қатъий назар, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдошлар қаторига тенг қўйиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Баъзан у ёки бу эпик асарга, бизнинг қўлимизга киритилган мавжуд ҳолатига қараб баҳо берилмоқда. Унинг мураккаб ижодий йўлни босиб ўтганлиги, кечмиш даврлар ўз изини қолдирган қатламлар ҳақида фикр юритилмаётир. Бунинг олдини олишда биз учун яна йўлчи юлдуз В. И. Ленин фикрлари, унинг ҳаётбахш таълимотидир. «Ижтимоий фан масаласида энг ишончли нарса, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — ... асосий тарихий боғланишни унутмасликдир, ҳар бир масалага тарихдаги маълум ҳодиса қандай пайдо бўлганлиги, бу ҳодиса ўз ривожланишида қандай асосий этапларни ўтганлиги нуқтан назаридан қараб, бу нарсанинг ана шу ривожланиши нуқтан назаридан ҳозир қандай бўлиб қолганига қарашдир»⁶.

Доҳийнинг бу фикри фольклоршунос олимларимиз учун дастуруламал бўлиб қолиши лозим.

Инсоният яратган билимларнинг ҳаммасидан қандай қилиб коммунизм пайдо бўлганини кўрсатувчи намуна — марксизмдир... Инсоният яратган барча бойликларни билиб ўз онгингни бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин.

В. И. Ленин

⁶ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 491-бет.

ЁЗУВЧИ МИНБАРИ

АСҚАД МУХТОР

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Санъатда Ленин мавзуи . . .

Шу ҳақда ўйлаганда, бу мавзу улғ доҳийнинг ўзини тасвир этишга нисбатан анча кенг эканига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиласан. Чунки Ленин иши, Ленин ғоялари ҳамма ерда барҳаёт, ҳамма нарсада мужассам. Бу ғоялар ҳаёт мазмунини белгиламоқда, улар келажакимизни ҳам ёритиб турибди. Биз ёзувчиларни ҳаёжонга солувчи барча муҳим мавзу ва фикрлар совет санъатининг ана шу етакчи мавзуи билан бевосита ёки бавосита боғлиқдир.

Шарқда хотин-қизлар тўғрисида кўп ёзилган. Кўп ҳам гапми! Бу ерда ёзилган деярли барча асарлар озми-кўпми аёл қисматига — бу кўҳна ижтимоий масалага бориб тақалади. Беҳисоб ғазаллар, Лайли ва Ширинлар ҳақидаги ғам-ғусса билан тўлиб-тошган дostonлар. Қирқ қиз ва Барчин сингари идеал аёллар тўғрисидаги эпослар . . . Лекин, шунга қарамай, кечмишга ҳозирги кунимиз нуқтаи назаридан туриб назар ташлаган кишига шу нарса аёнки, бу ҳақда ҳали ҳам кўп гап айтиш мумкин. Ҳатто бу мавзу ҳозир ҳар қачонгидан ҳам актуалдир.

Бу мавзуга қандай ёндошиш керак? Бу мавзу доирасида яна нималарни ёзиш мумкин? Бир қарашда, Ўзбекистон шаронтида, айниқса инқилобнинг дастлабки ўн йилликлари ҳақида гап кетганда бундай саволларга ўрин ҳам бўлмаслиги керак эди. Чунки вазифа аниқ: хотин-қизларнинг асрий жаҳолат ва қуллик кишанларидан, шарнат ва фанатизм сарқитларидан озод бўлиши ҳақида ёзиш зарур. Хўш, кейинчи? Хотин-қизлар озодлигининг истиқболи қанақа? Озодлик тушунчасига нималар киради. Эмансипациями? Наҳотки фақат шунинг учун курашаётган бўлсак? Ғарбда хотин-қизлар аллақачон эмансипация қилинган, қолаверса улар на паранжини, на ичкарини билишган. Хўш, бизнинг хотин-қизларимиз шу тақдирга ҳавас қилишлари керакми?

Буржуа социологи П. Сартен ўзининг «Аёллар озод бўлганми?» деган китобида бу хусусиятда шундай киноя қилади: «Баъзи бир ашаддий оптимистлар ёхуд чуқурроқ фикрлаш қобилиятидан маҳрум кишилар иккинчи жинс ўз озодлигига эришган ёхуд узил-кесил озод бўлган, деб ўйлашади. Ахир аёллар ҳомилага қарши дори ичиш ҳуқуқига, ўз сармояларини банкада сақлаш ҳуқуқига . . . ва ўз эрларининг қарз-қурзлари учун жавоб бериш ҳуқуқига, ажойибу ғаройиб кийиниш ҳуқуқига эга бўлмадиларми? . . .»

«Хотин-қизларнинг аҳволи буржуа демократияси билан социалистик демократия ўртасидаги фарқни айниқса яққол қилиб кўрсатиб беради . . . — деган эди В. И. Ленин.— Буржуа республикасида (яъни ер, фабрикалар, заводлар, акция ва бошқалар хусусий мулк бўлган жойда), гарчи у энг демократик республика бўлса ҳам, дунёнинг ҳеч бир

жойида энг илгөр мамлакатларнинг бирортасида ҳам хотин-қизлар тўла равишда тенг ҳуқуқли бўлган эмаслар...

Буржуа демократияси сўзда тенглик ва эркинлик ваъда қилади. Амалда ҳатто бирорта энг илгөр буржуа республикаси ҳам инсониятнинг ярмини ташкил қилган хотин-қизларга қонуи юзасидан эркаклар билан тўла тенг ҳуқуқ ҳам берган эмас; эркакларнинг восийлик қилиши ва эзилишдан ҳам озод қилинган эмас¹.

Бизнинг хотин-қизларимиз ўз озодликлари учун курашда бутунлай бўлак йўлдан бордилар.

Бу мавзуда асар ёзишга киришмасдан олдин мен, даставвал, аёлларимиз озодлигининг мазмуни ва моҳиятини англашга уриндим. Утмишни ўрганишга киришдим, кўпгина кишилар билан суҳбат қилдим. Қанча-қанча ажойиб аёллар тақдирини, битмас-туганмас фожиаларни учратдим! Улар мени ларзага солди! Кимдир жаҳолатдан ўзининг тўрт-тала хотинини бир кунда сўйиб ташлаган; кимдир рашкдан қайлигини тириклайин ерга кўмган; «соchi бурида», «сазойи», «талоқ» — инқилобга қадар ҳар қадамда учраб турган бу сўзлар, хотин-қизлар учун махсус ўйлаб топилган жазоларнинг номларидир.

Лекин буларнинг ҳаммаси, гарчи фавқулодда муҳим бўлса-да, бари бир ўз ҳолича айрим, қуроқ фактлар эди, холос. Воқеликни ўзлаштириш, шубҳасиз, фактларни ўрганишдан бошланади, аммо адабиётнинг мақсад ва вазифаси уларни оддийгина қайд этишдан кўра бир-мунча юксакроқ. Айрим нарса, деган эди Ленин, фақат умумий нарса билан ўзаро алоқадагина мавжуддир. Мен буни билардим, лекин беҳисоб аёллар тақдирларидан қандайларини танлаб олиш, қайсини роман асосига қўйишни дарҳол билолмадим. Менда фактларни ана шундай диалектик алоқада кўриш малакаси этишмасди, ҳаётнинг яхлит манзарасини тасаввур этишга ёрдам берадиган тажриба йўқ эди.

Хуллас, Тўраҳон ая Иброҳимова билан учрашувдан кейингина менга маълум бўлган барча фактлар дафъатан магнит майдонига тортилган темир қипиқларидек, қатъий ва аниқ бир сафда тизилдилар. «Хужум» кампаниясининг ташаббускори Тўраҳон аянинг биографияси бир-бирига асло ўхшамаган аёллар тақдирини билан республика тарихининг бурилиш нуқталарини бир-бирига боғлаб юборди. Тўраҳон ая менга Владимир Ильич Ленин билан бўлган учрашувини, биринчи марта эркак киши қаршисида юз очганлигини сўзлаб берди.

— Сиз жуда ҳам гўзал экансиз, нега энди юзингизни беркитиб юрасиз? — дейди унга Ильич жилмайиб.

Тўраҳон шу пайтга қадар ўзи тўғрисида бундай гапни эшитмаган эди! Шу пайтга қадар бундай жилмайишни кўрмаган эди. «Мен шундан кейин паранжи ёпинмадим», — деб хотирлайди Тўраҳон ая ва ўз ҳикоясини давом эттиради.

«Владимир Ильич гапимни эътибор билан тинглади. Хотин-қизлар Советлар ишида қандай иштирок этишмоқда? Клубларга бориб туришадими? Қизлар мактабга қатнайдами? Ильич шулар ва бошқа кўп

... марксизм ўзининг оламшумул-тарихий аҳамиятини шу билан қозондики, марксизм буржуа даврининг энг қимматли ютуқларини асло улоқтириб ташламади, балки аксинча, кишилик фикри ва маданиятининг икки минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ривожланиши натижасида вужудга келган қимматли нарсаларнинг ҳаммасини ўзлаштирди ва қайтадан ишлади.

В. И. Ленин

¹ В. И. Ленин ч. Асарлар, 30-том, 114—115-бетлар.

нарсалар тўғрисида сўради. Менинг жавобларим уни жуда ҳам қувонтирди. Мен ўзбек хотин-қизларининг давлат ва жамият муассаларидаги иштироки тўғрисида гапирганимда, у бундан завқланиб, ютуқларимиздан жуда мамнун бўлди.

Ильич унга дейди:

— Хотин-қизлар учун очилган артелларда ишлайсизми? Энг муҳими мана шу! Ахир ишлаб чиқариш коллективсиз қандай озодлик бўлиши мумкин.

Энг муҳими!— Менга шу сўз керак эди. Лев Толстой шундай деган экан: асарнинг муваффақиятли чиқиши учун ундаги энг муҳим факрини севиб қолиш керак.

Тўраҳон ая «Опа-сингиллар» романимда марказий қаҳрамон учун прототип бўлди. Кейинчалик, унинг ажойиб ҳаётини ўрганар эканман, Марғилон ва Қўқондаги хотин-қизлар учун дастлабки ишлаб чиқариш артелларини ташкил этган, 20 йиллардаёқ «Трехгорка»га ишлаб чиқариш ўқувига борган, тўқувчи хотин-қизларни бойлар асоратидан илк текстиль фабрикалари сари етаклаган аёлларни ҳам, ўша пайтларда айтилган қўшиқларни ҳам топдим.

Фабриканинг йўлида
Рўмолча топиб олдим.
Топиб олди деманглар
Меҳнатга сотиб олдим.

Тўраҳон ая билан учрашганимдан сўнг, халқнинг революцион кураш йўлини кўрсатувчи йирик фактлар мени кўпроқ қизиқтира бошлади. Ҳа, бахт қон ва жон эвазига қўлга киритилган эди. Мусулмон ақидаларига, кечмиш асрларга қарши бош кўтариб чиққан оддий деҳқон қизи — Сулаймонованинг фожиали тақдирини беихтиёр хотирага келади. Бу мардона аёлни босмачининг эгри қиличи ваҳшийларча қийма-қийма қилиб ташлаган; бу ҳодиса зимистон кечада, Бухоро Регистонидида Туркистон Советлар қурултойи ўтаётган бир пайтда содир бўлган. Сулаймонова «ичкари» дагилар номидан ана шу қурултойга табрик сўзлари айтиш учун ўз қишлоғидан келаётган эди.

Қурултой Сулаймонованинг овозини эшита олмади. Унинг овозини кимсасиз ва қоронги йўл устида ўчирдилар. У ўз паранжисини алвон рўмолга алмаштириб олишга улгурмади... Лекин у мардлик, янги ҳаёт идеалларига садоқат намунаси бўлиб қолди.

Эмансипация ҳақидаги буржуа ғоясига қарама-қарши ўлароқ, Совет ҳокимияти хотин-қизларга ҳақиқий озодлик келтирди; хотин-қизларни меҳнатда тенг ҳуқуқли қилиш, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш ҳақидаги Ленин ғояларини ҳаётга татбиқ қилди.

«Совет республикасида ишчи хотин-қизлар ҳаракатининг вазифалари тўғрисида сўзлаган нутқиди Ильич шундай деган эди: «Хотин-қизларнинг тўла равишда озод бўлишлари ва ҳақиқатдан ҳам эркаклар билан ҳуқуқда тенг бўлишлари учун ижтимоий хўжаликнинг мавжуд бўлиши ва хотин-қизларнинг умумий унумли меҳнатда иштирок қилишлари керак. Шу вақтдагина хотин-қизлар эркаклар билан тенг ўринда бўладилар².

Лениннинг бу сўзлари романимнинг эпиграфи бўлди. Унда хотин-қизларни озод қилиш мавзуи республикада ишчилар синфининг туғилиши, саноатнинг вужудга келиши тарихи билан табиий равишда чагириб кетди.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат, ижтимоий ҳаёт миллионлаб хотин-қизларнинг реал озодлик учун курашларида йўлчи юлдуз бўлди. Фаргона ва Тошкент тўқимачилик комбинатларининг қурилиши ана шу ку-

² В. И. Ленин, Асарлар, 30-том, 29-бет.

рашнинг ҳақиқий майдони бўлди. Бу майдонда паранжи ва чочвон гулханлари ёнди, ақл ва юрак тобланди.

Ижтимоий меҳнатда иштирок этиш, гарчанд озод хотин-қизлар ҳаётини мазмундор қилса ҳам, унинг ўзигина етарли эмас. Владимир Ильич хотин-қизларнинг социалистик жамиятдаги озодлиги ҳақида сўзлаб, уларни ижтимоий фойдални меҳнатга даъват этар экан, буни шундай тушунтиради: «... Бунда гап, меҳнат унуми, меҳнат микдори, иш соати, меҳнат шароити жиҳатидан ва бошқа жиҳатлардан хотин-қизларни эркаклар билан барабарлаштириш тўғрисида бормайди, балки бунда гап, хотин-қизлар эркакларнинг аксича ўзларининг уй-рўзгор билан банд бўлиши орқасида эзлишларига йўл бермаслик устида боради. Ҳаммангизга аёнки, ҳатто ҳуқуқда тўла тенглик бўлганда ҳам хотин-қизлар амалда эзилган аҳволда қолаберадилар, чунки бутун уй-рўзгор ишларини хотин-қизлар устига юклайдилар. Хотин-қизлар бажарадиган бу уй-рўзгор иши кўпинча энг унумсиз, энг бемаъни ва энг машаққатли ишдир. Бу жуда икир-чикир иш бўлиб, хотин-қизларнинг ўсишига заррача бўлса-да ёрдам бермайди.

Социалистик идеални мақсад қилиб олиб, биз социализмни тўла амалга ошириш учун курашишни истаймиз ва бу ишда хотин-қизлар учун жуда кенг иш майдони очилади»³.

«Биз намунали муассасалар, ошхоналар, яслилар вужудга келтирамиз, бу муассасалар хотин-қизларни уй-рўзгор ишидан халос қилади, — деган эди Ленин, — хотин-қизларни уй чўриси аҳволдан халос қиладиган муассасалар ҳамма жойда, озгина имконият бўлган жойларнинг ҳаммасида пайдо бўлмоқда. Биз, ишчиларни озод қилиш ишчиларнинг ўз иши бўлмоғи лозим, деймиз, худди шунингдек ишчи хотин-қизларни озод қилиш ҳам ишчи хотин-қизларнинг ўз ишлари бўлмоғи лозим»⁴.

Кўрамизки, Ленин масалага ижтимоий ва синфий нуқтаи назардан ёндошган. Санъаткор ҳам Ленин кашф этган аср ҳақиқатини тушунмай туриб айрим фактлар ҳақиқатини англаб етолмайди.

Озодликнинг тийран мазмуни жиҳатидан қарасак, хотин-қизларни озод этиш ҳозир ҳам дароматли бўлмоқда. Шундай экан, кечаги тарих мавзуси бениҳоя қўлзарб характер касб этади. «Опа-сингиллар» романи босмадан чиққанида, у, афтидан, мазмуни ана шундай граждана талқин этилганлиги туфайли анча диққатга сазовор бўлди. У хорижий Шарқдаги ҳам кўпгина тилларга таржима этилди — бу мамлакатларда аёллар масаласи чирсиллаб турганлиги учун уни, биздагидек, тубдан ҳал этиш намунаси айниқса диққатни жалб этар эди.

Агар асарда савол бўлмаса ёхуд саволга жавоб бўлмаса, у ўлик асардир, — деган эди Берлинский. Шубҳасиз, менинг романимда қўйилган саволга мен эмас, балки ҳаётни, хусусан хотин-қизлар ҳаётини ленинча ўзгартирган республикамнинг тарихи жавоб берди, — мен фақат бу жавобни унинг оғзидан ёзиб олдим...

Адабиётнинг халқчилиги, ижтимоий аҳамияти, синфийлиги ва партиявийлигини талаб этиш ленинча эстетик таълимот асосидир. Инсониятнинг улкан бадний ютуқларига таянган бу таълимот, биз совет ёзувчиларини юксак граждана руҳида тарбиялаган.

«Санъат ҳузур-ҳаловат, юпанч ёки овуноқ эмас, — деган эди Лев Толстой, — санъат буюк ишдир», Қизиги шуки, бундай фикрни Алишер Навоий ҳам ўрта асрлардаёқ айтган эди. Лекин адабиёт «иши»нинг буюклиги нимада эканини бизга фақат Ленин таълимоти узи-кесил тушунтириб берди. Ҳозирги ўзбек прозаси ана шу таълимотга амал қилган ҳолда замондошларимиз ҳаётини ҳаққоний акс эттиришдан келиб

³ В. И. Ленин, Асарлар, 30-том, 30—31-бетлар.

⁴ Уша ерда.

чиқувчи бой ижтимоий мотивлар ва кенг умумлашмалар сари интилоқда.

Мен учун шу нарса аёнки, асарнинг марказий қаҳрамонини — маълум бир ижтимоий шахсни танлаш бўлажак асарнинг китобхонга таъсирини кўп томондан белгилаб беради. Зероки, китобхон дангаса ва калтафаҳм билан танишадими ёки жамият олдидagi масъулиятини тўла ҳис қилиб яшайётган киши биланми, бу унинг учун бари бир эмас. Иккинчи томондан, қаҳрамон танлаш ёзувчи учун асарда қайси йўл билан бориш кераклигини ҳам кўрсатиб беради. Менинчга, сенинг ҳаётдаги идеалингни ўзида чиндан ҳам мужассамлантирувчи қаҳрамонни топиш жуда қувончлидир... Тўғри, мен ижобий идеаллар санъатда фақат ижобий қаҳрамон орқали мужассамланади, демоқчи эмасман! Лекин ҳисларингда ҳақиқий тирик қаҳрамон яшаса, бундан ортиқ қувонч бўладими?!

Мен Аҳмаджон образи устида ана шундай байрам кайфияти билан ишладим. («Давр менинг тақдиримда» деган китобимда воқеа шу қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади). Бу китоб олдига қўйилган ният инсоннинг даврлар оша ўтишини, шу давр таъсирида характернинг ўзгариши, сайқал топиши ва камолот сари боришини кўрсатиш эди. Шунинг учун ҳам ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган бу асарда воқеа даврдан даврга ўтиб, уланиб боради, қаҳрамон эса Улуғ Ватан уруши фронтларида, урушдан кейинги йилларда кўринади, колониализмдан халос этилган мамлакатларни оёққа турғизишда иштирок этади. У ҳамиша олдинги маррада, у доимо келажакни ўйлайди, уни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади ва шу туфайли ўз даври билан бирга қадам ташлайди. Ғоя шундай, лекин унинг қандай тажассум топгани ҳақида ҳукм чиқариш менинг вазифамга кирмайди.

«Чинор» деб номланган янги романимда ҳам мен, гарчаид бўлак материал асосида, бўлак сюжет доирасида, бўлак композиция принципида бўлса ҳам, ички мазмунига кўра, яна ўшанга яқин бўлган бир вазифани ҳал этишга уриндим. Бу асарда бутун илдизи билан халқнинг улкан тарихига узвий тирмашиб кетган катта меҳнаткаш оиланинг тарихи тасвирланади. Ҳар қандай тарих каби, бу ҳам синфий характердаги тарихдир. Мен ленинча партиявийлик принципини, масалага синфий ёндошиш принципини нуутган ҳолда бирор тарихий муаммони ечиш имконини тасаввур этолмай. Ахир синфсиз жамият қуриш учун қатъий эътиқодга эга бўлган кишилар керак... Ленин Горькийга ёзган хатларида мураккаб ҳаётгий воқеаларда конфликтнинг ижтимоий негизини йўқотмаслик керак, деб қайта-қайта насиҳат берган эди.

Дастлабки асарларимдан бири — «Қорақалпоқ киссаси»да уруғлар ва элатлар ўртасидаги адоватни, зиддиятларни кўрсатиш керак эди. Воқеаларини экзотик ўйинчоқлар шодасига айлантирмай, бу чигал тугунни тўғри ечишимга ана шу ленинча принцип ёрдам беради.

Ильич Ўзбекистонда ҳеч қачон бўлмаган. Лекин бутун инқилобий тарихимиз ва ҳозирги давримиз унинг номи ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Халқимизнинг миллий ифтихори — ўзбек пахтасининг ойдини йўли Мирзачўлни ўзлаштириш ҳақидаги Ленин декретидан бошланган эди. Шарқдаги маърифат машъали — биринчи университетимиз Ленин имзоси билан очилган. Республикамиз ҳаётидаги барча муҳим воқеалар ана шу тарзда дохий номи билан боғланган. Ленин мавзунинг ўзбек билан боғланган. Ленин мавзунинг ўзбек совет адабиётида — Яшиннинг «Йўлчи юлдуз»и ва Ғафур Ғулومнинг ажойиб мисраларида, Ҳамид Олимжон ва Мақсуд Шайхзода шеърларида, оқсоқол шоиримиз Миртемирнинг «Ленин жилмайиши» шеърлар туркуми ва ёш шоир

Эркин Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» дostonларида... — қизил ипдек ўтиб туриши бежиз эмас.

Лениннинг назарий меросини, хусусан унинг эстетик қарашларини, кўп қиррали фаолиятини чуқур ўрганиш социалистик реализм ёзувчилари учун айниқса зарурдир.

Ҳа, Илғич бизнинг Туркистонда бўлмаган. Лекин у Туркистон осмонидан тонгдек балқиди. «Шарқ юлдузи» журнали (1969, 9-сон) да босилган янги дostonим ана шу ҳақда.

Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг Владимир Ильич Ленинга юборган бир телеграммаси бор. Унинг тексти «Мангуликка дахлдор» дostonимга эпиграф қилиб олинди. Телеграммада шундай дейилган:

«Владимир Ильич Ленинга. Республика душман исканжасида... Тошкент узилиб қолди. Ҳалокат хавф солиб турган пайтда Сизнинг овозингизга ташнамиз...»

Бу даврда революционер Алибий Жонгилдин афсонавий жасорат намунасини кўрсатди. У икки ой юриб, Устюртнинг сувсиз дашт-биёбонидан Туркистон учун қурол-яроғ олиб ўтган катта бир отрядга бошчилик қилади.

Жонгилдин билан бир вақтда, фронт ёнгинлари, каллакесар дутовчи қисмлар оша унинг Юсуф исмли адъютанти ҳам «Правда» газетаси подшивкалари билан ўтиб келади. Газетада катта дунёдан ажратиб қўйилган, ўт-олов ҳалқасида қолган революционер Туркистон жангчилари учун сув ва ҳаводек зарур бўлган Лениннинг сўзлари бор эди.

Асрий зулмат менинг қадрдон ўлкамни Россиядан ажратиб юборолмади. Эндиликда, у тонг нуруни кўрган бир аснода, Ленин сўзининг унга йўл топиб келишига қаршилик кўрсата оладиган бирор куч бормикан?! Лекин бу йўл у пайтда хавф-хатарга тўла эди...

Реалистик услубда ёзилган бу дostonдан кузатган гоё рамзий аҳамиятга молик эканини пайқаш қийин эмас. Жонгилдин отрядининг афсонавий қаҳрамонлиги, ақл бовар қилмайдиган жасорат қиссаси ҳужжатларга асосланган. Дутовчилар қўлида ҳалок бўлган, лекин қимматбаҳо юкнинг ўз манзили сари етиб бориши учун йўл очган адъютант Юсуфнинг жасорати ижодий уйдирмадир. Бироқ Ленин мақолалари босилган «Правда» газетаси инқилобий Туркистон учун чиндан ҳам дон ва қурол каби зарур эди! Ана шу Ленин ҳақиқати биз ўзбеклар учун ҳақиқатан ҳам етиб келди!..

Мен дostonни Подмосковьеда, қиш пайтида ёздим. Ҳамма ёқни қалин қор қоплаган эди. Чанғида, қор босган кимсасиз далалар ва олис ўрмон сўқмоқлари бўйлаб сайр қиларканман, жазирама саҳрони, барханларнинг кўз илгамас ҳаракатини, ўркакчага юк ортилган туяларнинг вазмин одимларини тасаввур этардим. Кимсасиз саҳро ҳам, кутилмаганда дуч келган одамлар билан учрашув ҳам қарвон учун ўлим билан баравар эди. Туя оғир-оғир тебраниб, лўк-лўк юрар, қум эса, оёқларим остидаги қор сингари, ғарчиллар, эгардаги йигит бўлса, вақтни ва масофа ҳисобини олаётгандек кўзларини қисарди... Унинг юкини миллионлар кутарди.

Саратон ҳақида қишда, баҳор ҳақида кузда ёзиш керак, деган эди Маяковский. Ана шундай контраст тасаввурга қанот бағишлайди, аниқроғи, ҳозир ён-веримизда бўлмаган нарсаларни кўришга ёрдам беради.

Талантни қўллаб-қувватламоқ керак.

В. И. Ленин

Ҳар қалай, дoston устида ишлар эканман, кўнглимни қандайдир қувончли ва юксак ҳиссиёт банд этган эди. Гарчанд ҳозиргача анча-мунча нарса ёзиб ташлаган бўлсам ҳам, бундай кайфиятни ҳануз ҳис этмаган эдим.

Мен Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» дostonини таржима қилган пайтларимдан бошлаб хаёлимни банд этиб келган мавзуга эндигина яқинлашдим чоғи, дердим ичимда. «Мангуликка дахлдор» дostonи устида ишлаш чоғи мени банд этган ҳиссиётнинг бир қисми асарга кўчган бўлса, мен ўзимни бахтли деб билардим. Зеро, ёзувчи учун илгор башарият доҳийси сиймосини бадий гавдалантиришга заррача бўлса ҳам ҳисса қўшмоқдан фахрлироқ нарса борми!

ТИЛШУНОСЛИК

Q УСМОНОВ

ТИЛ НАЗАРИЯСИНING БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ

В. И. Ленин улугъ файласуф сифатида ўз асарларида физика, тарих, сиёсий иқтисод ва бошқа бир қатор фанлар қаторида тилшуносликка бевосита тааллуқли бўлган қимматли фикрлар баён қилдики, бу фикрлар, бир томондан, тилшунослар учун методологик кўрсатма бўлиб хизмат қилса, иккинчи томондан, масаланинг моҳиятини ечишга ёрдам беради. Шулардан бири тилнинг ижтимоийлиги ҳақидаги ленинча таълимотдир.

Инсонлар орасидаги муносабат учун хизмат қиладиган нарса, албатта, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Чунки бундай муносабат, алоқа коллектив ичида — жамиятда воқе бўлади. Бироқ К. Маркснинг «Адольф Вагнернинг китобига танбеҳлар» асарини ўқир эканмиз, кишилар орасидаги ижтимоий алоқа ҳақида гап борганида, у нутқнинг мавжудлигини назарда тутганлигига дуч келамиз.

«... Сўздан иборат бўлган номлар,— деб ёзган эди К. Маркс,— такрорланиб турадиган фаолиятни тажрибага айлантиришни, яъни маълум ташқи предметлар маълум ижтимоий алоқада яшовчи кишиларга (бу — нутқнинг мавжудлигидан зарурий равишда келиб чиқадиган тахмин) уларнинг эҳтиёжларини қониқтириш учун хизмат қилишини фақат тасаввур сифатида ифодалайди»¹.

Айни бир хил вазифани бажарадиган ҳодисанинг икки буюк доҳий томонидан икки хил номлангани кишини ҳайратда қолдириши турган гап. В. И. Ленинда тил деб номланган нарса К. Марксда нутқ дейилади.

Юзаки қарагандагина, бу — шундай!

Масалага яқиндан ёндашиб кўрайлик.

Тил билан нутқнинг фарқи масаласига киришишдан аввал тилнинг ўзини қандай тасаввур қилиш керак, деган саволга жавоб бериш лозим бўлади.

Тил маълум миқдордаги нутқ товушларининг турли комбинацияси билан бошқаларга билдириладиган сўзлар, грамматик воситалар ва улардан фойдаланиш қондаларидан ташкил топган деб XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ қисий грамматикачилар томонидан айтилган эди. Ҳозир ҳам тилни шу хилда тасаввур қиладилар. Акад. Л. В. Шчерба ҳам «Тил ҳодисаларининг уч хил аспекти ҳақида» номли асарида тил системаси луғат ва грамматикадан иборатдир, деган эди. Бу таъриф асосан қабул қилинган бўлса ҳам, кейинчалик бошқа бир проблема туғилиб қолди. Проблема шундан иборатки, тил ўз элементлари билан бирга моддий ҳодисами ёки психик ҳодисами?

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс, Сочинения, XV, 1935, стр. 461—462.

Умумий тилшунослик фанида ном чиқарган баъзи йирик тилшунослар тилни реал, моддий ҳодиса деб эмас, балки кишининг психикасига оид нарса деб ҳисобладилар. Масалан, француз тилшуноси А. Мейе «Ҳинд — Европа тилларини қиёсий ўрганишга кириш» номли асарига «Тил ҳар бир шахснинг фақат ҳаракат ва сезги нервлари марказларидагина мавжуддир», дейди. Бунга қараганда, тил реал товуш материясига эга эмас, у ҳар бир кишининг миёсидагина мавжуд. Баъзи совет тилшунослари ҳам бу фикрга қўшиладилар. Масалан, арман тилшуноси Э. Б. Агаян «Тилшуносликка кириш» номли катта асарига «Ҳар бир кишининг тили унга бошқа кишилар билан алоқа қилиш имконини берадиган ички қобилият, потенциалдир», деб Мейенинг фикрини яна ҳам ойдинлаштиради.

Тилнинг нерв марказларида мавжуд бўлиши, ички қобилият, потенциал имконият эканлиги ҳақиқатга зид келмайди, албатта.

Масалан, бирон сабаб билан гапириш қобилиятини йўқотган киши тилни йўқотмайди. Буни шундан ҳам билса бўладики, у сўзловчининг гапига монесиз тушунади ва унга имо-ишора билан жавоб ҳам беради.

Айни замонда, ҳар минутда тил нормал кишиларда артикуляцион-физиологик ҳодисага айланишга тайёр туради. Чунки у нутқ органларининг иши натижасида психик ҳодисадан реал фактга — материал қобиққа эга бўлган ташқи бир воситага айлана олади. Тилнинг бошқа объектив хусусияти бўлмаса, демак, тил ҳали айтилмаган, гапирилмаган потенциал имконият, холос.

Тилни шу хилда психик ҳодиса деб баҳолашнинг бир катта камчилиги бор. Бу камчилик шундан иборатки, юқоридаги фикр бутун элементлари билан хотирадагина мавжуд бўлган нарсадан қандай қилиб товуш материясидан иборат бўлган реал нутқ ҳосил бўлади? — деган саволга жавоб бермайди. Бир психик «материал»дан фақат бошқа психик «материал» яратилиши, шунингдек, бир моддий материалдан фақат бошқа моддий материалгина яратилиши мумкин-ку! Психик ҳодиса моддий ҳодисага айланмайди-да.

Хотирада сақланган сўзлар, морфемалар (ўзак ва аффикслар), фонемалар образидан нутқ тузилади деб ҳисобланадиган бўлса, хотирадаги ҳодиса билан реал нутқ орасида яна бир нарса бўлиши лозим. Шу нарса туфайли потенциал имконият реал нутққа айланади. Уша оралиқдаги нарса нима?

Психик ҳодиса билан реал нутқ орасидаги оралиқ ҳодиса, фикримизча, хотирадаги тил элементларининг нутқ тузиш вақтида талаффуз орқали рўёбга чиқариладиган реал эквивалентларидир.

Демак, хотирадаги тил элементларининг образлари нутқ фаолияти вақтида реал элементларга айланади. Зотан реал элементлар аслида бирламчи бўлиб, уларнинг онгидаги образлари иккиламчидир ва улар реал элементлар туфайли ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, тил икки хил «материал» орқали мавжуд. Булар:

1. Психик материал. Бу — сўз, морфема ва фонемаларнинг хотирадаги образи бўлиб, бу образлардан ташкил топган тил потенциал имконият сифатида «ички» тил деб аталиши ҳам мумкин. Бироқ уни «ички» нутқ билан аралаштирмаслик керак.

2. Моддий материал. Бу — нутқ яратиш чоғида белгили товуш қобифига эга бўлган реал талаффуз қилинаётган сўзлар, морфемалар ва товушлардан иборат.

Реал нутқ реал тил элементларидан ташкил топади ва реал тил элементларига бўлинади.

Худди тош ёки ганч ҳайкал учун, ёғоч стол учун материал бўлганидек, реал тил элементлари ҳам нутқ учун материалдир. Масалан, *Эргалаб кучли шамол турди* гапи реал нутқ сифатида талаффуз қилинган

реал товуш материясига эга. Уни *Эрта+ла+б куч+ли шамол турди* каби сўз ва морфемаларга ажратиш реал тил элементларига ажратиш демакдир. Аммо ажратишдан ҳосил бўлган ҳар бир элемент ўша нутқ ўтиб кетганидан кейин ўз материал қобигини йўқотиб, маълум образлар сифатида доимий равишда хотирада сақланади. Хотирадаги бу элементлар энди моддий ҳодиса бўлмай, психик ҳодисадир. Психик ҳодиса асосида эса лозим бўлганида нутқ органларининг фаолияти туфайли яна моддий ҳодиса ҳосил қилиш мумкин.

Тилни мана шундай икки жиҳатдан қараб баҳолагандагина уни материалистик позицияда туриб тушуниш ва бундаги диалектикани тасаввур қилиш мумкин. Акс ҳолда, яъни тил фақат ички имконият, потенция деб ҳисобланганида беихтиёр идеализмга қараб кетилади.

Психик ҳодиса бўлган даврда ҳам, моддий ҳолда ҳаракат қилганида ҳам уни ифодалайдиган *тил* терминининг маъно ҳажми кенг, умумий тушунчадир.

В. И. Лениннинг ҳаммага маълум бўлган ва тез-тез такрорланиб турадиган «Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир» деган жумласида ана шу умумий характердаги маъно тушуниладими? У ерда инсонлар орасидаги муносабат ҳақида гап боради-ку! Бу муносабат психик ҳодиса ёрдамида (агар у соф психик ҳодисалигича қолса) қандай қилиб рўй беради? Бундай бўлиши мумкин эмас. Инсонлар орасидаги муносабат бевосита сўзлашувнинг мавжуд бўлишини назарда тутайди.

Бу фикр Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам жуда қадимдан пайдо бўлган.

Қадимги арманларнинг одам билан ҳайвонни бир-биридан ажратиб номлашлари асосида сўзлашув ётганлигида катта донолик бор. Улар одамни *асун*, яъни «сўзловчи» деб, ҳайвонни эса *анасун*, яъни «сўзламовчи» деб атаганлар. Бу идея Аристотель томонидан эраמידан аввалги IV асрларда «тирик мавжудотлар орасида фақат инсон тилга эга» («Политика») тарзида баён қилинган эди.

Урта Осиёнинг улуг олимларидан бири Абу Наср Форобий «Бахтсаодатга эришув ҳақида» деган фалсафий асарида «... инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлашга муҳтождир, ҳар бир инсон табиатида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хусусияти бор», дейди.

Тилнинг инсон учун алоқа воситаси эканлиги ва шу билан у бошқа ҳайвонот оламидан ажралиши ҳақидаги фикр традицион формулага айланади. Европада Уйғониш даврининг машҳур намоёниси Данте XIV асрда тил фикрни бир-бирига тушунтириш учун инсонгагина керак, деган бўлса, Урта Осиёнинг мутафаккири ва шоири улуг Алишер Навоий XV асрда:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ андин

деб ёзди.

В. И. Лениндан келтирилган юқоридаги цитатада *тил* сўзи билан ифодаланган нарса ҳам психик ҳодиса бўлмай, нутқ органларининг ҳа-

Афсус ва минг афсуски, мен Далнинг машҳур лугати билан яқинда биринчи марта танишиб чиқдим.

Жуда яхши нарса-ю, лекин бу маҳаллий сўзлар лугати бўлиб, эскириб қолган. Ҳозирги рус тилининг лугатини, айтайлик, ҳозирги вақтда ишлатилиб келинаётган ва Пушкиндан тортиб Горькийга қадар классиклар томонидан ишлатилиб келинган сўзлар лугатини яратиш пайти келмадимикин.

В. И. Ленин

ракати билан юзага келадиган, яъни кишиларнинг ўзаро алоқаси учун хизмат қиладиган тилдир. Бошқача айтганда, у функционал тилдир.

Тил қачон маълум функцияни бажариши мумкин? Тил нутқ сифатида намоян бўлгандагина маълум функцияни бажаради.

Демак, тил алоқа қуроли, инсонлар орасидаги муносабат воситаси деб баҳоланганда, тил материалига (ёки юқорида айтилган элементларга) асосланган функционал тил ёки нутқ кўзда тутилади.

Юқорида В. И. Лениндан келтирилган цитатада гап функционал тил, яъни нутқ ҳақида боради. В. И. Ленин «Фалсафа дафтарлари»да тилнинг муҳим таркибий қисми бўлган *сўз* терминини ҳам *нутқ* маъносига қўллайди:

«Ҳар қандай сўз (нутқ) нинг ўзиёқ, — дейди у, — умумлаштиради»².

Бу ўринда доҳий *сўз* терминидан сўнг унинг *нутқ* маъносида қўлланиётганини билдириш учун қавс ичида *нутқ* сўзини келтиради. Қисм номининг бутун номи сифатида қўлланиши — синекдоха тилда кўп учрайдиган ҳодисадир. Шунинг учун фанда, бадний адабиётда *сўз* термини (тил элементларидан бири — қисм номи) *нутқ* маъносида (бутун маъносида) кўп қўлланади. Масалан, М. В. Ломоносов XVIII асрнинг ўрталаридаёқ «Рус тили грамматикаси» асарида сўзнинг кишилар орасидаги фикрлашиш, биргалашиб ишлашлари учун зарур бўлган восита эканлигини таъкидлаб шундай деб ёзган эди:

«Одамни бошқа ҳайвонлардан устун қўядиган ниҳоятда қимматли қобилиятлардан... энг биринчиси бошқалар билан фикрлашиш учун унга берилган сўздир».

(Сўз орқали) «... Одамзоднинг ҳар бир аъзоси ўз тушунчаларини маълум қила олмаса, биз умумий ишларимизни бахамжиҳатлик билан амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, ўрмон ва чўлларга сочилиб кетган ёввойи ҳайвонлардан баттарроқ бўлар эдик».

М. В. Ломоносов нотиқликка бағишланган асарида *сўз* терминини *нутқ* терминига маънодош сифатида қўллайди.

«Нотиқлик, — деб ёзади у, — ҳар қандай берилган материя ҳақида чиройли гапириш санъатидир... Бу санъат учун хизмат қиладиган материя нутқ ёки сўз деб аталади»³.

М. В. Ломоносовдан кейин ҳам *сўз* термини *нутқ* маъносида қўлланиганини кўриш мумкин. Масалан, Л. Н. Толстой шундай дейди: «Кишилар орасидаги ақлий муносабатларнинг ягона воситаси сўздир»⁴. Бошқа бир ўринда Л. Н. Толстой худди шу муносабат, алоқа қуроли ҳақида ёзганида нутқ терминини қўллайди. «Санъат, нутқ билан бирга, алоқа қуролларидан биридир»⁵.

Кўринадими, В. И. Ленин асарларидан келтирилган дастлабки цитатада *тил* сўзи К. Маркс қўллаган нутқ сўзи маъносида бўлиб, ҳар икки доҳийнинг фикри бир-бирига мосдир.

Иккинчи жузвий хулоса шуки, *нутқ* маъноси бир неча сўз билан — *тил*, *сўз*, *нутқ* сўзлари билан ифодаланиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Айниқса *тил* сўзининг *нутқ* маъносида қўлланиши одатдаги ишдир.

В. И. Ленин асарларида *тил* термини ҳамма вақт ҳам нутқ, яъни *функционал тил* маъносида қўлланилмаган. Юқоридаги цитата қилиб олинган жойдан олдинги жумлада В. И. Ленин капитализм ривожланиши даврида миллий ҳаракатларнинг кучайиши муносабати билан «тилнинг тараққийсига тўсқинлик қиладиган барча тўсиқлар бартараф қи-

² В. И. Ленин, Асарлар, 38-том, 290-бет.

³ М. В. Ломоносов, Избр. филос. произведения, 1950, Л., стр. 451.

⁴ Л. Н. Толстой, Соч., 26 стр. 319.

⁵ Л. Н. Толстой, Соч., 30, стр. 151.

линиши» ҳақида ёзади. Бунда тил термини *нутқ* маъносидан эмас, умуман тил маъносидадир. Чунки фақат тилнинг тараққийси жамиятдаги тараққийёт изларини бевосита ўзида «ушлаб» қолади. Айниқса луғат состави жамиятдаги янгилликлар ҳақидаги тушунчаларни сўз орқали ўзига йиғиб боради.

Тилда ўзлашти қолган сўзлар мавжуд бўлганидагина нутқ янги элементлар воситасида тузилади. Янги яратилган ёки бошқа тилдан янги кирган сўзларнинг тилда ўзлашиб, мустаҳкамланиб қолиши нутқнинг аввалгига нисбатан бой бўлишига, ранг-баранглигига сабаб бўлиши мумкин. Алоқа процессида янги сўзнинг тез-тез қўлланиши унинг тил элементига айланишига олиб келади, шу билан у тилнинг бойишига хизмат қилади.

Демак, тилнинг бойиши, тараққийси айрим шахснинг нутқидан коллектив тилига, ундан яна шахснинг нутқига принципада узлуксиз давом этади. Шунинг учун «буюк ва талантили тил билимдони (П. Лафарг) бўлган К. Маркс: «Бирга яшовчи ва бир-бири билан сўзлашувчи индивидларсиз тилнинг тараққийси... маъносиздир», деб ёзган эди⁶.

Юқорида биз келтирган жумладан кейин В. И. Ленин «тил бирлиги» ҳақида фикр юритади. Бу ерда ҳам тил «нутқ» маносида эмас, кишиларнинг нутқи учун хизмат қиладиган — «ҳар гал доимий равишда ишлатиладиган элементлар» (Г. Штейнталь), яъни сўзлар, грамматик формантлар ва грамматик қоидаларнинг жами маъносидан қўлланган.

Тил терминининг шу маънода қўлланишига Ф. Энгельс асарларидан далил келтириш ҳам мумкин. Масалан, у «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли» номли асаридан: «Тилнинг секин-аста тараққий қилиши эшитиш органининг тегишли равишда камол топиши билан мутлақо бирга борганидан,... миянинг тараққийси ҳам умуман бутун сезгиларнинг ҳаммасининг такомиллашиши билан бирга боради».

Бу цитатадан Ф. Энгельснинг тил сўзини умумий маънода қўллагани аниқ кўриниб турибди.

Шундай қилиб, В. И. Ленин асарларида тил термини, биринчидан, гапириш акти учун хизмат қиладиган материал маъносини англатади. Иккинчидан, тил термини кишиларнинг маълум муносабатини ифодалайдиган нутқи, яъни гаплашиш акти учун хизмат қиладиган функционал тилни ифодалайди. Биринчи маънода бу термин умумийликни, иккинчи маънода эса хусусийликни, конкрет ҳодисани билдиради.

Демак, тил билан нутқ умумийлик билан хусусийликнинг диалектик муносабатида бўлиб, улар бири иккинчисига ўтиб турадиган ҳодисалардир.

Шунинг учун марксизм-ленинизм классиклари тил сўзини ҳар икки маънода қўллаганлар.

Юқоридаги фикрнинг ривожланиши табиий равишда навбатдаги масалани туғдиради: бу — қайси маънода тилнинг ижтимоий ҳодиса бўлишидир.

Тилнинг ижтимоий моҳияти нутқий фаолиятда, нутқ сифатида функция бажаришида яққол амалга ошади. Бундан, нутқ (яъни функционал тил) ижтимоий ҳодиса бўлса ҳам, умумий маънода тил ижтимоий ҳодиса эмас, деган хулоса чиқмайди. Нутқ фаолиятида қатна-

Сўз ва матбуот ҳурлиги тўла бўлмоғи керак.

Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир...

В. И. Ленин

⁶ К. Маркс и Ф. Энгельс, К критике политической экономии, 1932, стр. 16.

ша оладиган ҳар бир шахс маълум ижтимоий гуруҳ ёки коллективнинг аъзоси бўлгани учун ва тил элементлари жамият аъзоларининг хотирида бир хил маънода сақланиши учун тилда ҳам ижтимоийликнинг белгилари мавжуд.

Бироқ умумий маънодаги тилнинг ижтимоийлиги нутқдаги ижтимоийликдан фарқ қилади. Тилдаги ижтимоийлик яширин ички ҳодиса бўлса, нутқдаги ижтимоийлик ташқи, реал ҳодисадир.

Тил хусусий маънода, яъни нутқ маъносига, чинакам ижтимоий ҳодисадир.

Қ. ХОНАЗАРОВ

МИЛЛИЙ ТИЛЛАР МАСАЛАСИДА ДОҲИЙ ТАЪЛИМОТИ

Карл Маркс ва Фридрих Энгельс таълимотининг улғу давомчиси сифатида В. И. Ленин марксизмнинг миллий масала бўйича назариясини ҳам олға сурди. В. И. Ленин яшаган ва иш олиб борган давр капитализмнинг энг юқори босқичи—империализм даврига, яъни ишчилар синфининг уюшиш даврига, социалистик революциялар даврига тўғри келди. В. И. Ленин миллий масалани даврнинг ана шу асосий мазмуни ва вазифалари билан боғлиқ ҳолда ривожлантирди. У, эксплуатация жамиятида мавжуд бўлган миллий тенгсизлик ва зулми фақатгина социалистик революция натижасида бартараф қилиш мумкин деб ўргатди. В. И. Ленин миллий масалани ҳал этиш социалистик революция билан чамбарчас боғлиқ эканлигини чуқур ёритиб берди ва мазлум халқлар социалистик революцияни амалга оширишда зўр куч эканлигини кўрсатди.

Миллий тенгсизлик ва эксплуатация буржуа жамиятининг пойдеворларидан биридир. Буржуа жамияти турли миллат ва элатларни моддий жиҳатдан талаш, маънавий жиҳатдан бўғиш йўли билан ўз фаровонлигини юзага келтиради. Октябрь инқилобидан илгариги Ўзбекистон ва мамлакатимизнинг бошқа ўлкалари, уларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Эксплуататорлик жамияти миллий тилларнинг ривожланишига тиш-тирноғи билан қаршилик қилади. Гап шундаки, миллий тиллар ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллат ва элатнинг фикр олماшиш воситаси, унинг кураш ва тараққиёт қуролидир. Миллий тил қанчалик бой, ифодали, илмий жиҳатдан ишланган бўлса, у шу тилда сўзлашувчиларнинг синфий онғи ва миллий озодлик фикрларини кўтаришга шунчалик самарали хизмат қилади. Шу сабабли, чор Россиясидаги ҳукмрон синфлар миллий тиллар масаласида ниҳоят реакцион позицияда турдилар. Буни шу мисоллардан ҳам билсак бўладики, инқилобгача бўлган даврда ўзбек тилида доимий равишда фақат битта газета чиқиб турар эди. Чиқа бошлаган бошқа газеталарни чоризмнинг маҳаллий пешволари турли баҳоналар билан ёпар ва тўхтатар эдилар. Октябргача қирғиз ва қорақалпоқ тилларида битта ҳам китоб ёки вақтли нашр чоп этилмас эди. Бутун Қозоғистоннинг улкан территориясида қозоқ тилида китоб ёки газета босиб чиқара оладиган типография йўқ эди. Улар кам сонда Қозон ва Петербург босмахоналарида чоп этиларди. Украина ва белорус тиллари эса мустақил миллий тиллар деб тан олинмас, рус тилининг шевалари деб расмий равишда эълон қилинган эди. Унлаб халқлар—мордвалар, комилар, марилар, қорақалпоқлар, хакаслар, олтойликлар ва бошқалар ўз миллий ёзувларига эга эмас эди. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай шарт-шароит ва чоризмнинг сиёсати Россия халқларини ғаблантлар ва миллий озодлик, тенглик томон, революцион ўзгариш томон ундар эди.

В. И. Лениннинг улуғ тарихий хизмати шундан иборатки, у мамлакат халқларининг ана шу норозилигини, инқилобий ўзгаришга интилишини ишчилар синфининг кураши билан боғлаш йўлларини ишлаб чиқди.

Миллий тиллар масаласида В. И. Ленин олға сурган *биринчи* талаб ва принцип миллий тилларнинг тенглиги принциpidир. Бу принцип Коммунистик партия ҳамма вақт ҳимоя қилган барча халқларнинг тенглиги принциpidан келиб чиқади. Россияда марксистик партия тузиш режаларини қоғозга туширар экан, В. И. Ленин 1895—1896 йилларда ёзилган «Социал-демократик партияси программасининг лойиҳаси ва уни тушунтириш» асаридаёқ «рус социал-демократик партияси даставвал... барча миллатларнинг тенгхуқуқлигини талаб этади», деб кўрсатиб ўтди¹. В. И. Лениннинг бу талаби Коммунистик партия томонидан изчиллик билан бутун асосий ҳужжатларда акс эттирилди. Жумладан, 1917 йилнинг жанговар кунларида, ленинчи инқилобчилар партиянинг Апрель конференциясида социалистик революциянинг талабларидан бири «... барча миллатлар ва тилларнинг тўла тенгхуқуқлиги»², деб аниқ кўрсатиб ўтдилар.

Миллий тиллар соҳасида В. И. Ленин олға сурган *иккинчи* принципиал фикр шундан иборатки, мажбурий давлат тилини жорий қилиш зарарли эканини, бу нарса бошқа миллий тилларни камситишини, барча халқларни эса мажбурий давлат тилидан бездириб, улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга путур етказишини кўрсатиб берди. В. И. Ленин «тўла тенгхуқуқлилик бирон тилга имтиёз берилишини инкор этишни ҳам тақозо қилади», деб ёзди³. У чоризм томонидан рус бўлмаган халқларга рус тилини мажбуран ўқитиш ва ўргатиш сиёсатига қарши чиқди. В. И. Ленин 1913 йилдаёқ «иқтисодий оборот эҳтиёжи бир давлатда яшовчи миллатларни (улар бирга яшашни хоҳлар эканлар) кўпчиликини ташкил қилувчи халқнинг тилини ўрганишга ҳамма вақт мажбур этади. Россиянинг тузumi қанчалик кўпроқ демократик бўлса, иқтисодий оборот эҳтиёжи ҳам турли миллатларни умумий алоқаси учун энг қулай бўлган тилни ўрганишга шунчалик қаттиқ мажбур қилади» деган эди⁴. В. И. Ленин фикрлари ва қондаларини ўз ишига асос қилиб олган Коммунистик партия ўзининг асосий қарорларида бу принципни алоҳида қайд қилиб ўтади. Россияда социалистик тузумга ўтиш программасини чизиб берган 1917 йил Апрель конференцияси эса ўз қарорларида: «Партия мажбурий давлат тилини бекор қилишни... талаб этади», деб ёзди⁵.

Шу билан бир қаторда, В. И. Ленин миллий тилларнинг ҳар томонлама ва эркин ривожланиши учун керакли шарт-шароитларни яратиб беришни талаб қилди, буни Коммунистик партиянинг асосий вазифаларидан бири деб билди. Бу — В. И. Ленин томонидан Коммунистик партиянинг тил сиёсати соҳасида олға сурган *учинчи* принциpi эди. Бу ленинча қонда РСДРПнинг II съезди (1903) да қабул қилинган партиянинг биринчи Программасидаёқ ўз ифодасини топди. Биринчи Програма партиянинг вазифаларини белгилаб берар экан: «Россия социал-демократик ишчи партияси чор самодержавиесини ағдаришни ва унинг

¹ «ҚПСС резолюцияларда» I қисм, 391-бет.

² В. И. Ленин, Асарлар, 2-том, 91-бет.

³ В. И. Ленин, Асарлар, 20-том, 306-бет.

⁴ В. И. Ленин, Асарлар, 19-том, 365-бет.

⁵ «ҚПСС резолюцияларда», I-қисм, 391—392-бетлар.

ўрнига демократик республика барпо қилишни ўзининг энг яқин сиёсий вазифаси қилиб қўяди, бу республиканинг конституцияси қуйидагиларни таъмин этиши лозим... аҳолига ўз она тилида маълумот олиш ҳуқуқи берилсин, бунинг учун давлат ва маҳаллий бошқарма органлари ҳисобидан керакли миқдорда мактаблар қурилсин», деб қайд қилиб ўтди⁶.

Октябрь инқилобидан сўнгги даврда Коммунистик партия ана шу ленинча уч принцип асосида тил соҳасидаги сиёсатини олиб борди. Тилларнинг тенгҳуқуқлилиги принципи Совет ҳокимияти қилган биринчи декретлардаёқ ўз ифодасини топди. Халқ Комиссарлари Совети 1917 йил 2 ноябрда қабул қилган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси»да Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий принциплари эълон қилинди. Бу декларацияда мамлакатимиздаги барча халқларнинг тенглиги ва суверенлиги, барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларнинг бекор қилиниши, миллатлар ва этнографик гуруппаларнинг эркин ривожланиши ҳақида ниҳоятда аниқ фикрлар айтилган эди. РКП(б)нинг X съезди (1921) В. И. Ленин раҳбарлигида партияннинг навбатдаги вазифаларини аниқлар экан, ўз қарориди ўтмишда эзилган халқларга қуйидаги соҳаларда ёрдам кўрсатиш зарур эканлигини кўрсатиб ўтди: «а) ўз юртларида маҳаллий аҳолининг турмуши ва психологiasини биладиган ерли кишилардан тузилган ҳокимият органларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда; б) ўз юртларида она тилида матбуот, мактаб, театр, клуб ишларини ва умуман маданий-оқартиш муассасаларини ривожлантиришда; в) давлатни идора қилишнинг барча соҳаларида ва аввало маориф соҳасида ишлай оладиган малакали маҳаллий ишчи кадрларни ва совет-партия ходимларини тезда тайёрлаб етказиш учун она тилида... умумий ва профессионал-мактабларни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ривожлантиришда»⁷. Партияннинг X съездида қабул қилинган ана шу қарор миллий республикаларда ва ўлкаларда маданий қурилишни ва ижтимоий-сиёсий ишни кенгайтириб юбориш учун асос бўлди.

«Декларация...» ва бошқа ҳужжатларда эълон қилинган принципларнинг ҳаётга Коммунистик партия ва Совет ҳуқумати томонидан изчиллик билан татбиқ қилиниши натижасида, мамлакатимиз халқлари жадал суръатлар билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётнинг чўққиларини эгаллай бошладилар. 1922 йил декабрида Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР)нинг ташкил топиши, 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-маъмурий чегараланишнинг ўтказилиши, мамлакат бўйлаб индустриялаштириш ва коллективлаштириш сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши, барча миллий республи-

Бизларга, яъни онгли великорусс пролетарларига миллий ифтихор ҳисси ётми? Албатта, ёт эмас! Биз ўз тилимизни ва ўз ватанимизни севамиз, ундаги меҳнаткаш оммани (яъни унинг аҳолисининг 9/10 қисмини) демократлар ва социалистлардек онгли ҳаёт кечириб даражасига кўтариш учун ҳаммадан кўпроқ ишламоқдамиз.

Демократик давлат албатта турли тилларнинг тўла эркин бўлишини эътироф қилмоғи ва бирон тилнинг ҳар қандай имтиёзларини рад этмоғи керак. Демократик давлат ижтимоий ишларнинг бирор соҳасида ҳам, бирор бобида ҳам бирорта миллатнинг иккинчи миллат томонидан эзилишига, бўйсундирилишига йўл қўймайди.

В. И. Ленин

⁶ «КПСС резолюцияларда», I-қисм, Тошкент, 1955, 45—46-бетлар.

⁷ «КПСС резолюцияларда...», I-қисм, 632-бет.

каларда маданий инқилоб тўлқинининг барқ уриши натижасида миллий тиллар мисли кўрилмаган даражада ривожланди.

Ленинча миллий сиёсатнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида барча совет республикалари, шу жумладан Ўзбекистон ҳам ялпи саводхон республикага айланди. 1897 йил аҳоли рўйхати бўйича Ўзбекистон аҳолисининг 3,6 проценти ўқиш-ёзишни билган; ўзбеклар орасида эса саводдилар 2—2,5 процентдан ошмаган. Саводдилар салмоғи республикамизда 1926 йилда 11,6 проценти, 1939 йилда 78,7, 1959 йилда эса 98,1 проценти ташкил қилди. Шундай манзарани бошқа республикаларда ҳам кўриш мумкин. Бу эса миллий тилларни ривожлантиришнинг энг асосий заминларидан бири бўлди, чунки ҳар бир тилнинг ривожланиш суръатлари шу тилда сўзлашувчиларнинг саводлилиқ даражасига боғлиқдир. Миллат қанчалик саводли бўлса, унинг тилини ишлашда, бойитишда, сайқаллашда қатнашувчиларнинг сони ва салмоғи шунчалик кўп демакдир.

Ўзбекистонда 1914/1915 ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 171 та умум таълим мактаби ишлаб турган бўлса, Улуғ Ватан уруши олдида мактаблар сони 5,5 мингдан ошиб кетди. Ҳозирда эса республикамиздаги мактаблар сони етти мингга яқинлашди. Республикада ўқувчилар сони 1914 йилда 17,9 минг бўлган бўлса, 1924/1925 ўқув йилида 82,3 мингга, 1940/1941 ўқув йилида 1.368,9 мингга, 1969/70 ўқув йилида эса 2.974 мингга етди. Республикамиз аҳолисининг деярли 30 проценти у ёки бу тарзда ўқимоқда. Мамлакатимизда В. И. Ленин кўрсатмалари асосида миллий тилларнинг эркин ва ҳар томонлама ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитлар туғдирилганини миллий тилларда китоблар босиб чиқаришнинг ўсишидан ҳам билсак бўлади. 1913 йилда ўзбек тилида 33 номда 79 минг нусха китоб чоп этилган бўлса, 1968 йилда 870 номда 22,5 миллион нусха китоб босилиб чиқди, яъни ўзбек тилида нашр этилаётган китоблар сони 1913—1968 йиллар давомида 285 марта ошди⁸. Революциядан илгари Ўзбекистонда яккаю-ягона ўзбекча газета бўлган ҳолда, 1968 йилда ўзбек тилида 2,263 миллион тиражга эга 128 та газета чиқиб турди⁹.

Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. СССР халқлари ҳаётидаги бу туб ўзгаришлар миллий тилларнинг мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнашига, бойишига олиб келди. СССРдаги миллий тиллар совет халқларининг бақувват ва етук фикр алмашиш воситасига, уларнинг жипслашиш ва ривожланиш воситасига, ҳозирги замон фани, техникаси, ижтимоий фикри ютуқларини эгаллаб олиш воситасига айланди. Уларнинг луғат состави кенгайди, грамматик формалари тақомиллашди, ранг-баранг стиллар сайқалланди.

Ҳозирги ўзбек тили фан, техника, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданият ва бошқа соҳаларга тегишли минг-минглаб сўзларни Совет ҳокимияти йилларида бошқа тиллардан ва, биринчи навбатда, рус тилидан, рус тили орқали бошқа тиллардан қабул қилиб олди (*станок, агрегат, самолёт, сушилка, институт, партия, демократия, взнос, ручка, бульдозер, трактор* каби сўзлар). Ундан ташқари, ўзбек тили ўз ички сўз ясаш имкониятларидан фойдаланиб, кўп минглаб янги сўзларни юзага келтирди (*дарслик, қўлланма, кўрсатма, мусобақадош, томорқа, тенглама* ва бошқалар).

В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ҳамма вақт миллий тилларнинг тенглиги принципини ва мажбурий умумий тилни рад қилиш принципини изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бу эса СССР халқларининг бир-бирига бўл-

⁸ «Печать СССР в 1968 году», Статистические материалы, М., 1969, стр. 10.

⁹ Уша ерда, 188-бет.

ган ишончи, ўзаро дўстлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигининг янада тезроқ мустаққамланишига хизмат қилди, СССР миқёсида бутун халқларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнида тарихан зарур бўлган умум миллатлараро тил масаласининг аста-секин ҳал этилишига олиб келди. В. И. Ленин 1913 йилдаёқ бундай деб ёзган эди: «...бирор мамлакатнинг тилини, яъни муносабатларининг манфаатларига кўра кўпчиликнинг билиши *фойдали* бўлган тилни иқтисодий оборот эҳтиёжларининг ўзлари *белгилаб беради*. Турли миллат аҳолиси бу қондани қанчалик ихтиёрий равишда қабул қилса, у шунчалик мустаққам бўлади, демократизм қанчалик изчил бўлса, бу қонда шунчалик тезроқ ва кенгроқ амалга оширилади»¹⁰ В. И. Лениннинг ана шу сўзлари совет воқелигида тўла амалга ошди. СССРдаги барча халқларнинг ихтиёри билан уларнинг ўзаро фикр алмашиш воситаси сифатида рус тили ажралиб чиқди, чунки рус тили мамлакат аҳолисининг кўпчилиги, яъни деярли 60 проценти учун она тилидир. Ундан ташқари, рус тили украинлар ва белоруслар учун жуда яқин, тушунарли тилдир. Руслар, украинлар ва белоруслар Совет Иттифоқи аҳолисининг 76 процентдан ошигини ташкил қилади. Шунинг ҳам кўзда тутиш керакки, рус тилини мамлакатнинг бошқа халқлари ҳам ихтиёрий равишда ўргандилар ва ўрганмоқдалар. Рус тили — дўст халқнинг қоқоқликка, эксплуатацияга ва тенгсизликка қарши курашда ҳамма вақт олдинги қаторда борган халқнинг тилидир. Рус тили СССР халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги, ўзаро ёрдами ва ихтиёрий яқинлашиши ишига, уларнинг ижтимоий тараққиётнинг янги-дан-янги чўққиларини эгаллаш ишига хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам СССР халқлари рус тилини ўзларининг иккинчи она тиллари деб атайдилар ва уни ўрганадилар.

Кимки миллатларнинг ва тилларнинг тенг ҳуқуқчилигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қандай миллий зулмга ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмаса, ундай киши марксист эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас.

В. И. Ленин

¹⁰ В. И. Ленин, Асарлар, 19-том, 366-бет.

Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

ДОҲИЙНИНГ ШЕВА ҲАҚИДАГИ БИР МУЛОҲАЗАСИ

Буюк марксист назариётчи В. И. Лениннинг қатор асарлари бевосита миллий масала ва у билан боғли ҳолда тил масалаларига бағишланган бўлиб, улар бошқа ижтимоий фанлар қатори тилшуносликнинг ҳам методологик асосини белгилайди. Шу билан бирга доҳий асарларида билвосита учрайдиган тил ҳақидаги айрим фикр ва мулоҳазалар ҳам ўзининг мазмунан чуқурлиги, таълимий аҳамияти билан ижодий фикрлашга ундайди, тилнинг моҳиятини, ижтимоий вазифасини ва бошқа ўзига хос хусусиятларини тўғри англашга ва тўғри изоҳлашга ёрдам беради.

В. И. Ленин Россия иқтисодий воқелиги ва жаҳон капитализмининг тенденцияларини таққослаб шаҳар ва қишлоқда социал-иқтисодий антагонизм тобора кучайиб бораётганини кўрсатиб берган, жамиятнинг синфий структураси ўзгаришини ҳар томонлама анализ қилиб, пролетариатнинг реал иттифоқчиларини аниқлаб берган «Россияда капитализмининг тараққийси» деган йирик асарида жаҳон аграр капиталистик эволюциясининг асосий тенденцияларини, қишлоқнинг синфий табақаланиш жараёнини тадқиқ этар экан¹ ўтган асрнинг 90-йилларидаги рус қишлоқларидан бирининг шеваси ҳақида тўхталади. Бунда у капиталистик ишлаб чиқаришнинг кустар саноат техникасига, қўл меҳнатига асосланган формаси — мануфактурага хос бир территориядаги халқ сўзлашув тилининг характери кўрсатиш орқали капиталистик Россиядаги шеваларнинг умумий аҳволини ҳам кўз олдимизга келтиради. В. И. Ленин ёзади:

«Красное қишлоғида яшовчи аҳолининг алоҳида шевасини бунда кўрсатиб ўтиш муҳимдир; бу нарса мануфактурага хос бир территорияда ўралашиб ётишнинг характерли хусусиятидир. «Красное қишлоғида «фабрика»ларни *матройча тил билан поварная* деб атайдилар... матрой тили *офень* тилининг жуда кўп тармоқлари қаторига киради, бу тармоқлар ичида учтаси асосий тармоқлардир; туб *офень* тили, бу тил кўпинча Владимир губернасида ишлатилади, галивон тили — Кострома губернасида ишлатилади ва *матрой* тили Нижегород ва Владимир губерналарида ишлатилади» (Хунармандчилик комиссияси асарлари, V том, 465-бет). Фақат машиналашган йирик индустриягина ижтимоий алоқаларнинг маҳаллий доирадагина бўлишини батамом емириб ташлайди ва бу алоқалар ўрнига миллий (ҳамда интернационал) алоқаларни ўрнатади»².

¹ Қаранг: В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига (Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тезислари). «Совет Ўзбекистони», 23 декабрь 1969 йил.

² В. И. Ленин, Асарлар, 3-том, 413—414-бетлар.

Кўринадики, В. И. Ленин шевалар хусусияти, характери, территориал махдудлиги ва бунинг сабабларини кўрсатиб бериш билан бирга, ижтимоий алоқаларнинг кенгайиши туфайли тил фактларининг ягона миллий тил атрофига бирлашиши — уларнинг (шева ва диалектларнинг) умумий тақдирини ҳам белгилаб берди. Капитализм даврида халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини натижасида миллат ва миллий тилларнинг ташкил топиши билан маҳаллий диалект ва шеваларнинг тугаб бориши, аста-секин миллий тилга сингиб кетиши кузатилсада, лекин халқлар ўртасида иқтисодий ҳаёт бирлигининг тўла ташкил топмагани ва айрим территориялар ўртасида ижтимоий алоқаларнинг йўқлиги, айрим ҳолларда бу муносабатларнинг жуда заифлиги, В. И. Ленин кўрсатганидек «бир территорияда ўралашиб ётиш», «ижтимоий алоқаларнинг маҳаллий доирадагина бўлиши» шева ва диалектларнинг текислаша бориши (невилировкаси)га тўққинлик қилар эди. Яна шуни айтиш керакки, капитализм даврида жамиятнинг барча аъзолари миллатнинг ҳамма фаолият доирасига бир хил тортилмайди, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқ сақланган бўлади. Шу сабабли миллий тил миллат масштабда одамлар фаолиятининг барча соҳаларига тўлиқ кириб бормайди. Шунинг учун бу даврда маҳаллий диалектлар сақланади. Чунки улар маълум социал-иқтисодий шароитда территория жиҳатидан чекланган бўлсада, халқ оммасига хизмат қилади. Маҳаллий диалектлар ўзларининг грамматик қурилиши ва асосий сўз фондига эга. Лекин бундан қардош диалектлар ҳам бир-бирларидан ўзларининг грамматик қурилиши ва асосий лугат фондига кўра тубдан фарқ қилади деган хулоса келиб чиқмайди. Қардош диалектлар ўзлари мансуб бўлган тилнинг асосий хусусиятларини сақлаган ҳолда, айрим ўзига хос хусусиятлари билангина фарқланадилар. Бу фарқлар айрим тарихий шароитда ортиши, айрим тарихий шароитда эса, аксинча, секин-аста текислашиб, тугаб кетиши мумкин.

Капитализм даврида тилда янги диалектал бўлинишлар содир бўлмайди. Аксинча, миллий тилнинг ишланган адабий формаси шева ва диалектларнинг ўзига хос хусусиятларини заифлаштириб, қишлоқ аҳолиси учун ҳам умумий бўла боради. Лекин бу даврда асрлар мобайнида яратилган, айрим территорияга хос тил хусусиятларининг ўта турғунлиги, капитализмга хос қарама-қаршилик, капиталистик тараққиётнинг нотекислиги туфайли шеваларнинг текислаша бориш процесси ҳам нотекис бўлади ва жуда секин амалга ошади.

Социалистик даврда миллат ва миллий тилларнинг ўзига хос тараққиёти билан боғли ҳолда шева ва диалектларнинг тугала бориши жуда тезлашади.

Маълумки, социализм даврида ҳам тилда эски диалектал фарқ маълум даражада сезилиб турсада, бу фарқлар социалистик миллий тил нормаларининг кучли таъсирига учрайди, ўз мустақиллигини йўқота боради ва нормалашган нутққа яқинлаша боради.

В. И. Ленин кўрсатганидек, тилнинг маҳаллий доирадан чиқиб, мил-

Тургенев, Толстой, Добролюбов, Чернишевский тили — улуғ ва қудратли тил. Қайси миллатдан бўлишига қарамай, Россиядаги барча миллатларнинг мазлум синфлари ўртасида мумкин қадар мустақкам алоқа ва биродарона бирлик ўрнатилишини хоҳлаймиз. Шунинг учун ҳам биз Россиядаги ҳар бир кишининг улуғ рус тилини билиш имкониятига эга бўлишига тарафдоримиз, албатта.

Биз фақат биргина нарсани: мажбурийлик элементи бўлишини хоҳламаймиз.

В. И. Ленин

лий тил даражасига кўтарилишида социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий факторларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлигида социалистик қурилиш соҳасида жуда қисқа тарихий муддат ичида улкан галабаларга эришдик. Ишлаб чиқариш кучларининг тўғри ва текис жойлаштирилиши асосида бутун мамлакатни индустриялаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш халқларимизни иқтисодий ва маданий қолоқликдан қутқариб, социализмнинг порлоқ йўлига олиб кирди. Бу ҳол диалектал фарқланишнинг тугала боришига зарурий шарт ва шароитлар яратди. Шунингдек, дунёда энг илгор техника асосида мамлакатни социалистик индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутни, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат орасидаги фарқни йўқотишга олиб келди. Бу ҳол ўз навбатида оғзаки нутқни миллий тилнинг ёзув формасига (адабий тилга) яқинлашувига, шаҳар ва қишлоқ шевалари орасидаги фарқни ҳам, асосан, тугатишга олиб келди.

В. И. Лениннинг шеваларнинг тақдири ҳақидаги мулоҳазаларини ўзбек шеваларига ҳам татбиқ этмоқ мумкин.

Маълумки, ўзбек халқи бошқа Ўрта Осиё республикалари халқлари қатори Улуғ Октябрь революцияси туфайли капитализмни четлаб, феодализмдан социалистик тузумга ўтди. Шунинг учун ўзбек тили составида, асосан, феодализмнинг маҳсули бўлган территориал диалект ва шевалар ҳозир ҳам сақланганига қарамай, социалистик давр, ўзбек диалектларининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлашиши, уларнинг ягона миллий тилга айланишини тезлаштирди.

Утмишда ўзбек шеваларининг бирлашишига территориал тарқоқлик (амирлик ва хонликларнинг мавжудлиги) ва аҳолининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан умумий қолоқлиги тўсқинлик қиларди.

Ўзбек халқи ўртасида ҳам юқорида айтилганидек, иқтисодий ҳаёт бирлигининг тўла ташкил бўлмаганлиги ва айрим территориялар ўртасидаги муносабатларнинг йўқлиги, айрим ҳолларда эса, жуда заифлиги оқибатида диалектларнинг бирлашиши, қўшилиб кетиши мумкин эмас эди. Баъзан учраб қоладиган районлараро муносабатлар айрим территорияларарогина бўлиб, фақат қисман унификация характериغا эга бўлар эди. Яъни тил фактларининг текислашиб бориши ўзбек тилида сўзлашувчи халқ яшайдиган территориянинг ҳаммасига тарқалмай, балки яқин қўшни территориялардагина, уларнинг ўзаро қисман муносабатлари натижасидагина содир бўларди.

Бу процесс бизнинг социалистик давримизда бошқача тус олди. Ҳозир диалектал хусусиятларнинг ўча бориш — текислашиб бориш процесси миллий тилнинг адабий формаси бутун ўзбеклар яшайдиган территорияда кенг тарқалиши натижасида рўй бермоқда.

Бу адабий тил нормаларининг шеваларда мустаҳкамланишини мактаб, вақтли матбуот, радио, телевидения каби воситалар янада тезлаштирмоқда.

Ниҳоят, шунинг айтиши лозимки, В. И. Ленин ижтимоий алоқаларнинг территориал доирадан чиқиб умуммиллий тус олишини, шунга боғлиқ ҳолда шеваларнинг йўқола боришини вужудга келтирувчи омилларни башорат қилган эди.

Дарҳақиқат, тил тараққиётининг ҳозирги босқичи В. И. Ленин башоратини тўла тасдиқлаб турибди.

С. ИБРОҲИМОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЁЗУВИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Собиқ чор Россиясида яшовчи мазлум халқлар Октябрь ревлюцияси туфайли сиёсий озодликка чиққандан сўнггина уларга илм-маърифат ва маданиятни юксалтиришнинг кенг йўли очилди. Ленин партияси ва Совет ҳукумати бу халқларни ёппасига саводли қилиш, уларни давлат, маданий-маориф, савдо ва бошқа ишларга тортиш вазифасини майдонга қўйди. Бу улғувор вазифани бажариш эса ёзув маданиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ эди.

Октябрга қадар рус ёзуви ҳам, бошқа кўпгина халқларнинг ёзувлари ҳам анча мураккаб бўлиб, маданий инқилобни амалга ошириш талабларига етарли жавоб бера олмас эди. Шу сабабли ёзувлари мураккаб бўлган халқларнинг ёзувларини енгиллатиш, ёзувга ҳали эга бўлмаган халқларни ёзувга эга қилиш Коммунистик партия, Совет ҳукумати ва шахсан В. И. Ленин томонидан қўйилган асосий вазифалардан эди.

Октябрь инқилобининг дастлабки йилларидаёқ В. И. Лениннинг ташаббуси билан даставвал, рус халқининг алифбо ва имло қоидалари қайта кўриб чиқилди, ёзувда ва таълим-тарбияда қийинчиликларга сабаб бўлиб келаётган *ѣ* (ятъ), *і*, *ѣ* унли ҳарфлари ва *Ѳ* (фета) ундош ҳарфи алифбодан олиб ташланди, булар *и*, *е*, *ф* билан ёзиладиган бўлди. Имло қоидаларига ҳам айрим ўзгаришлар, аниқликлар киритилди.

Октябрдан илгари *издание*, *деятельность*, *Афанасьев* тарзида ёзилаётган сўзлар *издание*, *деятельность*, *Афанасьев* шаклларида ёзиладиган бўлди. *Нѣмая* тарзида ёзилиб келаётган сўз эса эндиликда *немая* тарзида ёзила бошлади. «Родительный падеж» қўшимчаси *-аго* (яго) ўрнига *-ого* (*его*) формаси қабул қилинди. *Некоторыя* шаклида ёзилаётган сўз *некоторые* деб, *большею* тарзида ёзилаётган сўз эса *большей* шаклида ёзиладиган бўлди. *Яго* олмоши *его* шаклини олди. Сўз таркибида икки *с* ёнма-ён келган ўринларда *зс* (*разсыпчивость*) тарзида ёзилаётган товушлар *сс* (*рассыпчивость*) шаклида ёзила бошлади. Йўғон ундош билан туговчи сўзларни ёзганда охирига *ѣ* («қаттиқлик белгиси») қўйиб (*стол эмас, столъ*) ёзилар эди.

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 18 октябрда чиқарган қарори билан ўша эски қоидалар бекор қилинди. Натижада рус ёзуви анча енгиллашиб, меҳнаткаш халқнинг савод чиқариши ва илм олиши анча осонлашди.

Ёзув ислоҳотида рус халқи эришган бундай муваффақият таъсирида ўша даврда РСФСР таркибига кирган туркий халқлар ҳам ўз алифболарини ислоҳ қилиб, маданий инқилобга эришиш ва унинг самаларидан баҳраманд бўлиш учун ўзларига кенг йўл ва имконият топдилар.

Маълумки, туркий халқлар, жумладан ўзбеклар Октябрга қадар эски араб алифбосига асосланган ёзувдан фойдаланиб келдилар. Бу ёзув дунёнинг энг қадимий график шаклларида бўлишига қарамай, амалий ёзув, адабий талаффуз ва савод чиқариш учун унинг гоят қийин ва ноқулай томонлари бор эди. Улар қуйидагилардан иборат:

1). Араб графикасига асосланган эски ўзбек алифбосидаги ҳарфий шакллар ўзбек тилининг фонемаларини, жумладан унли фонемаларни етарли акс эттирмас эди.

2). Бу алифбода унли ва ундош фонемаларнинг белгилари кўп ҳолатда кескин фарқ этилмасди. Масалан, ك (к) ва ر (р) ҳарфларининг бирикмаси бўлмиш كر ни бир неча хил ўқиш мумкин (*кар, гар, кир, гир, кур*).

3). Араб ёзувидаги ҳар бир ҳарф сўзнинг бошида, ўртасида, охирида ва ёлғиз ҳолда келганда шаклан бир-бирдан фарқли ёзилади. Шу равишда, алифбода жами 124 та ҳарфий белги бор бўлиб, буларни ёзиб машқ қилиш, ёдлаш, босмаҳоналарда ҳарф кассаларига ва ёзув машиналарига сиғдириш жуда қийин ва ноқулай эди.

4) Бу алифбода фақат араб тилигагина хос бўлган ع ط طض ص ذ ح ث ҳарфлари ҳам бор эди. Ўзбеклар буларни араблардек талаффуз этолмас ва ўрганишда азоб чекардилар.

5). Араб графикасига асосланган ёзув системасида имло ҳам оғир эди.

Табий, бундай алифбо ва ёзув туркий халқларнинг, жумладан ўзбекларнинг олдида турган маданий инқилобни жадал амалга оширишга халақит бериши аниқ эди. Шу сабабли, туркий халқлар 1920 йилдан эътиборан ўз ёзувларини тузатишга киришдилар.

Ўзбек ёзувини такомиллаш қуйидаги уч этапни бошдан кечирди:

1. Араб алифбосини айрим ўзгаришлар киритиб такомиллаштириш (1919—1923 йиллар).

2. Араб графикаси асосидаги ўзбек алифбосини латин графикаси асосидаги янги алифбо билан алмаштириш (1929—1934 йиллар).

3. Латин графикаси асосидаги ўзбек алифбосини рус графикаси асосидаги янги алифбо билан алмаштириш (1938—1940 йиллар).

Биринчи этапда 1919 йили бир туркум зиёлилар арабча алифбога ва унга асосланган имлога ўзгаришлар киритишни талаб қилиб майдонга чиққан эдилар. Уша вақтда собиқ Туркистон республикасининг турли шаҳарларидаги ўзбек зиёлилари орасида бу масалага қарашлар турлича эди. Бир туркум зиёлилар араб алифбосига мутлақо қўл урмасликни талаб қилдилар. Улар «эски имлочилар» деган номни олдилар. Иккинчи бир туркумлари араб имлосига анчагина ўзгариш киритиш, шу жумладан араб тилининг специфик товушларини ифодаловчи ҳарфларни алифбодан чиқариб юборишни ва имло қоидаларини ҳам бирмунча ўзгаришни талаб этдилар. Улар «янги имлочилар» деган номни олган эдилар. Учинчи туркум зиёлилар алифбога кирмай қолган ўзбек тили фонемаларига ҳарфлар олишга тарафдор бўлсалар-да, араб тилининг специфик товушларига хос бўлган ҳарфларга тегмаслик тарафдори бўлиб, «ўрта имлочилар» деган номни олдилар. Булардан ташқари, латин алифбосига кўчишни талаб этувчилар ҳам бор эди. Улар «латинчилар» деб номланар эди. Латинчилардан бизга маълумлари шoir Боту ва адабиётшунос Сайид али Усмонийлар эди. Ўзбек алифбоси ва имлосини тузатиш, уларни белгили қоидаларга киритиш ҳаракатининг маркази Тошкент эди. «Янги имлочилар» ҳаракатининг бошида Фитрат бошлиқ «Чинғатой гурунги» аъзолари турар эди.

Уша вақт матбуотида ёзилганларга қараб фикр юритганда, араб

графикаси асосидаги ўзбек алифбосига тузатишлар киритиш ишларини тезлатиш масаласи, қишлоқ ва шаҳарларда очилган янги совет мактаблари ва саводсизликни битириш курсларида ўқиш ва ўқитиш ишларида юз берган қийинчиликлар натижасида келиб чиққан.

Шу сабабли ўша йилларда алифбо ва имло масалаларига бағишлаб бир неча бор қурултой қақирилган эди. Чунончи, 1921 йилнинг январиди Тошкентда қақирилган Биринчи ўлка ўзбек тил ва имло қурултойи алифбо ва имло ҳақиди Абдурауф Фитратнинг докладыни тинглаб, қарор чиқарган. Бу қарорга кўра:

а) унли ва ундош фонемалар учун айрим-айрим ҳарфлар қабул қилинган; б) 6 та унли (ا, ە, و, ي, ئ, ؤ) ва 23 та ундош (ئ ب پ ت ج چ خ ڈ د ر ز س ش ق ك گ گ ل ن م و ه ف ع ظ ط ض ص ذ ح ث) товушларнинг ҳарфий белгиларини олиш; в) ҳамма ҳарфларнинг тўрт шаклидан бирини (бошда келадигани) гина алифбога асос қилиб олиш ва г) алифбодан ف ع ظ ط ض ص ذ ح ث ҳарфлари олиб ташлашга қарор қилинган.

Аммо масала бу қарор билан қатъий ҳал бўлмади, муҳокама яна давом этади. Оқибатда 1923 йили 3—9 октябрда Бухорода Урта Осиё ўзбекларининг тил ва имло конференцияси бўлиб ўтади. Конференция араб графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси ҳақиди 1921 йили Тошкент тил ва имло қурултойи қарорини асосга олади ва унга (ф) ҳарфини ҳам киритади. Туркистон жумҳурияти Маориф комиссарлигининг 1923 йили 18 октябрда чиқарган 48-сонли буйруғи билан бу конференция қарори кучга киради.

Бу қарорда ўзбек алифбосидаги ҳарфлар қуйидагилар экани кўрсатилган:

Ундошлар: ئ, ب, پ, ت, ج, چ, خ, د, ر, ز, س, ش, غ, ف, ق, گ, ك, ل, ي, ه, و, ن, م,

Унлилар: ا, ە, و, ي, ئ, ؤ. Булардан ي нинг ост нуқтаси

ташланиб, د (تليدهن — эмас — تليدهن) шаклида ёзилажаги айтилган.

Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувиги киритилган бу ислоҳ ўша вақтда ўзбек маданиятидаги зўр тарихий силжиш эди. Ёзувимизга киритилган бу ислоҳ маданий инқилоб жараёнини бирмунча тезлатиш, савод чиқариш ва мактабларда таълим усулининг анча энгиллашувиги боис бўлди.

Улуғ Октябрдан сўнг Ленин партияси ва Совет ҳукумати яратган моддий ва маънавий ёрдам орқасида ўзбеклар экономика, маориф ва маданият соҳаларида йилдан-йилга ривожлана борди. Улар фан ва маданиятнинг юқориқоқ поғоналарига кўтарилиши лозим эди. Бу ҳол ўзбек миллий ёзувини яна ҳам такомиллаштиришни талаб этар эди.

Шу сабабли 1926 йилнинг январиди Бокуда қақирилган Биринчи Туркологик қурултой СССРда яшовчи туркий халқлар араб графикаси асосидаги ёзувдан латин графикаси асосидаги янги алифбога кўчишлари керак деб қарор чиқарди. Ўзбекистон ҳукумати қошида араб графикаси асосидаги ўзбек алифбосини латинлаштириш тadbирлари билан шуғулланиш учун Йўлдош Охунбобоев ранслигида Марказий янги алифбо комитети тузилиб, унга латин алифбосига кўчиш билан боғлиқ

Халқ билан латинча сўзлашмасдан, содда ва тушунарли қилиб гаплашиш керак.

В. И. Ленин

бўлган ташкилий, илмий-методик ишларни бошқариш вазифаси юкланади. Комитет ўз атрофига тилшунос ва бошқа мутахассисларни уюштириб, бу ишларни яхши ташкил этди. Лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси ва янги имло қондалари лойиҳалари тузилиб, кенг омма муҳокамасига қўйилди. 1929 йил май ойида Самарқандда чақирилган Ўзбекистон имло ва терминология конференцияси янги алифбо лойиҳасини ва бу лойиҳа юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар якунини қараб чиқиб лотин графикаси асосидаги, 24 та ундош ва 9 та унли ҳарфдан иборат қуйидаги ўзбек алифбосини тасдиқлади: А, В, С, Ҷ, D, Ё, Э, F, G, H, J, Ii, Jj, K, L, M, Nn, Nп, O, Ө, P, Q, R, S, Ҷ, T, u, V, x, Y, Z, Ъ.

Конференция ўзбек адабий тилини сингармонизмли шеваларга асослашни зарур топганидан алифбодаги унли ҳарфлар 9 та белгиланган эди. Бу ҳол сўз ва сўз бирикмаларини ёзишда сингармонизм қонунига риоя этишни, турловчи ва тусловчи аффиксларни икки шаклда (йўғон ва ингичка) ёзишни тақозо этарди. Бунинг устига «ҳар бўғинда бир унли ёзилиши шарт»лиги қондаси совет-интернационал, арабча, тожикча-форсча сўзларга ҳам татбиқ этилиши лозим топилган эди. Шулар натижасида адабий талаффузда ва имлода турлилик пайдо бўлди, бошбошдоқлик келиб чиқди. Натижада 1934 йили январда Тошкентда қайтадан Имло қурултойи чақирилиб, алифбо ва имло қондалари бошқатдан кўрилди, уларга бир қанча ўзгаришлар киритилди. Энди ўзбек алифбосидаги унли ҳарфлар асосан 5 та (*a, e, i, o, u*)га келди. э ҳарфи сўзнинг маъноси бузиладиган ўринлардагина ёзиладиган бўлди. Имло қондаларига ҳам анча ўзгаришлар киритилди¹. Чунончи, совет-интернационал сўзларнинг бош бўғини русчадагидек (икки-уч ундош орасига унли ҳарф қўймай) ёзиладиган бўлди. Бу қурултойнинг қарори билан имлодаги чалкашликлар бирмунча тартибга тушса-да, унли ҳарфлар камайтирилиб 5 тага келтирилиши орқасида адабий талаффузда ва ёзувда янги қийинчиликлар келиб чиқди. Шу сабабли алифбо ва имло қондаларини яна қайтадан кўриб, такомиллаш зарурлиги маълум бўлиб қолди.

Худди мана шу даврда (1938—1939 йилларда) туркий халқлар яшовчи республикаларда лотинча алифбодан рус графикаси асосидаги янги алифбога кўчиш истаклари пайдо бўлади. Чунки бу нарс аилгор рус фани ва маданиятидан баракалироқ баҳраманд бўлишга, СССРдаги барча халқлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг тағин ҳам мустаҳкамланишига имкон берар эди. Шунинг учун ҳам 1939 йили лотин графикаси асосидаги ўзбек алифбосини рус графикасига кўчириш учун проф. Т. Н. Қори Ниёзий раислигида ҳукумат комиссияси ва Маориф министрлиги коллегияси ҳузурида Илмий-методик комиссия тузилди². Рус графикаси асосидаги янги алифбо ва имло қондалари лойиҳалари тузилиб, кенг муҳокамага қўйилди.

ЎзССР Олий Совети ўзининг 1940 йил 8 майдаги сессиясида: «ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алфавитдан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алфавитига кўчириш ҳақида қонун» қабул қилди. Олий Совет сессияси тасдиқлаган янги ўзбек алифбоси қуйидагича эди: А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З, И, Й, К, Л, М, Н, О, П, Р, С, Т, У, Ф, Х, Ц, Ч, Ш, Ъ, Ы, Э, Ю, Я, Ҷ, Ҳ, апостроф (,).

Рус графикаси асосидаги бу янги алифбо ўзбек адабий тилининг талаффуз нормаларини ҳисобга олиб тузилгани сабабли янги имло

¹ Бу қурултойнинг қарорини ЎзССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1934 йил 13 мартдаги фармони билан тасдиқлаган.

² Бу сатрларнинг муаллифи ҳам ўша илмий-методик комиссиянинг аъзоларидан бири эди.

қоидаларининг асосларини яратишни осонлаштирди. Бу алифбога асосланган имло қоидалари эса олдингиларга нисбатан анча мукаммал қоидалар эди.

Шу равишда, буюк доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаётлигида унинг раҳбарлиги билан рус ёзувининг бирмунча ислоҳ этилиши таъсирида барча туркий халқларнинг ёзувлари каби ўзбек миллий ёзуви ҳам ислоҳ этилиб, ҳозирги ҳолига келди.

Рус графикаси асосидаги ҳозирги алифбомиз ўзбек маданиятининг ривожини учун муваффақиятли хизмат этиб келмоқда. Аммо бу алифбо қабул этилган 1940 йилдан бери ўтган давр ичида республикамызда фан, маданият ва маориф соҳалари анча кенгайди, ривожланди. Ўзбек адабий тили тараққий этди, айниқса унинг луғат таркиби ўсди, янгидан-янги илмий-фанний ва техникавий терминлар бойиди. Натижада адабий талаффузнинг ёзувга таъсири кучайиб, сўз, термин ва ибораларнинг талаффуз нормаларида янги ҳодисалар пайдо бўлмоқда. Бунинг устига фан ва маданиятнинг, шу жумладан педагогиканинг умумий ривожини тил ва ёзувнинг олдида янги талаблар қўймоқда. Ана шу ҳолатлар натижасида алифбо ва имло қоидаларимизда айрим камчиликлар борлиги тобора яққолроқ бўлиб қолмоқда. Эндиликда алифбомиздаги айрим камчиликларни тузатиб, уни ткомиллаб олиш, имло қоидаларимиздаги ноаниқликларни бартараф этиш, қоидалар тўпламини янги қоидалар билан мукаммаллаш, шу йўл билан алифбони ҳам, имло қоидаларини ҳам барқарор ва пухта қилиш тараққиётимизнинг қонуний талабидир.

Уртоқлар, сўзлар тўғрисидагина эмас, балки уларнинг мазмуни тўғрисида ҳам ўйлаш керак-ку ахир...

Сўзларни ҳар хил рангга бўйаш билан, албатта, фақат аҳмоқларни меҳмон қилиш ёки алдаш мумкин.

В. И. Ленин

ИЛМИЙ АХБОРОТ

МИЛЛИЙ АДАБИЁТЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ

Социализм шароитида ўзаро миллий бадний таъсирнинг асосида нима ётади? «Социализм даврида,— дейди В. И. Ленин «Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги дискуссиянинг якунлари» номли асарига,— меҳнаткашлар оммасининг ўзи, ... соф иқтисодий сабабларга кўра, ҳеч бир ерда бекинишга рози бўлмайди, сиёсий формаларнинг хилма-хиллиги, давлатдан ажралиб чиқиш эрки, давлат қурилиши тажрибаси — ана шуларнинг ҳаммаси, умуман ҳар қандай давлат ўлмагунча. — бой ва маданий турмушнинг асоси бўлади, миллатларнинг ихтиёрий равишда бир-бирига яқинлашув ва бир-бири билан бирикув процессини тезлаштириш гарови бўлади»¹. Башарти миллий маданий таъсирнинг социализм бағрида ўз ҳаётий объектив асоси мавжуд экан ва бу асос барқарор ҳамда равноқдор социал куч сифатида юксалар экан, демак, бу ўринда гап ўткинчи ёки тасодифий ҳодисалар ҳақида эмас, балки умумий ижтимоий қонун тўғрисида бормоқда. «Миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири, — деб таъкидлайди Ш. Рашидов, — ва бир-бирини бойитиши, унинг интернационал негизининг мустақкамланиши ижтимоий ҳаётимизнинг қонуни бўлиб, миллий масаладаги худди ўша бир-бирини тақозо қиладиган прогрессив тенденциялардан келиб чиқади»². Миллий бадний таъсир миллий маданий таъсирнинг таркибий томони бўлгани учун бу фикр социалистик миллатлар бадний маданиятларининг ривожланиш хусусиятларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Маълумки, социалистик миллатлар адабиётларининг ҳозирги ривожида икки ўзаро боғлиқ тенденция бор: у ҳам бўлса, қардош халқлар миллий санъатларининг гуллаб-яшнаши ва уларнинг ўзаро таъсири ҳамда яқинлашувидир. Иттифоқимиз миқёсида бу муаммони ўрганишга доир айрим тадқиқотлар эълон қилинди: «Миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири (шу муаммо бўйича СССР Фанлар академиясининг А. М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институтида 1960 йил 11—15 январда ўтказилган мунозара материаллари)» (1960), И. Г. Неупокоевнинг «Ҳозирги адабиётларнинг ўзаро таъсири муаммолари» китоби (1963), Г. Ломидзенинг «Янгилик қидириб» номли китобининг (1963) тегишли боби шулар жумласидандир.

Социалистик миллатлар адабиётларининг ўзаро таъсири ва яқинлашувни социалистик реализм методи тараққийсида жуда катта ҳаётий омилдир. Бу ҳаётий омил ўзлигини сақлаши ва барқарор бўлиши учун халқ ҳаёти, халқ тарихи, халқ маданияти ва анъаналарига таяниши ўз миллий тупроғидан униб чиқиши ва ундан чуқур илдиз отиши зарур. Машҳур шоир Расул Гамзатов бу фикрни жуда чиройли ифодалаган: у

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 22-том, 377-бет.

² Ш. Рашидов, Дўстлик байроғи, Тошкент, Ўздавнашр, 1967, 139-бет.

ўзининг «Доғистоним» номли ажойиб асарида ёзади: «... мен бир нарсани биламан: адабиёт ўз оталарининг таомлари билан овқатланмай қўйган тақдирда, чет элнинг ўзга нозик овқатларига ўтган тақдирда, ўз халқининг феъл-атвори ва одатлари, тили ва характерни алиштирган, уларга хиёнат қилган тақдирда заифлашади ва заволга юз тутади: бу ҳолда ҳеч қандай дори унга ёрдам беролмайди»³.

СССР халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири янги хилдаги ўзаро таъсирда: у социалистик ижтимоий ҳаёт, сиёсий тузум ва коммунистик мафкура томонидан белгиланади. Бизда миллий бадний таъсир барча миллатлар ва санъатларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги ва тўла эркинлиги асосида, янги кенг демократик асосда амалга ошишига ҳамма имкониятлар бор. Буюк рус ёзувчиси Максим Горькийнинг таъбири билан айтганда: «Партия ва ҳукумат биздан бир-биримизга қўмондонлик қилиш ҳуқуқини тортиб олиб, бир-биримизга ўргатиш ҳуқуқини берди.

Ўргатиш — ўзаро таъриба алмашиш демакдир. Фақат шугина ва бундан ошиқ ҳеч нима эмас»⁴.

Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири муаммосини тадқиқ этганда мазкур масаланинг тарихини унутиш ярамайди. Агар тадқиқотда миллий бадний таъсир тарихи унутиладиган бўлса, бу нарса муқаррар тарзда илмий ва сиёсий хатоларга йўл очади. Хусусан, биз учун Осиёда ҳамма халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқлари, шунингдек эрон, араб, афғон, уйғур, ҳинд, хитой ва бошқа халқлар адабиётларининг Октябрь инқилобигача бўлган ўзаро таъсири билан Октябрдан кейинги даврни фарқлаш жуда муҳимдир. Миллий адабиётлар ўзаро таъсирининг ўтмиш тарихини тадқиқ этганда, ленинизмнинг антогонистик синфий жамиятдаги ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият борлиги тўғрисидаги қондасини изчил татбиқ этиш зарур. Масалага бошқача ёндошиш турлича нотўғри хулосаларга олиб боради. Чунончи, М. Қози-жонов Рудакий даври ва бу даврдаги ҳар бир халқнинг икки миллий маданияти тўғрисида гапира туриб, нонзчилликка йўл қўяди: натижада ўша вақтдаги диний-идеалистик маданият асосан арабларга мансуб бўлиб, тожик маданияти эса чинакам халқчил маданият эканлигини эътироф этади⁵. Бунда бирданига икки нарса: ўшанда арабларнинг илғор маданияти ҳам бўлганлиги ва форс-тожикларнинг қай хилда бўлмасин, реакцион маданияти ҳам бўлганлиги унутилади. Ваҳолонки, араб фольклори ва илғор араб адабиёти ўзбек адабиётига ҳам, тожик адабиётига ҳам баракали таъсир этгани кўпчиликка маълум. Айтайлик, Алишер Навоий ижодига «Қуръон» даги афсоналар, араб эротик романи, форс лирик шеърини сезиларли таъсир этган⁶. Навоий шеърини соҳасида гениал озарбойжон шоири Низомийни ва форсида қалам тебратган Хисрав Деҳлавийни ўз устозлари деб билди. Ўз навбатида улўф озар шоири Фузулий Алишер Навоийни ўзига устоз деб билди ва ўз она тилида ўлмас асарлар яратди. Амир Темур саройидаги шоҳона тўйларда эса арабча, форсча, хитойча, туркча, мўғулча қўшиқ ва ўйинлар ижро этилиб келди⁷.

Шарқ ва Ғарб халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири Октябрь инқилобидан анча илгари бошланган бўлибгина қолмай, жуда узоқ тарихга ҳам эга. Масалан, Н. Я. Марр XVIII асрнинг биринчи ярмида

³ Расул Гамзатов, Мой Дагестан, Роман-газета. Изд-во «Художественная литература», М., 1968, стр. 92.

⁴ М. Горький, О литературе, ГИХЛ, М., 1961, стр. 446.

⁵ «Ўзбекистон маданияти», 1958 йил 28 июнь.

⁶ М. Т. Айбек, А. Дейч, Мир идей Алишера Навои. Сб. «Великий узбекский поэт», Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1948, стр. 119.

⁷ Ибрагим Муминов, Роль и место Амира Тимура в истории Средней Азии, Изд-во «Фан», Ташкент, 1968, стр. 11.

ижод этган грузин шоири Нодар Нарсаданисдзеининг назмда Навоий тенгсиз эди, деган фикрига асосланиб, қайд этади, «...уйғониш даврида грузинлар форс адабиётининг намуналари билан бирга айни чоқда турк адабиёти олтин даврининг энг яхши шоири Шер — Навоийни ҳам билганлар⁸.» Худди шунингдек, Ҳофиз ғазалиётининг Пушкин, масалан, «Мафтуна бўлма ҳақоратли шуҳратга», — «Не пленяйся бранной славой» шеърига Гёте («Ҳофиз китоби» ҳамда «Ғарбий-шарқий девон»ига), А. Фет (Ҳофиздан қилинган таржималарига) каби шоирлар ижодига сезиларли таъсир этганлиги ҳам маълум нарса⁹. Лекин ана шуларга қарамай, ҳозир шундай кишилар ҳам борки, улар ҳатто Октябрь инқилобидан кейинги даврда ҳам мамлакатимиз халқларининг, айтайлик, ўзбеклар билан русларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари ва таъсирларида қандайдир «бир томонламалик» бўлганлигини ўз китобларида кенг китобхонлар оmmasига тушунтиришдан уялмайдилар¹⁰. Бу хил кишилар ўз шахсий қобилияти ва қарашларидаги ҳақиқий бир томонламаликни совет халқлари маданияти ва адабиётининг ўзаро таъсирига ҳам тўнкамоқчи бўладилар.

Иттифоқимизда миллий бадий таъсир жараёнини тадқиқ этишда рус ва бошқа қардош халқлар, жумладан рус ва ўзбек халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири масаласи катта эътиборга лойиқдир. Бу масалани ўрганганда ҳам икки тарихий даврни: Октябрь инқилобигача ва ундан кейинги даврни, албатта, назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Рус ва ўзбек адабиётининг ўзаро таъсири масаласида бир-бирини истисно этувчи икки хил қўпол хатога дуч келамиз: бир хил тадқиқотчилар ўз миллий адабиётлари ривожининг бош асосий манбаи рус адабиётидир, деб ишонтирмақчи бўладилар: иккинчи хил ўртоқлар эса рус адабиёти ўзбек адабиёти ривожига баракали таъсир этганини инкор этишга уринадилар¹¹.

Бу ҳар икки хато миллий бадий таъсир масаласига тарихан ёндошмаслик, яъни тарихга зидлик туфайли туғилган бўлиб, ўта зарарлидир. Иззат Султонов бир илмий ишни танқид қилганда, худди шуни назарда тутиб: гарчанд Гоголнинг кимлигини Муқимий билмаган бўлса-да, танқидланган олим «Муқимий Гоголдан ўрганган» дейди¹². Г. Ломидзе Л. Н. Ульрихнинг сохта фикрларини рад этганда ҳам худди шуни назарда тутди: Ульрих миллий бадий таъсир бўлмаган жойларда ҳам Ҳамза ижодига Горькийнинг таъсири «бўлганлиги» ҳақида гап юритади¹³.

Бу муҳокамалардан кўриниб турибдики, турли халқлар адабиётларининг ўзаро таъсири ҳам, бу таъсирни фанда илмий тадқиқ этиш ҳам ўз конкрет объектив тарихига эга: тадқиқотчи ҳозирги замон санъати ривожига, хусусан социалистик миллатлар санъати тараққийсидаги икки объектив тенденцияни ўрганар экан, бу тарихни четлаб ўтолмайди. Турли халқлар адабиётларининг ҳозирги ўзаро таъсири яқинлашуви ниҳоятда кўп қирралилиги, кенг миқёслилиги, алоҳида мураккаблиги билан характерланади.

Коммунистик партия СССР халқлари ва бошқа социалистик миллатлар адабиёти ривожига икки илғор тенденцияни шунинг учун қўллаб-қувватлайдики, булар объектив тарзда ҳар бир миллий бадий маданиятдаги умуминсоний, интернационал томонларни кучайтириб боради.

⁸ Бу ҳақда қаранг: А. Усмонов, «Мухакаматул -дугатайн» Алишера Навои. Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1948, стр. 8.

⁹ И. С. Брагинский, Раскрепощенные строки Хафиз, Таджикистиздат, Сталинабад, 1958, стр. 9—15.

¹⁰ М. Д. Чекали, Коммунизм и нация, 1962, стр. 32.

¹¹ «Школа мастерства», Ташкент, 1960, стр. 651—652.

¹² «Проблемы социалистического реализма», М., 1961, стр. 371.

¹³ Г. Ломидзе, В поисках нового, М., 1963, стр. 172—173.

Зотан марксизм-ленинизм таълимоти уқтирадики, коммунистик жамиятнинг бўлажак умуминсоний санъати ва адабиётининг қарор топиши ҳозирги замоннинг энг илғор, энг демократик ва энг инқилобий адабиёти бўлмиш социалистик реализм адабиётининг равнақ топиши ва гуллаб-яшнаши орқали рўёбга чиқади. Модомики ҳозирги социалистик миллатлар ва элатларнинг адабиётлари шаклан миллий, мазмунан социалистик характерга эга эканлар, коммунистик жамиятнинг бўлажак бадий маданияти ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан умуминсоний аҳамият касб этар экан, адабиётлар тараққийсининг бу тарихий босқичлари ва йўналишларида миллий бадий таъсир оламшумул из қолдириши турган гап.

М. Нурматов

САДОҚАТ САРЧАШМАЛАРИ

В. И. Ленин сиймоси санъатнинг ҳамма турида ўзининг бадий ифодасини топмоқда. Бунинг учун ўзбек халқининг адабий солномасига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Хоҳ ёзма адабиёт бўлсин, хоҳ оғзаки адабиёт бўлсин — халқнинг Ленинга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати ва миннатдорчилик туйғулари акс этган асарлар тобора кўплаб топилади.

Ўзбек фольклорига Ленинни мадҳ этувчи асарларни жанр эътибори ила асосан учга: қўшиқлар, термалар ва дostonларга бўлиш мумкин. Ана шу уч жанрда қайд этилган лениннома саҳифалари ажойиб асарларга бой. Аммо фольклоршунослар ва халқ оғзаки ижоди ошиқлари томонидан шу кунгача ёзиб олиниб, чоп этилган асарлар¹ Ильичга аталган халқ мадҳияларининг айрим саҳифаларининггина ташкил этади, холос. Ёзиб олинмаган, демак, тадқиқ этилмаган асарлар халқ орасида ҳали кўп. Айниқса В. И. Ленин таваллудининг 100-йиллиги муносабати билан халқ ижодкорлари Ленинни янада жўшиб-тошиб куйлаб, унга атаб асарлар ярата бошладилар. Бу — табиийдир. Чунки «Биз Ленин тўғрисида қанчалик гапирмайлик ва ёзмайлик, — деган эди кекса коммунист А. А. Фотиева, — бу мавзуни ҳеч қачон тугата олмаймиз. Чунки унинг шахсияти шунчалар кўп қиррали, маънавий қиёфаси шунчалар жозибалидир. Лениннинг инсоният бахт-саодати учун олиб борган кураши ва яшаган йиллари биздан қанчалик узоқлашган сари унинг улғувор сиймоси бизнинг кўз ўнгимизда шунчалар ёрқинроқ намоён бўлаверади».

Оғзаки ижод ленинномаси бошдан-оёқ меҳнаткаш халқнинг улғу доҳийга битмас-туганмас ҳурмати ва муҳаббати билан йўғрилган. Халқ энг яқин, энг қадрдон, энг азиз кишиси — В. И. Ленин даҳоси, унинг ғамхўрлиги олдида ҳамиша таъзимда. Халқ қалбида ана шу қалбнинг бадий ифодаси бўлмиш фольклор асарларида доҳий сиймоси гавдаланар экан, халқ даставвал, Ленин билан замондош бўлганидан беҳад қувонади:

Урик гуллабди қаранг,
Оқи қизил, ранг-баранг.
Ленин даврида яшаб,
Кирибди рангимга ранг...

Бундай ажойиб халқ қўшиқлари одатда «Ленин десам торим сайраб кетади», «Ленин десам диллар бўлар шод», «Ленин йўли барча оламга ёқди», «Ватанимиз боғининг боғбонидирсан, Ленин», «Достонимнинг бошию охири Ленин» каби программ мисралар билан бошланади.

¹ Ленинга аталган халқ асарлари — атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифшунингдек Ю. Султон, М. Афзалов, М. Алавия, О. Собиров, Ж. Қобулниёзов, М. Саидов, С. Ҳайдаров ва бошқалар томонидан анча кенг таҳлил қилинган.

Халқ турли-туман сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабабларга кўра, узоқ давр мобайнида гоҳ оловга топиниб, гоҳ ўзларини «буюк» ва «қудратли» деб эълон қилган фотиҳлар, жаҳонгирлар ва саркардаларга сиғиниб келди, улар ҳақида кўплаб асарлар яратди. Аммо кекса тарих шоҳид: на фотиҳлар ва на жаҳонгирлар; на «худо»лар ва на азиз-авлиёлар халққа, барча муъжизаларни ўз меҳнати билан яратиб келган, лекин хорликда ва зорликда умр кечирган инсонга на озодлик ва на бахт берди. Шундай экан, «чинакам буюклик ва қаҳрамонлик хислатлари — кучли идрок, ҳар қандай ғовларни енгадиган темирдек мустаҳкам, қудратли, саботли ирода, қўллик ва жабр-зулмга қарши ҳаққоний ва чексиз нафрат, тоғларни ларзага келтирадиган революцион шижоат, омманинг ижодий кучларига бениҳоя ишонч, улуг ташкилотчилик генийси»га² эга бўлган, халққа хурлик келтирган доҳий Ленин ҳақида қўшиқ ва достонларнинг яратилиши табиий эди. Ҳа, халқ ўзининг халоскори ва раҳнамосига, унинг ғояларига ҳамиша содиқ бўлиб келди:

Ленин бобом сурати бор уйимда,
 Ҳурмати бор, илҳоми бор дилимда.
 Ленин десам яқин бўлар йироқлар,
 Ленин десам шуъла сочар чироқлар...

Ленин десам қувват ортади танда,
 Очилади тоза гуллар чаманда.
 Қўшиқ айтиб эл орзусин куйладим,
 Обрў толдим шу бахтиёр ватанда...

Юртимиз чаман бўлса,
 Уругни сочган Ленин.
 Бахти қаро халқларнинг
 Бахтини очган Ленин...

Бу боғлар қўйни гулзор,
 Қўшиқ айтиб келар ёр.
 Лениннинг номин айтсам
 Гуллар ҳам баргин ёзар...

Маълумки, фольклор ленинномасининг асосий қисмини дастлабки айтивчиси номаълум бўлган қўшиқ (тўртлик)лар ташкил этади. Бу табиийдир, чунки қўшиқ энг оммавий, оператив жанрлардан бўлиб, унда фикрни тез ва соз айтиш бошқа турга қараганда нисбатан осон. Шу босидан бўлса керак халқ қўшиқларини чуқур ҳис этувчи ва яратувчи ҳар бир киши — у колхозчими ёки ишчи, чўлгувар деҳқонми ёки чорвадор, барибир, улуг доҳийга атаб дилрабо қўшиқлар ижод этган. Бу оддий кишиларнинг Ленинга аталган қўшиқлари улуг доҳийнинг номи халқ учун нечоғлиқ азиз эканидан, халқ билан доҳий ўртасидаги муносабат нечоғлиқ яқин ва самимий эканидан далолат беради. Дарвоқе, халқ ҳурмати ва ишончининг поёни йўқ. Халқ ҳали ўзининг узоқ тарихида ҳеч бир инсон ҳақида бунчалик меҳр билан, қайнаб-тошиб куйламаган, ижод қилмаган. Зеро, тарихда ҳеч ким Ильичдек халқ қалбини забт эта олмаган эди. Халқ Ленин сиймосида энг яхши фарзандларидаги барча олижаноб, умумбашарий фазилатлар жамулжам бўлганини англайди. Узининг бахтиёр бугунини, порлоқ келажагини кўради. Доҳийнинг номини тилга олиш билан яйраб кетишининг боиси ҳам ана шунда:

Олма оқиб келади,
 Беҳи қалқиб келади,
 Ленини тилга олсам,
 Бахтим балқиб келади...

² В. И. Ленин вафоти муносабати билан РКП(б) Марказий Комитетининг 21 январдан 22 январга ўтар кечаси қақриланган пленуми мурожаатидан.

Дуторимнинг торлари,
Кўш булбулдек сайрайди.
Ленин номини айтсам,
Кўнглим гулдай яйрайди...

Колхоз бўлдим, бой бўлдим,
Тўлиб чиққан ой бўлдим.
Ленин бобомга раҳмат,
Уйим тўла мой бўлди...

Ленинга айтилган қўшиқ — тўртликларнинг диққатга сазовор яна бир фазилати бор. Бу оналар овозидир. Дарвоқе, Ленин ҳақидаги қўшиқлар ва термаларнинг кўпчилиги аёллар оғзидан ёзиб олинган. Ленин ҳақидаги аксарий эҳтиросли мадҳияларда она қалби, она шуури акс этган. Тингланг, дунёдаги энг бахтиёр оналар куйляпти:

Бизнинг меҳру муҳаббат,
Ленин бобога бўлсин.
Ленин бобомнинг юрти
Ҳамиша омон бўлсин...

Ризқи бутун халқларнинг,
Боғбонидан, ўргилай.
Кўпга бирдай меҳрибон
Посбонидан ўргилай...

Ленин бобом отини
Китобимдан ўқийман.
Номи билан шодланиб
Ашулалар тўқийман...

Шундай қилиб, халқ ўз бахтини кўз-кўз қилар экан — Ленинни, меҳнат гаштини сураркан — Ленинни, коммунизм биносига гишт қўяркан — Ленинни, қуёшни қаршиларкан — Ленинни ўйлайди, ўйлайдигина эмас, сўйлайди, унга бўлган миннатдорчилигини, ташаккурини қўшиққа солади.

Ленинга аталган халқ қўшиқларининг бир ажойиб фазилати бор. Бу эл-юрт бахти учун курашган инсонга ўлим йўқ, деган ғоянинг уларга жуда ҳам сингдириб юборилишидир. Дарҳақиқат, қуёш, ўз нуруни сочишда давом этар экан, инсоният яшар экан, Ленин яшайди. Ҳаёт сўнмас экан, Ленин ёққан машғал ҳам сўнмайди. Ленин яшади, яшайди ва абадий яшаяжак — мана шу ғоя халқ бадий ленинномасининг лейтмотивини ташкил этади.

Дарвоқе, Ислон шоир Назар ўғли:

У дарёдек қайнар, тошар, қуримас,
Ҳар бир сўзи мисли қуёш, ҳеч сўнмас.
Ленин ўлмас, мангу ҳаёт, қарвмас,
Пок қалбларда сўнмас қуёш Лениндир,—

деса; Пўлкан шоир жуда катта маъно касб этувчи оддийгина ибора билан: «Таълим берган ўртоқ Ленин яшасин», деб хитоб қилади. Раззоқ бахши бўлса;

Ленин отам умри боқий зиёда,
Халқин деган инсон ўлмас дунёда,—

дейди. Бошқа бир шоир — Раҳматилла Юсуф ўғли «Ленин бобом овози» термасида мана бундай мисралар яратади:

Билар барча одамзод,
Яхши зотдан яхши от.
Ленин тирик барҳаёт,
Ўчмас ҳаргиз овози.

Ўзбек фольклорига В. И. Ленинга аталган қўшиқ (тўртлик)лардан ташқари, катта-кичик термалар, дostonлар деб аталмиш асарлар ҳам

кўплаб яратилган. Биз бу ўринда Эргаш Жуманбулбул ўгли («Ўртоқ Ленин»), Пўлкан шоир («Узоқ яшасин»), Фозил шоир («Ленин» ва бошқалар), Ислоом шоир Назар ўгли («Тинчлик боғин обод этгандир Ленин», «Москва шаҳрини кўрдим» ва бошқалар) каби атоқли шоирлар яраган ленинноманинг энг яхши намуналарини кўзда тутаётирмиз.

Ленин кейинги катта ва кичик авлод халқ шоир ва бахшилари учун ҳам асосий мавзулардан бири бўлиб қолди. Фикримизнинг исботи учун хоразмлик халқ санъаткорларининг, шунингдек Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Андижон воҳаларида яшаб ижод этаётган шоир ва бахшиларининг репертуарларига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя. Сўнги йилларда Эргаш Жуманбулбул ўглининг «Ўртоқ Ленин» дostonи таъсирида ҳам аллақанча асар яратилди. Бўкалик бахши Чори Хўжаберди ўглининг «Ленин отам мадҳияси» номли каттагина асари, наманганлик Раззоқ бахши Қозоқбой ўглининг «Ленин бобом дostonи», самарқандлик Раҳматулла Юсуф ўглининг терма ва мадҳиялари, қашқадарёлик Ҳазратқул шоир Худойберди ўглининг «Мадҳия»си, деҳқонободлик Қодир бахшининг «Ленинни кўрдим, дўстларай. . .» номли ажойиб асари, митанлик Алимқул Ҳаққул ўглининг «Ленин»и ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу нарса характерлики, Ленин ҳақидаги қўшиқларда давр муҳри, ҳаётимиз гўзаллиги, коммунизм қуриш соҳасидаги партиянинг ижодкорлик қобилияти, қаҳрамон совет кишиларининг меҳнат мўъжизалари мотивлари ва ҳоказолар чамбарчас боғланиб кетган. Бахтли ва гўзал ҳаёт яратиб бергани учун доҳийга миннатдорчилик, Ленин асос солган партия ишига, Ленин васиятларига садоқат каби мотивлар бу асарларнинг умумий ғоявий йўналишини белгилаб келади.

Ленин мавзуи ўзбек халқ оғзаки ижодига 20-йилларнинг иккинчи ярмида кириб келди. Бу йиллар умумсовет адабиётида ҳам, СССР халқларининг оғзаки ижодларида ҳам Октябрь инқилобининг буюк ташкилотчиси, жаҳон пролетариатининг гениал доҳийси В. И. Ленин образини бадний акс этиришга уриниш авж ола бошлаган бир тарихий давр эди. Октябрь бонги халқ ва мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида янги айёмнинг, нурли ва бахтли аёмнинг мурдаси ўлароқ акс — садо берар экан — ёзма адабиётда бўлгани сингари — халқ бахшилари, эртақнавислари ва қўшиқнавислари ҳам ана шу инқилобий кеча, бугун ва эртанинг илҳоми билан яшай бошладилар, янги ҳаёт ва унинг ижодкорлари ҳақида дostonлар, эртақлар, қўшиқ ва термалар ярата бошладилар. Ана шу янги ҳаёт пафоси билан суғорилган аксарият асарларнинг марказида В. И. Ленин образи ётади.

20-йиллар ўзбек халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган доҳий образи ўзбек фольклори тараққиётининг сўнги босқичларида айниқса кенг ва чуқур бадний тажасумини топди. Бу шарафли мавзу Октябрдан сўнги халқ ижоди вакилларининг барча авлодлари эътиборини топди. Ана шу тарзда ўзбек фольклорига Коммунистик партия ва унинг асосчиси В. И. Ленинга ҳурмат ва муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошган, партия ва Ленин ишига садоқат ғоялари билан суғорилган лениннома яратилди.

Бу ленинноманинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда халқнинг Ленинга бўлган самимий туйғулари турли тарихий воқеа ва ҳодисалар руҳи билан туташ ҳолда ифодаланди. Бошқача айтганда, социалистик жамиятимиз тараққиётининг турли босқичлари учун характерли бўлган муҳим ижтимоий масалалар ҳам халқ оғзаки ижодида Ленин сиймоси билан узвий алоқада тасвир этилди. Шунинг учун бу лениннома яна ҳам катта бадний қиммат ва аҳамият касб этади.

Биз бу мақолада ўзбек халқ оғзаки ижодида В. И. Ленин сиймосини яратиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир масалалар ҳақидагина баҳс юритдик. Ўзбек бахшиларининг бу буюк мавзунини очишдаги маҳоратлари, халқ оғзаки ленинномасининг ёзма адабиётимиздаги ленинноманинг туғилиши ва ривожланишига таъсири сингари қатор масалаларни ўрганиш, 20-йиллардан то шу кунга қадар доҳий ҳақида яратилган ва яратилаётган барча асарларни тўплаш ва нашр этиш фольклорчи олимларимиз олдида турган муҳим вазифадир.

М. Муродов

ЛЕНИНГА АДАБИЙ ҲАЙКАЛ

В. И. Лениннинг шонли юбилейи нишонланаётган шу кунларда бадий сўз усталари ҳам ўз ижодларига доҳий ғоялари руҳини ҳар вақтдагидан ҳам чуқурроқ сингдиришга, адабиёт ва санъат олдига қўйилган юксак вазифаларни яна бир бор идрок этишга интилоқдалар. Бу интилишнинг кўринишларидан бири адабиётимизда тўла қонли коммунист образини яратишга эътибор ортанлигидир.

В. И. Ленин ҳаёт практикасидан келиб чиқиб, коммунист образини яратиш бадий адабиётнинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Большевик И. В. Бабушкиннинг ваҳиёна ўлдирилиши муносабати билан 1910 йилда ёзилган некрологда В. И. Ленин ҳаётда янги партия арбоблари пайдо бўлганини, уларга қаҳрамонлик хослигини ва улар тўғрисида яратилган асарлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлишини кўрсатган эди. «Кўтарилиб келаётган революцион тўлқин,— деб ёзган эди Владимир Ильич,— янги-янги ходимларни, янги-янги партия арбобларини етиштирди»¹. Уларнинг қаҳрамонликлари ўзларини бутунича ишчилар синфи озодлиги учун курашга бағишлаганликларидан иборатдир: «...Халқ қаҳрамонлари бор. Булар — Бабушкин сингарй кишилардир. Булар — бир йил ва икки йил эмас, балки революция олдида бутун ўн йил давомида ўзларини тамомила ишчилар синфини озод қилиш учун курашга бағишладилар. Булар — ўзларини яккаларнинг бефойда террористик ишлари учун сарф қилмасдан, балки пролетарлар оммаси ўртасида ҳақиқатан қаттиқ туриб, ҳеч бир оғмасдан иш кўрдилар, уларнинг онгини ўстиришга ёрдам қилдилар, уларни уюштирдилар, уларнинг революцион ташаббускорлигини кучайтирдилар. Булар — кризис бўлганда, революция бошланганда, миллион-миллионлар ҳаракатга келганда, Чор самодержавиесига қарши қуроли оммавий курашнинг тепасида турган кишилардир. Чор самодержавиеси билан курашиб қўлга киритилган нарсаларнинг ҳаммаси нуқул Бабушкин сингари кишилар раҳбарлик қилган омманинг кураши туфайлигина қўлга киритилган ютуқлардир.

Бундай кишилар бўлмаса, рус халқи абадий қул халқ, малай халқ бўлиб қолар эди. Бундай кишилар билан рус халқи ўзининг ҳар қандай

Шуни айтишим керакки, чет эл сўзларини ўринсиз ишлатиш менинг жаҳлимни чиқарса (чунки бу нарсани бизнинг оммага таъсир қилишимизни қийинлаштиради), газеталарга мақолалар ёзиб юривчи кишиларнинг баъзи хатолари менинг бутунлай фиғонимни ошириб юборди.

В. И. Ленин

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, 393-бет.

эксплуатациядан тамомила озод бўлишига эришади»². Мана шундай халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва кураши тарихини акс эттирувчи асарлар, В. И. Ленин фикрича, «ёш ишчилар учун энг яхши ўқиш китоби бўлади. Улар ҳар қандай онгли ишчиларнинг қандай ҳаёт кечириши ва қандай иш кўриши лозим эканлигини мана шу китобдан ўқиб биладилар»³.

Мазкур дохиёна хулоса адабиётимизнинг бутун тарихида ғоят муҳим роль ўйнади. Бинобарин, социалистик реализм адабиётининг барча тараққиёт босқичларида ёрқин, ҳаётий коммунист образи яратишга интилиш тенденцияси кўзга ташланади. Бундай коммунист образи яратиш тенденцияси «партия кишилари»ни (В. И. Ленин) юксак, прогрессив идеаллар нуқтаи назаридан оламни ўзгартириш йўлидаги фаолиятда кўрсатиш ва шу фаолият билан боғлиқ ҳолда уларнинг кўпқиррали, тўлақонли инсон эканликларини очиб беришга интилиш сифатида кўринади.

Бу тенденция ҚПСС XXII съезидан кейинги ўзбек адабиётида, айниқса, романида ҳар вақтдагидан ҳам чуқурлашди. Ўз асарларида ёзувчиларимиз ҳаёт тақозоси билан асосий эътиборларини коммунистларни юксак идеаллар нуқтаи назаридан борлиқни ўзгартириш йўлидаги фаолиятда кўрсатишга қаратмоқдалар. Бу коммунистлар характери муайян ижтимоий муносабатларнинг, конкрет тарихий шароитнинг маҳсули бўлганлиги сабабли уларнинг шароитни, оламни ўзгартириш йўлидаги фаолияти, кураши турлича кўринишда намоён бўлади. Чунончи, М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгуча» (иккинчи китоб) романидаги партия кишиларининг оламни ўзгартирувчилиги революцион ситуация етилган шароитда мазлум халқ манфаатларини кўзлаб, чириган чоризм тузумини ағдариш учун курашдан ва бу курашга раҳбарликдан иборат бўлса, Ойбекнинг «Улуғ йўл» романидаги коммунистлар кураши 1917 йил февраль революциясидан кейинги вазиятда социалистик революция ғалабасини рўёбга чиқаришга қаратилгандир. «Олтин зангламас» (Шухрат), «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» (А. Мухтор) романларидаги ижобий коммунистларнинг оламни ўзгартувчилик хусусияти Октябрь революциясидан сўнг вужудга келган янги ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш йўлида фаоллик кўрсатиш, яъни бутун умр давом этадиган қаҳрамонлик сифатида гавдалантирилган.

Оламни ўзгартириш — бу кишиларни, айниқса, ёшларни ўзгартириш, яъни катта ишларга, курашларга руҳлантириш, юксак идеаллар руҳида тарбиялаш, ҳисларини, онгини, дунёқарашини ривожлантириш, раҳбарлик, етакчилик қилиш, ўрнат кўрсатиш йўлидаги фидокорлик демакдир. С. Аҳмаднинг «Уфқ», О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса...», Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Ҳ. Фуломнинг «Тошкентликлар» романларидаги ижобий коммунистлар худди шундай фаолият кишилари, яъни асардаги персонажларга, айниқса, ёшларга нисбатан мураббийлик ролини ўтовчилардир. Мазкур коммунистларнинг кишиларни ўзгартувчилиги одамларнинг, ёшларнинг ҳисларига, характерига ўз ҳаётлари ва курашлари билан кучли эмоционал таъсир кўрсатиш орқали жамиятимиз учун оғир бўлган шароитда (уруш даврида) уларни фаолиятга, коммунистик идеаллар учун курашга ундаш, руҳлантириш сифатида гавдаланади.

Оламни ўзгартириш йўлидаги фаолиятнинг яна бир кўриниши ҳозирги кун материали асосида ёзилган «Қора кўзлар» (П. Қодиров),

² В. И. Ленин, Асарлар, 16-том, 394-бет.

³ Уша асар, 395-бет.

«Сенга интиламан» (Ҳ.Ғулом), «Тақдир» (И. Раҳим), «Иўл», «Тўфон» (Ж. Абдуллахонов), «Жаннат қидирганлар» (Шухрат) сингари романлардаги ижобий коммунистларнинг коммунизм моддий асосини вужудга келтириш шароитидаги меҳнатидан иборатдир.

Ниҳоят, романларимиздаги коммунистлар оламни ўзгартирувчилигининг яна бир кўриниши шундан иборатки, улар ўз фаолиятлари жараёнида ўзларини, характерларини ҳам ўзгартириб борадилар.

Демак, романларимиздаги коммунист характерининг моҳиятини, шароитга муносабатини очишда социалистик реализм методининг қаҳрамонни тасвирлашдаги асосий принципи, яъни инсонни, коммунистни шароитнинг маҳсули ва юксак, прогрессив идеаллар нуқтаи назаридан шу шароитни, оламни ўзгартувчи сифатида кўрсатиш принципи етакчилик қилмоқда.

Оламни ўзгартувчилик ғояси романларимиздаги салбий қаҳрамон характери орқали ҳам илгари сурилмоқда. Бу ғоя, биринчидан, Чуханов («Олтин зангламас»), Нодиров («Тақдир») сингари муайян шароитдаги иллатлар таъсирида моҳият эътибори билан ғайри-гуманистик фаолият кўрсатган кишилар характеридаги ижобий ўзгаришни акс эттириш орқали ифодаланса, иккинчидан, Тўрахонов («Қудратли тўлқин»), Эргоев, Чавандоз («Эр бошига иш тушса...»), Давлатбеков, Ғиёсиддинов, Ортиқ («Қора кўзлар»), Мирҳосил («Сенга интиламан»), Ҳазратов («Тақдир») каби мешчанликни, эгоизмни, шахсий манфаатни ҳамма нарсадан устун қўювчи, партияга суқулиб қариб қолган ёт унсурларни фож қилиш йўли билан юзага чиқарилмоқда.

Коммунистларнинг оламни ўзгартувчилиги барча романларда бир хилда ишонарли, ҳаққоний акс эттирилган эмас. «Олтин зангламас», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Уфқ», «Эр бошига иш тушса...» романларида бу ўзгартувчилик кўп жиҳатдан ҳаётий кўрсатилган бўлса, Мирмуҳсиннинг «Чиниқиш» (биринчи китоб) романидаги коммунистлар қуруқ дидактизм туфайли эмоционал кучдан маҳрум, фаолиятсиз шахслар бўлиб қолган.

Коммунист характерининг моҳияти (оламни ўзгартувчилик туйғуси) билан бир қаторда унга тўлақонлилик, эстетик бойлик, ҳаётийлик бахш этувчи бошқа қирралари ҳам авторлар маҳорати билан боғлиқ ҳолда турлича очилган. Жумладан, Охунбобоев, Икромжон («Уфқ»), Аъзам — ячейка, Қурбон ота («Эр бошига иш тушса...») сингари коммунистларнинг оламни ўзгартувчилик фаолияти жараёнида инсоний жозибаси яққол намоён бўлса, кўпчилик романлардаги партиа кишилари характерида жозибаси етишмайди ёки у характер моҳияти ва фаолият билан яхши боғланмайди. Аҳмаджон («Давр менинг тақдиримда»), Очил бува, Ориф («Чинор»), Содик («Олтин зангламас»), Икромжон характерларига жозибаси бахш этган муҳим омил уларнинг интеллектуаллигидир.

Бу қаҳрамонларнинг интеллектуаллиги уларнинг ижтимоий фаолияти билан боғланишдан ташқари руҳий дунёси, қалбларидаги ўзгаришлари билан ҳам узвий алоқадорликда эстетик таҳлил қилинган. Психологизм мазкур персонажлар ҳаётининг драматик моментларидаги руҳий ҳолатларини, фаолиятлари ва интеллектуал эволюциялари таъсирида ҳислари ўзгаришини, ҳислар ўзгариши эса ўз навбатида фаслиятга, ўй-мулоҳазаларга акс таъсир кўрсатишини юзага чиқаради.

«Фарғона тонг отгунча», «Чиниқиш» романларидаги коммунистларнинг психологияси анча яхши очилмаган бўлса, «Сенга интиламан», «Тақдир», «Иўл», «Тўфон» романларидаги партиа ходимларининг ички дунёси фаолият ва характер қирралари билан изчил, мантиқли равишда боғланмаган. Мазкур романларда коммунистларнинг ташқи қиёфаси

ҳам ҳаққоний чизилмаган, жиддий функция юкланмаган, сиртки белгилар сунъий равишда комбинация қилинган.

Коммунистлар характерининг ёзувчиларимиз диққат марказида турган қирраларидан яна бири — уларнинг миллийлигидир. Коммунистларнинг мақсади ягона (эксплуатацияни тугатиш) эканлиги улар характерининг миллийлигини инкор этмайди, балки белгилайди. Партия кишиларининг ягона, умумий (интернационал) мақсад учун курашларини, коммунистик (интернационал) дунёқарашни қанчалик эгаллаганликларини кўрсатиш орқали ёзувчиларимиз ўзбеклар ҳаётидаги янгиликни, прогрессив ўзгаришни, яъни ўзбек кишининг, коммунистининг социал ва миллий жиҳатдан эркинликка эришганини, ҳар томонлама ўзганлигини очиб бермоқдалар (Аҳмаджон, Содик, Икромжон образлари). Кўпчилик рус коммунистлари образида эса ҳали ҳам адабиёти-мизда уларни яратиш борасидаги схематизм инерцияси, яъни уларни қуруқ насиҳатгўй, фаолиятсиз кишилар қилиб кўрсатиш инерцияси мавжудлиги сезилади.

Маҳоратнинг етишмаслиги, айниқса, коммунист персонажларнинг тилини ишлашда яққол сезилмоқда, чунки «Уфқ», «Эр бошига иш гуша...» романларидаги коммунистлар нутқининг мазмундорлигини, бойлигини, ҳаётийлигини, ўзига хослигини истисно қилганда, кўпчилик романларимиздаги партия кишиларининг тили уларнинг характери моҳияти, психологияси, интеллектуаллиги, миллийлиги билан узвий боғлиқликда, ишонарли акс эттирилмаган, характерни индивидуаллаштиришга етарлича хизмат қилдирилмаган. Бунга авторларнинг асар тилини ишлашга жиддий эътибор бермаганликлари, коммунист персонажлар тилида, ҳаётийликка путур етказувчи маъносизлик, ғайри табиийлик, китобийлик борлиги («Сенга интиламан», «Тақдир»), муаллиф тилидаги салбий хусусиятларнинг персонажлар нутқиға кўчиши, халқ мақолларидан ноўрин фойдаланиш («Йўл», «Тўфон»), орнаментализм («Фаргона тонг отгунча»), тилни индивидуаллаштириш приёмларидан фойдаланишда қисман сунистеъмолга йўл қўйилиши ва бошқа нуқсонлар сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, характер моҳияти ва шароит диалектикаси, юсак, прогрессив идеаллар нуқтаи назардан оламни ўзгартириш йўлидаги фаолияти, инсоний жозибаси, интеллектуаллиги, психологияси, портрети, миллийлиги, сўзлаш тарзи ўзаро боғлиқликда, чуқур, ишонарли таҳлил қилинганлиги, композицион ва стилистик воситалар шу мақсадга маҳорат билан бўйсундирилганлиги сабабли Аҳмаджон, Очил бува, Ориф, Содик, Икромжон, Охунбобоев, Аъзам-ячейка, Қурбон ота сингари коммунистлар образи кўп жиҳатдан тўлақонли, эстетик бой, ҳаётий чиққан. Бошқа коммунистлар образи эса, шу йўлда жиддий ижодий изланишлар бораётганлигидан далолат беради.

КПСС XXII съезидан кейинги ўзбек романидаги тўлақонли, ҳаётий коммунист образлари халқимиз характерида гармоник ривожланган инсон ҳақидаги тушунчанинг мукамаллашишига, дунёни ўзгартиришчилик, мураббийлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, коммунистик гуманизм ва ахлоқийлик, эгоизм ва мешчанликка нафрат туйғуларини тарбиялашга ҳамда шу орқали жаҳонни ўзгартириш, яъни коммунизм қуриш ишига ҳисса қўшади, адабиётимизнинг халқчиллигини, коммунистик партиявийлигини, ҳаққонийлигини чуқурлаштиради. Иккинчидан, романларимизда ёрқин, ҳаётий коммунистлар образи яратилиши буржуа идеологларининг СССРда янги инсон шаклланганлигини инкор этишга, адабиётда инсонни жамиятдан ажратишга уринишлари, роман жанрининг таназзули, социализмда гуманизм йўқлиги, шахснинг омма ичида бўлиб кетиши, коммунист образи асар композициясининг марка-

зида туриши шартлиги, социалистик реализм ижод эркинлигини бўғиши ҳақидаги фикрларининг асосизлигини исботлайди. Учинчидан, ҳаётий коммунист образлари ва уларни яратиш йўлидаги изланишлар, умуман, адабиётимизнинг бадний ҳақиқат бунёда келтириш, инсон характери тасвирлаш борасидаги ютуқларини англаб олишга, ижобий анъаналарини аниқлаш ва кўз қорачиғидай асрашга, камчиликларини пайқаш ва бартараф қилишга, яъни адабий жараённинг сифат жиҳатдан ривожига, равнақига, такомилига катта ҳаёғбахш йўл очади.

С. Содиқов

ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ ХУСУСИДА

В. И. Ленин асарларида, бир томондан, терминологиянинг назарий масалалари йўл-йўлакай ўз ифодасини топса, иккинчи томондан, бирор соҳанинг, айниқса ижтимоий-сиёсий соҳанинг терминларини қўллашга тааллуқли амалий масалалар ўртага ташланади.

В. И. Лениннинг терминология ҳақидаги назарий фикрларида терминнинг илмийлик талабларига жавоб бермоғи лозимлиги қайта-қайта уқтирилади. Чунки термин ноаниқ ёки мавҳум бўлса, бирор тушунчани тўғри англаб олишга ҳалал етказиши, фикрнинг тўғри баён этилишига монелик қилади. У ёзади: «Аҳамиятнинг ортиши ва ролининг тора-йиши» деган сўзлар «сиқиб чиқариш» деган «маъноси тор» ва «бир қолипдаги» сўздан гўё маъноси чуқурроқ, кенгроқ ва мазмундор сўз дейиш қуруқ хомхаёлгинадир. Процессни тушунишда бу сўзлар чуқур маънони ифода қилмайди,— бу сўзлар шу процессни **кўп даражада туманлаштириб, кўп даражада мужмаллаштириб**, ифода қилади, холос»¹. В. И. Ленин бу термин ҳақидаги фикрини давом эттириб, яна шундай дейди: «сиқиб чиқариш» деган сўз ўрнига «аҳамиятнинг ортиши ва ролининг тора-йиши» деган сўзларнинг ишлатилиши услуб жиҳатидан ҳам номаъқулдир»².

В. И. Ленин Бухарин ҳамда Троцкийлар яратган асарларда қўлланган қатор терминлар аниқ эмаслигини кўрсатиб ўтар экан, буларнинг илмийлик талабига жавоб бермаслигини, бинобарин, номақбул терминлар эканлигини қайд қилади. Масалан, у Бухариннинг «социалистическая война» («социалистик уруш»), «социалистическая диктатура» («социалистик диктатура»), «производственная демократия» («ишлаб чиқариш демократияси») каби ясамалари, Троцкийнинг «производственная атмосфера» («ишлаб чиқариш атмосфераси») сингари терминларига қатъий қарши чиқади. В. И. Ленин бу сингари терминларни «бадном», «бесўнақай ва интеллигентларча ясама термин»³лар деб атайди, улар «янглиш маънолар туғдириши мумкин»⁴ лигини исботлаб беради.

В. И. Ленин *коммуна* ва *коммунизм* сўзларининг маъноларини бир-бирига қориштириб юборган «сўл коммунистлар»нинг «ўтареволуцион терминология» сини ҳам қаттиқ танқид остига олади: «Коммуна сўзини **бўлар-бўлмасга** истеъмом қилаберишни йўқотиш,— деган эди В. И. Ленин,— дуч келганда шу сўзга ёпишаберишни тақиқлаб қўйиш ёки коммунистик тарзда ишлашга қодир эканликларини, шу ишни йўлга қўя олганликларини амалда исбот қилган (ва атрофдаги бутун аҳолининг бир оғиздан эътироф қилиши билан буни тасдиқлаган) фақат чинакам коммуналардагина шу **номни** қолдириш жуда фойдали бўлур эди. Аввало жамият манфаатлари учун, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари учун текин ишлашга қобил эканлигини, «революциончасига иш-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 6-том, 30-бет.

² Уша асар, ўша жойда.

³ В. И. Ленин. Асарлар, 32-том, 73—74-бетлар.

⁴ Уша асар, 75-бет.

лаш» га қобил эканлигини, меҳнат унумини оширишга, ишни намунали қилиб қўйишга қобил эканлигини исбот қил, шундан кейингина «коммуна» деган фахрий номга қўлингни чўз!»⁵.

В. И. Лениннинг фикрича, ижтимоий-сиёсий адабиётларда ноаниқ терминнинг ишлатилиши пролетариат ишига катта зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам у: «аниқ терминнинг йўқлиги курашчилар онгига фақатгина қатъиятсизлик, чалкашлик киритади...»⁶, деб ёзган эди. Шунга кўра, В. И. Ленин ҳамisha «революцион партия тили» учун, «тарғибот термини» учун қатъий курашиб келди.

В. И. Ленин терминологиянинг назарий масалалари ҳақида қимматли фикрларни баён этар экан, жуда кўп ўринларда ўзининг мана шу сўзларига қаттиқ риоя қилади. У, албатта терминларнинг таърифини беришда жуда катта маҳорат билан иш кўрган. У бирор асарда бирор терминга берилган таъриф нотўғри бўлса, уни танқид остига олади. «Чунки, — дейди, у, — бизнинг программиздаги ҳар бир параграф ҳар бир меҳнаткашнинг билиши, ўзлаштириши ва тушуниши лозим бўлган нарсadır»⁷. Бу талабга жавоб бера олмайдиган ҳар қандай таъриф Лениннинг қаттиқ танқидига дуч келади. Масалан у ёзади: «Роза Люксембург масалани ҳеч қаерда гап юридик таъбирлардами ёки бутун дунёдаги миллий ҳаракатнинг тажрибасидами? — деган мазмунда аниқ ва равшан қилиб қўймайди ва доим миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги умумий муҳокамалар йўлига кириб келаверади, ҳатто шу даражага борадики, миллатларнинг хоҳишини қандай билиш тўғрисида ғалати донишмандлик ҳам қилиб қўяди»⁸.

В. И. Ленин ноўрин ва нотўғри қўлланилган, таърифи чалкаш бўлган терминни танқид қиларкан, уларга классик таърифлар ҳам бериб кетадики, доҳийнинг бу практик фаолияти, айниқса, терминологлар учун намуна бўлиб хизмат этади. Унинг *империализм, синф, давлат, диалектика, материализм, пролетариат диктатураси, коммунизм, социализм* кабилар ҳақидаги ихчам, тушунарли таърифлари фикримиз далилидир. Бундай сўзларга берилган таърифлар таърифлашнинг классик намунаси эканлигини шундан ҳам билса бўладики, уларнинг кўпчилиги ҳозирги кунларда чиқаётган деярли барча изоҳли ва энциклопедик луғатларда айнан келтирилмоқда. Чунончи, «Энциклопедический словарь» (Москва, 1963, 1-том, 499-бет) да. «*Ижтимоий синфлар термини*» В. И. Лениннинг қуйидаги сўзлари билан бошланади: «Синфлар деб ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихий муайян системасида тутган ўринлари, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари (бу муносабатлар аксари ҳолда қонунларда мустаҳкамланиб ёзилган ва расмийлаштирилган бўлади), ижтимоий меҳнатни ташкил этишдаги ўзларининг роллари, бинобарин жамият бойлигидан ўз ҳиссаларини қандай усулда ва қай миқдорда олишлари билан фарқ қиладиган кишиларнинг катта-катта группасига айтилади»⁹.

В. И. Ленин империализм терминига ҳам қуйидагича ихчам классик таъриф беради: «Империализм капитализмнинг алоҳида тарихий босқичидир. Бу хусусиятнинг уч томони бор: империализм (1) монополистик капитализмдир; (2) — паразит ёки чириб боровчи капитализмдир; (3) — ўлаётган капитализмдир»¹⁰.

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. В. И. Лениннинг бу борадаги хизматлари терминология билан шуғулланувчи кишиларга катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Р. Дониёров

⁵ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 447—448-бетлар.

⁶ В. И. Ленин, Асарлар, 9-том, 157-бет.

⁷ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 199-бет.

⁸ В. И. Ленин, Асарлар, 20-том, 424-бет.

⁹ В. И. Ленин, Асарлар, 29-том, 435-бет.

¹⁰ В. И. Ленин, Асарлар, 23-том, 114-бет.

ТАҚРИЗ

«БУ МАВЗУ БИР АБАДИЙ ИЛҲОМ...»

Доҳий В. И. Ленин номини бадний адабиётга биринчи бўлиб олиб кирган улкан пролетар шоири Демъян Беднийдан бошлаб шу кунгача яшаган ва яшаб келаётган ёзувчилар орасида бу улуғ сиймо қиёфасини гавдалантиришга интилмаган санъаткор кам топилади. Ўзбек совет шоирлари ҳам бундан мустасно эмас, албатта. Филология фаълари кандидати Ш. Юсуповнинг «Лениннома саҳифалари»¹ номли монографияси худди мана шу масала — ўзбек совет шеърлятида доҳий В. И. Ленин образи яратилишини таҳлил этишга қаратилган.

В. И. Ленин образини яратишга бағишланган асарлар бизда нечоғлик катта қизиқиш уйғотса доҳий сиймосининг бадний адабиётда қандай ёритилаётгани, бу соҳада қандай анъаналар, ютуқлар ва камчиликлар мавжудлигини текширишга бағишланган тадқиқотлар ҳам шу қадар катта эътиборга лойиқдир.

Қитобнинг «Лениннома сарчашмаларида» деб номланган дастлабки бобида, асосан, ўзбек совет адабиётининг 20-йилларга тааллуқли шеърйи намуналари таҳлил этилади. Қатор рус шоирлари сингари, ўзбек шоирлари ҳам доҳий образини у ҳаёт чоғидаёқ ярата бошладилар. Бу ҳолни муаллиф Ҳамза, Муғанний, Фақирйи, Нозимахоним ва Олтой ижодларидаги намуналар орқали кўрсатади.

Ш. Юсупов доҳий ҳаёт чоғидаёқ яратилган шеър, терма ва қўшиқлардан ташқари йигирмага яқин афсона ва эртақлар бунёд этилганлиги, бу намуналар 1925 йилда Ўзбекистонга келган рус фольклорчиси Л. Соловьёв томонидан йиғилиб, бир йил ўтгач, Москвада нашр эттирилганлиги ҳақида кўпчиликка ҳали номаълум бўлган факт билан ҳам таништиради. (Бу эртақ ва афсоналар ичида «Ой билан Юлдуздан туғилган Ленин», «Ленин ила Амир Темур» каби асарлар бор). Бу ўринда тарихий шахсни, айниқса барҳаёт тарихий шахсни халқ оғзаки ижоди камдан-кам бош қаҳрамон қилиб олади» (33-бет), деган муаллифнинг фикри, бизнингча, тўғри эмас. Чунки ҳаммамизга маълумки, аксарият ҳолларда буюк кишилар ҳаёт чоғидаёқ улар халқ оғзаки ижоди намуналарининг бош қаҳрамони бўлиб қоладилар. В. И. Ленин образи буюк тарихий шахс образи сифатида халқ термалари, қўшиқлари ва афсоналарида ўзининг бадний тажассумини топар экан, бу табийй ва қонуний ҳол эди.

Муаллифнинг қўлга киритган ютуқларидан бири шуки, у ўзбек шоирларининг Ленин сиймосини яратишдаги ижодини рус ва бошқа қардош халқлар адабиётида яратилган шу мавзудаги асарлар билан чоғиштириб текширишга, ўзбек поэзиясида Ленин образининг гавдалантири-

¹ Ш. Юсупов, Лениннома саҳифалари, Ғ. Фулом номидаги бадний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1969 (бундан кейин шу китобдан цитаталар олинган ўринларда китоб саҳифаларини қавс ичида кўрсатиб борамиз).

лишидаги баъзи бир ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб беришга уринади.

Ленин вафотидан сўнг А. Безименскийнинг «224332-партбилет», Д. Беднийнинг «Ленин ҳақида ҳозирги Шарқ афсонаси», Е. Чаренцнинг «Владимир Ильич, бир мужик ва бир жуфт этик қиссаси», «Ленин бобо», «Ленин ва Али» сингари асарлари пайдо бўлиши билан бир қаторда ўзбек поэзиясида ҳам «Йўқлаш» (Ойбек), «Ленин вафотига» (Олтой), «Ленин сағанасида» (Яшин), «Доҳийнинг мотами» (Ҳ. Олимжон), «Ленинсиз тўрт йил» (Ғайратий), «Ўртоқ Ленин» (Э. Жуманбулбул) асарлари пайдо бўлди. Муаллиф ўзбек шеърлятидаги бу асарларни таҳлил қилар экан, уларнинг ҳаммасида Лениннинг улугворлиги, партия ва Ленин бирлиги, Ленин гоёларининг ўлмаслиги мадҳ этилганини таъкидлаш билан бир қаторда, юқоридаги шоирларнинг ҳар бири Ленин образини ўзига хос услубда яратишга интилганликларини қайд этади.

«Лекин уларда (20-йиллар ўзбек ленинномасида — Н. Б.) ижодкорларимиз изланиш даврини бошдан кечираётганлиги, айрим шоирлар доҳий образини пухта яратишга ҳали тўла тайёр эмаслиги билан боғлиқ нуқсонлар ҳам мавжуд эди...» (71-бет), деган муаллиф, бу нуқсонлар нималардан иборат эканлиги ҳақида мутлақо гапирмайди. Ш. Юсупов 20-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек поэзиясида доҳий образининг пайдо бўлишида рус шоирлари (В. Маяковский, Д. Бедний, Н. Тихонов) катта роль ўйнадилар, деб тўғри фикр юритади. Афсуски бу ҳақда бирикки жумла гапириш билан чегараланади ва ўз фикрини ривожлантирмайди. Бу таъсир қай хусусиятларда намоён бўлди, рус шоирларининг ўзбек шоирлари ижодида Ленин сиймосини гавдалантиришда ўйнаган роли нимадан иборат, бу ҳақда муаллиф чуқур ва кенг тўхталмайди. Яна: Ленин образининг ўзбек фольклорида яратилган намуналари ўзбек совет шоирлари ижодида қай даражада таъсир этди ва бу тенденция шоирлар томонидан қай даражада ўзлаштирилиб, қай даражада ривожлантирилди? — ... Муаллиф мана шу масалаларга ҳам эътибор берса, янада дуруст бўлар эди.

«Мангу барҳаёт доҳий — тароналарда» деб номланган 2-бобда эса Ш. Юсупов 30-йиллар ўзбек поэзиясида Ленин сиймосини гавдалантиришга бағишланган асарларни таҳлил қилади. Бу ерда муаллиф Ойбек поэзиясида доҳий образининг тасвирланишига кенг тўхталиб ўтади ва Ойбек ижодида доҳий образи яратилиши динамик равишда тараққий этиб борганини кўрсатади. 1924 йилга оид «Йўқлаш» шеърига қараганда 1930 йилда яратилган «Ленин» шеърида Ойбек катта муваффақиятни қўлга киритди, дейди муаллиф ва ўз фикрини Ойбек шеърларини таҳлил қилиш орқали исботлаб беради. Ойбек ижодидаги Ленин қиёфасининг тасвирланишидаги тадрижий тараққиёт ва юксалиш, Ойбекнинг умумий ижодида хос бўлган тараққиёт ва юксалишни кўрсатади, деб хулоса чиқаради муаллиф. Ш. Юсупов, шунингдек, Ғ. Ғулом ва Шайхзода ижодида Ленин образининг яратилиши ҳақида гапириб, бу масала хусусида Шайхзода ижодидаги айрим камчиликларни тўғри қайд этади.

Бу камчиликлар 30-йилларнинг ўрталарига келиб Шайхзоданинг «Лениннома» балладасининг яратилиши билан йўқолади. Муаллиф Шайхзоданинг бу балладаси билан Е. Чаренцнинг «Владимир Ильич, бир мужик ва бир жуфт этик қиссаси» асарини чоғиштириб таҳлил этар экан, ҳар иккала асарнинг ўзига хос хусусиятларини ва шу аснода шоирларнинг ҳам ўзларига хос услубий ранг-барангликларини кўрсатиб беради.

Ш. Юсупов Уйғун ижодидаги Ленин сиймосини яратишга бағишланган рубойларни таҳлил қилиб қуйидаги намунани ижобий баҳолайди.

Ўз балоғатини, ўз талантини,
У билан ифода қилди халқ-башар,
Энг буюк инсонга хос бўлган исм
Кишилик авлоди тургунча яшар.

Бизнингча, бу тўртлик, биринчидан, рубойи эмас; рубойининг ҳаммага маълум «темир» қонунлари борки, уларга амал қилмай, бу жанрда юксак асар яратиш мумкин эмас, иккинчидан эса бу тўртликнинг сўнгги икки мисраси бадниятдан маҳрум, ҳаммага маълум оддий гап бўлиб қолган. Ленин сиймосига оид бирор гап айтиш, санъаткордан бадний кашфиётни талаб қилади.

Китобнинг мазкур қисмида ўша йиллардаёқ ўзбек совет поэзиясидан мустақкам ўрин олган Ҳ. Олимжоннинг «1924 йилнинг 22 январидан Самарқанд», Ҳасан Пўлатнинг «Меҳрибонлар», Миртемирнинг «Владимир Ильич Ленин» асарлари ҳам таҳлил этилади ва ўзбек ленинномаси саҳифаларини бойитишда шу асарларнинг катта ўрин ишғол қилиши айтилади. Бизнинг фикримизча, муаллиф тадқиқотнинг бошидан охиригача Ленинга бағишланган асарларни ғоявий-эстетик жиҳатдан текширган. Бу жуда қувонарли ҳол, бироқ лениннома намуналарини бадий эстетик жиҳатдан ҳам текширишга аҳамият берилганда, муаллиф анча ютган бўлур эди. Бунда шоирларнинг ўзларига хос маҳоратлари янада яққол кўринар ва китобни ўқиган ҳар бир кишида ўзбек поэзиясининг Ленинга бағишланган асарлари ҳақида яхлитроқ таассурот қолган бўлар эди.

Муаллифнинг ютуқларидан бири шуки, у асарларни таҳлил қилар экан, тадқиқотни хронологик равишда олиб боради ва кейинги даврда яратилган асарлар ўзидан олдинги даврда яратилган асарлардан асосан қайси хусусиятлари билан фарқланиб туришини, қайси ютуқлар қўлга киритилганлигини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. У 30-йиллар поэзиясида Ленин сиймосини гавдалантиришда 20-йилларга қараганда жанрлар бойлиги жиҳатидан силжиш рўй берганини, энди бу даврга келиб қатор-қатор баллада ва поэмалар пайдо бўлганлигини тўғри қайд этади. Лекин муаллиф ўша давр адабий ютуқларимиздан Ленин ҳақидаги асарларга қараб хулоса чиқармоқчи бўлади. «Беш йилликлар даври поэзиямизга В. И. Ленин тўғрисида яратилган асарларга қараб баҳо бериш мумкин» (95-бет), деб хулоса чиқаради муаллиф. Бу фикр бир жиҳатдан олиб қараганда, жуда тўғридек туюлади. Аслида шундай эмас. Чунки бирор бир шоирнинг Ленин ҳақидаги яратган асари қисман муваффақиятсиз чиқиб қолган бўлиши, бошқа асарлари эса унга қараганда маълум даражада кучли бўлиши мумкин ёки аксинча. Шунинг учун бешйилликлар даври ўзбек поэзиясига фақат «Ленин тўғрисида яратилган асарларга қараб баҳо бериш» чалкаш хулосаларга олиб келиши мумкин. Бизнинг фикримизча, бу даврда ўзбек поэзияси қўлга киритган ютуқлар лениннома эришган ютуқларга қараганда улканроқ эди.

«Жангда ҳам, тинч меҳнатда ҳам Ленин раҳнамо» деб номланган китобнинг 3-боби Улуғ Ватан уруши ва ундан сўнгги йилларда яратилган ленинномани текширишга қаратилган. Бу давр ўзбек шеърятининг ўзига хос хусусияти шу бўлдики, унда Ленин сиймоси фақат унинг ўзигагина бағишланган асарларда эмас, балки унинг номи билан боғлиқ бўлган асарларда ҳам маълум даражада гавдаланиб туради. Шунинг учун Ш. Юсупов фақатгина Ленин образини гавдалантиришга бағишланган асарларнинггина таҳлил этиш билан чегараланиб қолмай, Ленин номи билан боғлиқ бошқа асарларни ҳам текширади. Чунки ана шу шеърлар ҳам ўзбек ленинномасида ўз ўрнига эгадир. Ойбекнинг «Муҳаббатимиз чексиз», Амин Умарийнинг «Ленинград қуёши», Султон Жў-

ранинг «Ленин шаҳри», Уйғунинг «Ленинград», Ҳамид Ғулумнинг «Достонимда у», З. Диёрнинг «Яшна Ватан» шеърлари шулар жумласидандир.

30-йилларнинг охиридан бошлаб ўзбек совет адабиётида И. В. Сталин образини яратишга эътибор кучайиб кетганидан, Ленин қиёфасини гавдалантириш нисбатан иккинчи ўринга тушиб қолган эди. Бунинг сабаби ва оқибатлари ҳаммамизга маълум.

Лекин шундай бўлса-да, урушдан сўнгги ўзбек адабиётида доҳий образини яратишга бағишланган анчагина асарлар яратилди. Бу давр шеърлятида, шубҳасиз, Ойбекнинг «Ленин мавзолейида» шеъри алоҳида ўрин тутади. Бу даврда Шайхзода ўзбек ленинномасини бойитишга маълум ҳисса қўшди: «Ильичнинг табассуми», «Ленин — офтоб», «Ленин номида», «1870 йил 22 апрель» шеърларини яратди. Ш. Юсупов ана шу асарларни текширар экан, доҳий ғояларининг мангулиги, бу ғояларнинг биз учун дастуруламал эканлиги, Ленин ва партиянинг ажралмас бирлиги каби масалаларнинг асосий лейтмотиви эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Муаллиф кўзга кўринган қатор ўзбек шоирларининг Ленин мавзудаги асарларини таҳлил қилар экан, кўп ҳолларда уларни бир-бири билан муқояса қилади. Шайхзода, Мирмуҳсин, Шукрулло шеърлари шу аспектда текширилади.

Китобнинг «В. И. Ленин образини яратишда янги босқич» деб номланган сўнгги бобини китобнинг энг муваффақиятли чиққан қисмларидан бири дейиш мумкин. Бу бобдаги материаллар аввалги бобларга қараганда, бирмунча кенг ва чуқур қамраб олинган, зотан бу XX съездан сўнгги давр ўзбек совет поэзиясида Ленин ҳақида асарлар яратилган энг сермахсул давр ҳисобланади.

Муаллиф юқорида айтганимиздек, Ленин мавзуга бағишланган шеърларни хронологик тартибда даврлаштириб ўрганади. Бу эса ижодида Ленин образи маълум бир ўринни ишғол қилган ҳар бир ўзбек шоирининг бу темани ўзлаштиришда йилдан-йилга тадрижий ўсиб боришини кўрсатиб беришга ёрдам берган. Шунингдек, Ш. Юсупов сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида Ленин образини тасвирлаш аввалги даврлардагига нисбатан қайси хусусиятлари билан фарқлиниб туради, деган саволга ҳам маълум даражада жавоб беришга интилиб, қуйидагича ёзади: «XX съездан кейинги ўзбек шеърляти ленинномаси ҳақида гапирганда, унда сиёсий публицистик лириканинг салмоғи ҳар қачонгидан кўра ортаганлигини таъкидлаш керак. Бу салмоқ сиёсий публицистик лирика намуналарининг кўплаб яратилганлиги билангина эмас, балки бу жанрдаги асарларда қуруқ баён, схематизм ва декларативликнинг камайиб кетганлиги билан ҳам белгиланади» (122-бет).

Муаллиф айниқса бу даврдаги Шайхзода ижодини атрофлича таҳлил қилади. Ленин образини яратишда фақат Шайхзода ижодигагина хос бўлган хусусиятлар ҳақида гапирди: «... Шайхзоданинг ўзига хос бир хусусияти шундан иборатки, у кичик бир воқеа ёки предметни танлаб, ўшанинг тасвирини Ильичнинг ажойиб фазилатлари, жуда катта тарихий хизматлари тўғрисидаги ўйларга, фалсафий умумлашмаларга вобаста қилиб юоради» (124-бет).

Сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида Ленин қиёфасини яратиш босқичи шу билан ҳам ажралиб турадики, деб хулоса чиқаради Ш. Юсупов, бу даврда А. Мухтор, М. Бобоев, Зулфия, Мирмуҳсин, Р. Бобожон, Шухрат сингари ўрта авлод шоирлардан ташқари Ҳ. Шарипов, Э. Воҳидов каби ёш шоирлар ҳам бу темани ишлашга ўзларининг баракали ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Бу давр ўзбек шеърлятида Ленин мавзуини ишлашда доимо му-

ваффақиятга эришилди, деб ўйлаш хато бўлур эди. Бу мавзуда бўш ва кучсиз яратилган қатор шеърлар ҳам бор эди. Буни муаллиф тўғри қайд этади. Чунончи, С. Абдулланинг «В. И. Ленин» шеъридаги:

Владимир Ильич Ленин, компартиянг бош бўлиб,
Нур таратди қоронғига, ёғду сочди зимистонга.

Ва

У ўзининг ихтиёри, кимда бўлса, кимнинг майли,
Муҳаббат ҳам, юрт ҳам обод, топди эски ғовлар барҳам

каби мисралардан иборат ғализликни тўғри танқид қилади.

Шунингдек, бу бобда Шухрат балладалари, Миртемирнинг «Ленин жилмайиши», Гофур Фуломнинг «Ленин ва Шарқ» китобларидаги шеърлар атрофлича ва чуқур таҳлил этилади. Э. Воҳидовнинг «Буюк ҳаёт тонги» ва Ҳ. Шариповнинг «Изма-из» дostonларига юқори баҳо берилди.

Умуман шу кунгача ўзбек совет поэзиясида доҳий Ленин образининг ёритилишини таҳлил қилишга қаратилган баъзи бир мақолаларни ҳисобга олмаганда, ўзбек адабиётшунослиги шу мавзуга бағишланган бирорта йирик илмий ишга эга эмас эди. Шу жиҳатдан Ш. Юсуповнинг «Лениннома саҳифалари» монографияси ўзбек адабиётшунослигини маълум даражада бойитди деб айта оламиз.

Б. Назаров

В. И. Лениннинг адабиёт ҳақидаги фикрларини Д. Мўминова, тил ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини филология фанлари кандидати Э. Бегматов тўплади.

ТИРИК САТРАЛАР

ЛЕНИННОМА САҲИФАЛАРИДАН

«Инқилобий адабиёт шеър билан бошланади», деган эди В. В. Маяковский. Бу фикрнинг одил ва оқил эканлигини ўзбек совет адабиёти фактлари ҳам тасдиқлайди. Ҳамзанинг «Ҳой, ишчилар», «Биз ишчимиз», «Яша, Шўро!» сингари шеърлари билан бошланган янги ўзбек адабиёти ўзининг дастлабки асарларида Октябрь инқилобининг моҳиятини очишга интилди. С. Айний, А. Авлоний, М. Сўфизода шеърлятида ҳуррият тароналари тараннум этилди. Мискин, Хислат, Фақирий, Хондайлиқий, Мутриб ва бошқа шоирлар Октябрь инқилобини олқишловчи асарлар яратдилар. 1917—1920 йиллар орасида ёзилган бу асарлар ўзбек шоирларининг янги, инқилобий мавзунини очишда, янги, инқилобий-ғояни илгари суришда катта ғоявий ва ижодий ютуқларга эришганини кўрсатди. Ана шу ғоявий ва бадний кўтарилиш 1921—1923 йилларга келиб ўзбек адабиётида В. И. Ленин образини яратиш имкониятини вужудга келтирди. Ҳамза, Олтой, Фақирий, Муғанний, Нозима, Хондайлиқий сингари қатор шоирлар шу йилларда инқилоб доҳийси образини ўзбек шеърлятида биринчи бўлиб яратдиларки, ўзбек ленинномаси ҳақли равишда ана шу шоирларнинг асарларидан бошланади.

Шундай қилиб, Ленин ҳақидаги ўзбек ёзувчиларининг асарлари инқилобий мавзудан ўсиб чиқди.

Дарҳақиқат, номлари зикр этилган ёзувчилар бу даврда инқилоб ва ҳуррият ҳақида, шўролар ҳукумати ва синфлар кураши ҳақида шеърлар ёзган бўлсалар, Ленинга аталган асарларида уни инқилоб доҳийси ва ҳуррият қуёши, мазлумлар раҳнамоси ва янги давлат асосчиси сифатида талқин этдилар. Улар халқнинг бахтли ва озод ҳаёт ҳақидаги орзулари Ленин туфайли рўёбга чиқа бошлаганини кўрдилар. Шунинг учун ҳам Ленин сиймоси бу асарларда ўзбек шоирларининг энг олий идеаллари призмаси орқали гавдаланди.

Бу хусусиятлар фақат 20-йиллар ўзбек адабиёти учун эмас, балки кўп миллатли совет адабиётининг барча тармоқлари ва, биринчи навбатда, рус совет адабиёти учун ҳам характерли эди. Бироқ бу умумийлик Ленин сиймосини бадний гавдалантиришга киришган дастлабки ўзбек шоирларининг ижодий меҳнатини, унинг аҳамиятини пасайтирмайди, аксинча, улар бу масалада совет адабиётининг магистрал йўлидан борганликларини кўрсатади.

20-йилларнинг иккинчи ярмида ўзбек адабиётига янги бир авлод кириб келди. Даврнинг катта фожияси — Ленин вафоти — бу авлоднинг шаклланишига зўр таъсир ўтказди. Олтой, Боту, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Файратий, Яшин доҳийни йўқлаб ёзган шеърларида халқ бошига тушган буюк мусибатни тасвир этдилар. Файратий 1928 йилда «Ленинсиз тўрт йил», Чўлпон 1934 йилда «Ленинсиз ўн йил», Ҳамид Олимжон эса 1938 йилда «1924 йилнинг 22 январида Самарқанд» асарларини

яратдилар. Доҳий вафот этган йил узоқлашгани сари халқ бошига тушган қайғунинг оғирлиги тобора кучли, Лениннинг жаҳон тарихи ва мазлумлар тақдиридаги роли эса тобора чуқур сезилди. Шунинг учун ҳам ўзбек шоирларининг 20 ва 30-йилларда ёзган шеърларида доҳийни йўқлаш, халқ мусибатини, дардини ифодалаш мотиви катта ўрин тутди.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали бу сонда ўзбек совет шоирларининг Ленин мавзуга бағишланган дастлабки баъзи бир шеърларини эълон қилади. Мазкур мавзуга бағишланган Ҳамза, Олтой, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Яшин (Олқиш), Усмон Носир, шунингдек, Эргаш Жуманбулбул ўғли сингари шоирларнинг 20-йилларда яратган асарлари турли тўпламлар ва нашрлар орқали ҳурматли журналхонларга маълум. Шу сабабли биз бугун Фақирий, Тавалло, Хондайлиқий, Элбек, Боту, Нозима, Ҳўқандий сингари шоирларнинг қаламига мансуб бўлган баъзи бир шеърларнигина сиз, журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзбек адабиётида доҳий образини яратишга биринчи бўлиб бел боғлаган шоирлардан бири Абдураззоқ Фақирийдир. У билан кетма-кет Сафо Муғанний, Нозима хоним, «3» деб имзо чеккан номаълум шоир ва бошқалар ҳам Ленинга атаб шеър тўқиганлар. Бу шеърларнинг бадний савияси, афсуски, бир хил эмас.

Қуйида эълон қилинаётган шеърларнинг аксарият қисмини марсиялар ташкил этади. Лекин уларнинг барчаси «Ленин ўлди, аммо у тузган партия бор; у кўтарган ҳуррият байроғи ҳилпираб турибди» сингари ҳаётбахш сатрлар билан тугайди.

В. В. Маяковский «Владимир Ильич Ленин» достоннда Ильичнинг ҳатто вафоти ҳам кишиларни бирлаштирувчи улугвор кучга айланди, — деган эди. Бу марсиялар ҳам ана шундай улугвор бир руҳ билан суғорилган.

Марҳамат, ўқинг.

А. ФАҚИРИЙ

(1886—1925)

МУХАММАСИ ЗАМОНА

Бонг урди инқилобот, мазлум эли уйғонди,
Гўрсатди қудратини, дарё каби тўлғонди,
Зулм аҳли ҳалок бўлди, ўз қонига булғонди.
Абри қудурат итти, жонлар жонга уланди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Дейин сиза ҳикоят хонларни қилмишидин,
Айтай яна ривоят малъунлари ишидин,
Йўқсулга боқмай ўтган сони минг ёзу кишидин.
Дуд қоплади фалакни мазлумни нолишидин,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Хонларга тикка боқмиш шаҳло кўзлар ўйилди.
Элпарвар эр йигитлар бари қўйдек сўйилди,
Арбобу оқсоқоллар кўзига қон қуйилди,
Бадбий қилмишларига ёмон ёдгор қуйилди.
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Жабру ситам кўпидин чашмим сер об ўлди,
Бечоралар кўз ёши юз мингча ёб ўлди,
Ҳасрат тўлуб жаҳона диллар ҳуноб ўлди,
Қаллобу энағарлар хонга арбоб ўлди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Биродарлар кетурди Ленин ўртоқ саломин,
Коммунист фирқасининг меҳру шафқат паёмин,
Элга муяссар этти озодлиг низомин,
Ендурди, елга берди зулм аҳли хонимонин,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Ленинни ҳар каломи жонбахш элексир ўлди,
Сўзлар сўзи табаррук бедилга... бўлди,
Ушал чашма зиёдин оламга нур тўлди,
Аввалда жабр чеккан, шукр, эмди ҳур бўлди,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Ленин ўртоқ демушким: бас, эмди қўзғолинлар,
Бу тахту салтанатни йиқинг, гўрга тиқинлар,
Обод этибон элни оламга нур ёқинлар,
Эл майлича иш айлаб, бахти балад қуринлар,
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

Мендек юз минг Фақирлар ғафлатдин бош кўтарди,
Зулмат қасрин янчмоққа алина дош гўтарди,

Ленин — совет туғини қари-ю ёш гўтарди.
Шукр, зулмат замони ғазаб ўтига ёнди.

1921

ПАЁМИ ЛЕНИН

Эй халойиқ, шод ўлинг,
Ғафлатдин бедор ўлинг,
Келди яхши меҳмонлар,
Балки орзу армонлар.
Жувайдга қилич бўлиб,
Бизларга қалқон бўлиб,
Келмиш биродар сўзи,
Сўзи на, балки ўзи.
Иш билган эр йигитлар,
Ҳар бири шер йигитлар.
Жангларда хўб чиниққан,
Евларни гўрга тиққан,
Лениндан таълим олган,
Хурликни элга ёйган,
Онлар-ла келди бизга,
Эру, зану, ҳам қизга,
Ўзбек била туркманга,
Яна қорақалпоққа,
Ленин ўртоқ паёми,
Паёми на, каломи.
Паёмининг ҳар сўзи,
Лениннинг худди ўзи.
Жонбахш эрур танларга,
Умид берар дилларга.
Демишлар ўртоқ Ленин:
«Оёқ ости бўлганлар,
Дим жафони кўрганлар.
Гарчи йироқ юртнингиз,
Яқин бизга ўзингиз.
Истибдод даври битди,
Озодлик кунни етди.
Басдур эмди йиғламоқ,
Жафолардан инграмоқ,
Пиқдингиз жафо қасрин,
Синдириб тожу-тахтин.
Хонлар йўқликка кетди,
Ишламоқ они етди.
Лек ҳали ёвлар тирик,
Унинг кучлари йирик.
Даркордир хушёр бўлмоқ,

Ҳар бир ишда бирлашмоқ,
 Бирлашсангиз ёвларни,
 Маҳв этарсиз дунларни,
 Босмачи бўлса тирик,
 Инглиз унга шерик.
 Тинчлик бермас сизлара,
 Дурмуш тушмас излара.
 Биродарлар мададкор,
 Бўлур сизга ҳалоскор,
 Биздан на истасангиз,
 Мадад даркор десангиз,
 Юборурмиз барчасини,
 Озуғи ҳам оқчасини.
 Мазлумларга биздур ёр,
 Кўмак этмакка тайёр».

Ина гўринг дувгонлар,
 Оға-ини қардошлар,
 Ленин паёми бизга,
 Қон ютган элимизга,
 Ҳаётнома йўлламиш,
 Евни ларзага солмиш.
 Бадбахт Жунайд ўғрини,
 Маҳкам тутиб бўғзини,
 Абад йўқотмоқ учун,
 Гўрга тижмоқлик учун,
 Биродар-ла бир сафда,
 Турайлик соғу-сўлда,
 Адоватни ташлайлик,
 Хайр ишини бошлайлик.
 Ўзбек, туркман бир бўлиб,
 Қалпоқ-ла бир сафлашиб,
 Ленин туғини ушлаб,
 Душман кўзини ёшлаб,
 Кўзгалайлик зўр жангга,
 Қутдуг жаҳду-жадалга.
 Фақирий дер: сизга ёр,
 Бўлсун эллар мададкор.

1921.

МАДҲИ ЛЕНИН

Васфи Ленинини десам, хуршиди анвардур ўзи,
 Инқилоб этди жаҳонни сўзлаган ҳар бир сўзи.

Гарчи хуршид бор эди, мазлум дилин ёрутмади,
 Эмди бўлди икки хуршиддин мунаввар ер юзи.

Не хуш улким, чеҳраи Ленин зиёсидин бу кун,
 Равшан ўлди нобиноларнинг бори кўнгул кўзи,

Мустабид хонларни пойи остида биз хор эдик,
 Шабни ҳам қилди чароғон, шукр, Ленин юлдузи.

Халқ учун жаҳду-жадаллар айлади ҳеч тинмайин,
 Элни зулмат кечасин қилди мунаввар кундузи.

Езди ҳурликнинг китобин, билмайин ороми ҳеч,
 Қулфату ғам кетди-ю, ёрушди мазлумлар юзи.

Аҳли йўқсул баҳраманд Ленин низомидин, билинг,
 Топти инсонлик ҳуқуқин ҳам эри-ю, ҳам қизи.

Қилди дунёда баробар эрни ҳам, хотунни ҳам,
 Бўлди асрий дарда малҳам доҳийнинг айтмиш сўзи.

Эй Фақирӣ, бас, унутма кечмиш ул мудҳиш кунинг,
 Ҳар ишингда раҳнома бил Ленин(н)инг айтмиш сўзин.

1923.

МАРСИЯИ ВАФОТИ ЛЕНИН

Еру кўк мотамсародур халқ фиғонидин бу кун,
 Чунки Ленин кўз юмубдир ушбу оламдин бу кун.

Ҳар сўзи адли низомда дуррию гавҳар эди,
 Бу жавоҳир маҳзанидин, оҳ, жудо бўлдик бу кун.

Ҳар каломи жонфизосидини бўлурдик баҳраманд,
 Бу табаррук тўтиёдин эл жудо бўлди бу кун.

Ул тулуъ айлаб қуёшдек қасри зулматни бузуб,
 Не балолӣф кун букунким, ул қуёш ботди бу кун.

Барча олам тожу тахт аҳлига гулгул солди ул,
 Зарбасидин титрашур гўё терак барги бу кун.

Мустабидлар хони-монин ёндируб тутган иши,
 Бўлди мазлумлар жудо олам зиёсидин бу кун.

Куйгил, эй ғаддор фалак, нечун ажал бор айладинг,
 Йўқса, Ленин бошимизда умр абад тургай эди.

Бас, Фақирӣ, бўзлама етим қўзидек даҳр аро,
 Шукр, бизга раҳнамодур фирқан Ленин бу кун.

1924.

НОЗИМА ХОНИМ

(1864—1924)

ЛЕНИН ҲАҚИДА

Қулоқ беринг жононлар, мен сўзлайин, ёр-ёр.
 Сўз дуррини Ленинга бахш айлайин, ёр-ёр.
 Нечук демай мадҳини мен нотавон, ёр-ёр,
 Йўл тополмай зулматда эдим ҳайрон, ёр-ёр.
 Қуёш бўлиб башарга ўртоқ Ленин, ёр-ёр,
 Сочди зиё оламга ўртоқ Ленин, ёр-ёр.
 Анингдек зот топилмас оламда ҳеч, ёр-ёр,
 Халқ ғамини егувчи эрта-ю кеч, ёр-ёр.
 Тануттирди мазлумга соғу сўлин, ёр-ёр,
 Ҳам кўрсатти бизтарга ҳурлик йўлин, ёр-ёр.
 Мендек сон минг мурдани зинда этти, ёр-ёр,
 Жон бахш этиб қайтадин, ҳанда этти, ёр-ёр.
 Ленин мадҳи, Нозима, абад улуғ, ёр-ёр,
 Битмиш назминг бу йўлда ҳар дам қутлуғ, ёр-ёр.

1923.

С. ХОНДАЙЛИҚИИ

(1882—1934)

ЛЕНИН ҲАҚИДА

Ленин тузган жамият
 Элга берди амният,

Камбағалга ҳамият,
Олам аро хўб зийнат.
Ленин бўлиб бир юлдуз
Кечалар бўлиб кундуз.
Жонлар бўлиб омон-да
Эмди яшармиз юз-юз.

1923
Боғнайон

„3“

ХИДМАТ ДОҲИЙСИ ЛЕНИН ОҒАМИЗГА

Эй олий ишчи мия! Хидмат ва озодлик куни
Кучларингни ишчилар бахти учун қизганмадинг.
Артдинг ишчи кўз ёшини, кўл бериб ҳурмат билан,
Ишчи-деҳқон кўз ёшидан тўғрилиқни англадинг.
Англадинг сакраб чиқиб, йўлбошчи бўлдинг умринга,
Ишга қиммат, ишчига ҳурмат бўлмағини давладинг.
Ишчи манглайдаги йўллардан англадинг маънолар,
Умринга шул маъноларни талқин этди манглайинг.
Иш ботирлари кучидан куч олиб фикринг ўқи
Тилди йиртқичлар юрагин, тўқди машъум қонларинг.
Барча мазлумлар гуруҳин уйғотиб кескин нидонг,
Энг заҳарли ўқ бўлиб душманга санчилди донинг.
Кун чиқишда фикринг ёғдуси учқунлар сочиб,
Тез кўрармиз Шарқ элида янги турмуш тонгларин.
Эй доҳий, соғ бўл ва соғ бўлсин сенинг йўлдошларинг,
Қутқарилсин орқангизда мазлуми бор дунёнинг.

1923.

ТАВАЛЛО

(1872—1939)

МАРСИЯ

Эй, жаҳон мазлумлари пайғамбари,
Фирқа аъзосин хусус сар дафтари,
Йўлда қолган камбағаллар раҳбари,
Ташлабон кўздан бизи бўлдинг нари,
Кел, қара, кийдик қора, ёшу қари.
Умрлар ғам бирла турдинг саргайиб,

Ғарбдин Машриқни юрдинг ахтариб,
Чоҳ зиндонларда йиллар ўтқариб,
Мақсудинг — мазлумларни қутқариб,
Инқилоб деб ўтди умринг аксари.

17 йилда нусрат ўлди ёр,
Чор ҳукумат бўлди бирдан тор-мор,
Владимир Ильич ўлдинг ошкор,
Ғолибият бобида топдинг қарор,
Шул замонимизнинг, эй Искандари.

Кўздан кетмас ёш, юраклар ичра доғ.
Еритолмас ёқса кўкракка чироғ,
Бу тилак: «Қабрингда энди топ фироғ»,
Ёшлар исмидан қилурман алвидо,
Алвидо, жумҳуриятнинг сарвари.

Футинно тарих ёзилди ушбу кун,
Илм донишдо, ойе, эй азфун
Қайғу меҳнаткашда, сен бўлдинг забун.

Сен эдинг йўқсуллара бир раҳнамуи,
 Чиқмагай эсдан сўзингни ҳар бири.

1924.

ЭЛБЕК

(1899—1939)

ЭСЛАШ (Ленин учун)

Буюк доҳийнинг жилдлаб китобин
 Қатордан бир-бир ўқиб бораман,
 Мазлумлар учун қилган хитобин
 Кўздан қочирмай ўқиб бораман.

Шунда кўзимга кўрингансимон,
 Бўладир чақнаб боққучи кўзлар:
 Тарқалар бирдан у — қалин туман,
 Миямга синггач ёққучи сўзлар.

Беш йил раҳбарсиз борган шу йўлда
 Унинг таълими раҳбарлик этди;
 Адашган қолди белгисиз чўлда,
 Адашмас йўлчи бекатга этди.

Яна олдинда зўр бекатлар бор;
 Буни ўтолмас йиғлоқ, чаманнор
 Буида бўлғуси бизга, албат, ёр,
 Фақат у айтган қимматли шиор.

1929.

МОТАМ

Нечундир билмадим дунёнинг юзи
 Бул кун қайғуға кўмилди.
 Қувончдан уйғонган у уйғоқ кўзи
 Бул кун қайғули ёш билан тўлди?
 Оғочлар қайғудан бошларин эгиб,
 Бир-бир кучоқлаб мотам қилурлар.
 Қушлар бу мотамга қўшилиб бутун,
 Оғочлар бошида жим-жим турурлар...
 Елғиз бир қарғалар, билмадим недан,
 Мотамга қўшилмай қағирлашарлар.
 Дунёнинг мотамин кўзига илмай,
 Бир-бирин қувишиб кўп ўйнашарлар...
 Изғирин шамоллар бир-бирин қувиб,
 Дунёдан қўл йиққан дарвишлар каби
 Қайғусиз дунёни излаб-топишиб,
 Кетма-кет тўхтамай ўтиб боралар.
 Оғочлар уларга ялинган каби
 Қўлларин узатиб тинмай талпиниб:
 «Бизнида элтингиз!» — дегандек бўлиб
 Хўнграшиб, йиғлашиб қараб қўялар...
 ...Чидолмадим, кўзларимдан ёш томди;
 Сўзламакка тилим мендан эрк олди.
 Фарёд этиб дедим: «Мазлум йўқсуллар,
 Эй қийнолган, эмгак чеккан ишчилар!
 Бу кун мотам, бу кун қайғу кунидир;
 Бу кун бир доҳийнинг ўлган кунидир.
 Бу кун одам болалари ўзининг
 Тушунчали бир миясин йўқотди,
 Бу кун дунё ўзининг бир ботирин
 Қўлдан берди, йўқ дунёга жўнатди»...

Шул сўзларни сўзлар экан бу тилим,
«Тўхта!»,— дедим унга қараб мен дедим.
Қайғурмоқлик, йиғлзмоқлик бош эрур.
«Ул ўлса-да оти ўлмас, тирикдир.
Юрт, улусга йўлбошчилик қилгани
Барчаси ҳам, умри битгач ўликдир.
Елгиз унинг чизиб берган чизиғи
Дунёмизда мангуликка қолмишдир.
Уларнинг шул чизган чизиқларидан,
Фойдаланиб кишилар иш қилмишдир.
Уртоқ Ленин бу кун ўлган бўлса-да,
Орамиздан ул йўқолган бўлса-да,
Англингизким чулдураган, эй тиллар,
Орамиздан чиқар бир кун ленинлар».

1924.

БОТУ

(1904—1940)

МАРСИЯ

Йўқсул эллар дунёсининг кўнг кўкинда порлаган
Нурли ойга махвият бағрин очиб йўқ айлади.
Барча мазлум ерлиларни зўр курашга чорлаган
Шонли байроқ соқчисиндан бизнинг дунё ажради.
Келгусида ер юзин жаннат қилиш истаклари
Кўкрагинда тўлқин урган ишчилар кўз ёшлади.
Зулм ўқи тешган юракнинг тинчимас оғриқлари
Эрк учун кулган улуг юзларда ўйнай бошлади...

Ерлиларнинг раҳбари Ленин йўқолган бўлса-да,
Ул кўтарган шонли байроқ мангу тургай дунёда...

1924

Москва

ЛЕНИН УЧУН

Кетди борлиқ дунёсидан зўр тузумга бўйсуниб
ишчиларнинг раҳбари.
Йўқсул эллар қайғу ичра. Эй суюнч, қоч, тур нари!
Дард-аламлар чулғаб олган ерлиларнинг дунёси
турди, мотам куйлади,
Чунки у шул чоққача бундай йўловчи кўрмади.
Кучли ёвнинг қаршисинда зарра қўрқув билмаган
шер юракнинг наъраси
Тўлқин урган, кўзин очди ишчиларнинг барчаси.
... Ленин ўлли... лекин ўлмади, ўлмас унинг
дунёда қилган иши.

1924.

Москва.

М. ХУҚАНДИИ

(1880—1943)

МОТАМ КЕЧАСИ

Олам ҳамма бор, ўртада йўқ доҳийси Ленин,
Ҳар мазлум элни раҳбари дил хоҳиси Ленин,
Кутлуг нафас ул, чарх шараф моҳиси Ленин,
Ойдин ҳар иши, элни қарам хоҳиси Ленин,

Гарчи ўзидир фоний, судуки вале боқий,
 Қилган ҳамманинг кўзини гирён кечадур бу,
 Дилларга алам ўтини солган кечадур бу,
 Бу кеча қаро хилъабини бошига чулғаб,
 Оламга адо ўтини ёққан кечадур бу,
 Юлдузлар учар, кўҳнинг равоқида бу кеча,
 Сўйин етуран ҳоли паришон кечадур бу,
 Оламга бу ғам шарҳини ёзмоққа Аторуд,
 Илгида қалам, ойнаси сўзан кечадур бу,
 Булбулга наво гулни фироқида бу кеча,
 Ошиқ дилига солгучи армон кечадур бу,
 Гулзори жаҳон гулларига қилса наззора,
 Қилмас, ҳамманинг бағри эзилган кечадур бу,
 Эл жумла ҳамма, ашки равон ҳоли паришон,
 Хуррамлик уйин қилгучи вайрон кеча бу,
 Бу кеча кўнгил баҳри аро тўлқини кўриш
 Ғам бирла ҳамма, моҳи жигар қон кечадур бу,
 Ҳар кимса дили ушбу алам оташи узра,
 Седона каби жизғини сўзон кечадур бу,
 Тош узра тушиб жони вафо васли оёғи,
 Дилларга урар оташи ҳижрон кечадур бу,
 Қим йўқ бу кеча, йўқсул элин додгари йўқ,
 Минг оҳу фиғон офати даврон кечадур бу.

1924.

ҲАЙРАТИИ

(1871—1964)

ЛЕНИН ОТА

Пролетарлар раҳнамози қаҳрамон Ленин ота,
 Зулм элин йўқ қилгани тузган план Ленин ота.
 Сен тузиб кетган сиёсий йўлни маҳкам ушладик,
 Айлағаймиз ушбу оламга аён, Ленин ота.

Партиянг, шогирдларинг ишлашдилар ғайрат билан,
 Мамлакатни қилдилар дориламон, Ленин ота.

Мустабидлар даврида қўрқмай тузиб партияни,
 Подшоҳлар тухмини қилди ниҳон, Ленин ота.

Умрининг кўпроғи сургун бирла зиндонда ўтиб,
 Махфий ер остида тинмай ишлаган Ленин ота.

Элни зулматдан чиқармоқ фикрини ўйлаб мудом,
 Етди охир мақсадига паҳлавон Ленин ота.

Социализмга чиқди барча эл хуррам бўлиб,
 Адлу эҳсондан бутун берди нишон Ленин ота.

Урнига шогирдларини қўйди-ю, юмди кўзин,
 Қолганин онлар қилур деб ўйлаган Ленин ота.

То жаҳон борича турсун бу советлар давлати,
 Ҳайрато, номи жаҳонда жовидон Ленин ота.

1935

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик

С. Шермухамедов, С. Мирзаев. В. И. Ленин адабиёт ҳақида	3
А. Ҳайитметов. Адабий меросни ўрганишда Ленин таълимоти	10
Ҳ. Еқубов. Доҳий методологияси бадий ижодда	17
Ҳ. Зарифов, Т. Мирзаев. В. И. Ленин ва ўзбек фольклоршунослиги	23

Ўзвучи минбари

А. Мухтор. Мангуликка дахлдор	28
---	----

Тилшунослик

С. Усмонов. Тил назариясининг баъзи бир масалалари	35
Қ. Хоназаров. Миллий тиллар масаласида доҳий таълимоти	41
Ш. Шабдураҳмонов. Доҳийнинг шева ҳақидаги бир мулоҳазаси	46
С. Иброҳимов. Ўзбек миллий ўзвунининг ривожланиши	49

Илмий ахборот

М. Нурматов. Миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири	54
М. Муродов. Садоқат сарчашмалари	57
С. Содиқов. Доҳийга адабий ҳайкал	61
Р. Дониёров. Термин ва терминология хусусида	65

Тақриз

Б. Назаров. «Бу мавзу бир эбадий илҳом...»	67
--	----

Тирик сатрлар

Лениннома саҳифаларидан	72
-----------------------------------	----

АКТИВЛАРИ

Тиласи...

1. ...

2. ...

3. ...

4. ...

5. ...

6. ...

7. ...

8. ...

9. ...

10. ...

11. ...

12. ...

13. ...

14. ...

15. ...

16. ...

17. ...

18. ...

19. ...

20. ...

21. ...

22. ...

23. ...

24. ...

25. ...

26. ...

27. ...

28. ...

29. ...

30. ...

40
41

